

ЎзДЖТУ хузуридаги
РИАИМ

Ўқув-услубий
мажмуа

Лотин тили йўналиши
тингловчилари учун

Ўқув-услубий
мажмуа

2021

Лотин тили

3.3. Лотин тилини ўқитишдаги замонавий методлар

Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил “7” декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи: С.С. Умарова ЎзМУ Француз филологияси кафедраси
катта ўқитувчиси

-

Тақризчи: А.А.Назаров – ЎзРИАИМ Бўлим бошлиғи

Ўқув -услугий мажмуа ЎзДЖТУ хузуридаги РИАИМ Илмий- методик Кенгашининг 2020 йил 25 декабрдаги 10 - сонли қарори билан тасдиққа тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I.	ИШЧИ ДАСТУРИ.....	3
II.	МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	12
III.	НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ УЧУН МАТЕРИАЛЛАР.....	16
IV.	АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ УЧУН МАТЕРИАЛЛАР.....	45
V.	КЕЙСЛАР БАНКИ.....	100
VI.	ГЛОССАРИЙ.....	102
VII.	АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	107

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни жамият ривожини ва таълим-тарбия жараёнининг инновацион масалалари, олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик ҳужжатлари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-

коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимларидан фойдаланиш ва масофавий ўқитишнинг замонавий шакллари қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Ушбу дастурда олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари вақонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, лотин тили фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий методлар бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш назарда тутилган.

Мазкур дастурда таълим технологияларининг тиббий - фармацевтик терминологияни ўқитишда лотин тилини ўрни, фанларни ўқитишда интерфаол усуллар, тиббий - фармацевтик терминология асослари фанларини ўқитишда лотин тили фанидан машғулотлар олиб боровчи педагогларнинг инновацион фаолияти, молулли ва муаммоли ўқитиш технологиялари билан ишлаш ва улардан фойдаланиш каби муаммолари баён этилган.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Модулнинг мақсади: Лотин тили ўқитишдаги замонавий методлар ва усулларини ўрганиш. Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари

малакасини ошириш курсининг тингловчиларини Лотин тили ўқитишнинг замонавий инновацион технологиялари тахлили, шунингдек, уларни таълимга жорий этиш бўйича илғор хорижий тажрибалар билан таништириш, уларнинг билимларини янада такомиллаштиришдан иборатдир.

Модулнинг вазифалари:

- замонавий методларни ўрганиб чиқиш;
- ўқув материалларнинг қийинчилик даражасини аниқлаш ва таҳлил қилиш;
- ўқув материалларни танлашдаги стратегиялар, ўқув материаллар яратишда асосий тамойиллар, ўқув материалларини эҳтиёжга мослаш, ўзгартириш, аутентик материалларни қўллаш;
- Тил билиш даражасини баҳолаш тамойиллари, баҳолаш меъзонларини яратиш ва улардан самарали фойдаланиш;
- Баҳолаш ва материал тўплаш, коммуникатив ва вазифага асосланган тил ўргатишда баҳолаш мезонларини қўллаш;
- Альтернатив баҳолаш, синфни тадқиқ қилиш, фидбек бериш;
- Тестлар яратиш усуллари, тест принциплари, аудио матнларни танлаш ва матн харитасини яратиш, тинглаб тушуниш, ўқиш, ёзув, гаплашиш кўникмаси бўйича тестлар таҳлил қилиш ва яратиш кўникмаси мавзуларини ўрганиш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар:

Лотин тили ўқитишнинг замонавий методлари курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- ананавий ва замонавий дарс ўтиш услубларини қиёсий таххлил қилиш ва ҳар бир услубнинг афзалликлари ва номуносиб томонлари билан яқиндан танишиш;
- лотин тили ни ўқитишда хорижий мамлакатлар тажрибасини амалиётда қўллаш;
- дарс жараёнида турли уйин ва методлардан фойдаланиш

- аудио ва видео материаллардан фойдаланиш
- интерфаол технологиялар ва улардан самарали фойдаланиш хақида **билимларга** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- тинглаб тушуниш ва луғат бойлигини бойитиш бўйича турли методлардан фойдаланиш;
- ўқув материалларини яратиш учун мақсад, вазифа ва кутилаётган натижаларини тўғри белгилай олиш;
- интерфаол методларни мақсадли равишда тўғри танлаш ва фойдаланиш;
- дарс жараёнига тайёргарлик кўришга талабаларнинг билим даражаси, кизиқишлари, ўрганиш услубларини ҳисобга олган ҳолда ёндашиш;
- интерфаол методлардан фойдаланиш **кўникма ва малакаларини** эгаллаши лозим.

Тингловчи:

- лотин тили таълимида билим, кўникма, малакаларни баҳолаш;
- лингвистик ва маданиятлараро компетенцияларни баҳолаш;
- нутқ коммуникацияси элементлари, социолингвистик элементлар прагматик элементлар, баҳолашнинг асосий турларини ўзлаштириш;
- мавзуга оид олимлар томонидан билдирилган фикрларни таҳлил қилиш **малакаларига** эга бўлади.

Тингловчи:

- Модул бўйича портфолио тузиш, тестларни ишлаб чиқиш принциплари билан ҳам таништириш;
- ўқув адабиётларга бўлган эҳтиёжни ўрганиш;
- ўқув мақсадлари ва кутилаётган натижаларни тўғри белгилай олиш;
- баҳолаш, фикр-мулоҳазага асосланган баҳолаш механизмини мустақил ҳолда ташкил этиш **компетенцияларига** эга бўлиши талаб этилади.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

Модулларни ўқитишда дарслик, ўқув қўлланмалар, тарқатма материалларидан, маъруза матнларидан, хорижда соҳага оид чоп этилган

сўнги мақолалардан фойдаланилади. Машғулотлар амалий ва вокшоп таълим шаклида олиб борилади ва кичик гуруҳларда ишлаш, амалий ўйинлар, ўқув лойиҳаларини яратиш, Кейс-стади каби интерфаол методлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

Курс давомида тингловчилар дастлаб намунавий дарсларда тил ўрганувчи ролида қатнашадилар, сўнгра ўқитувчи сифатида тавсия этилган дарслар ва машқларни таҳлил қилишади, махсус тестларни ечишади, портфолио топшириқларини бажаришади, намунавий дарс ўтиб бериш орқали ўзларининг тил ўқитиш кўникмаларини ривожлантиришади. Курс иштирокчиларидан касбий малакаларидан келиб чиққан ҳолда махсус фанларни ўқитишдаги долзарб масалаларни белгилаб олишлари шунингдек, гуруҳ аъзолари билан дарсда ҳамкор ҳолда иш юритишлари, ўзаро фикр алмашишлари, интерфаол усулларининг самарали шаклларини таълим соҳасига тадбиқ этишга эришишлари, мавжуд иш тажрибаларини ҳамкасблари билан ўртоқлашишлари, хусусан, илғор тажрибаларни семинар-тренинглар, амалий курслар, дидактик материаллар, методик қўлланмалар кўринишида оммалаштириш ва таълим тизимида қўллашлари кутилмоқда.

Шунингдек, тингловчилар ўзларининг касбий маҳоратларини оширишда муҳим бўлган мавзулар билан танишадилар, кўникмаларини ривожлантириш устида иш олиб борадилар.

Курс давомида тингловчиларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва оммалаштириш назарда тутилган. Амалий машғулотларда ва мустақил таълимда қўлланиладиган усуллар:

- амалий топшириқ
- жараён давомида ўрганиш
- муҳокама
- лойиҳа иши

- презентация
- потрфолио қайдлари/таълим олиш кундалигини юритиши
- Интернет ва бошқа манбалардан мавзуларга оид маълумотлар тўплаш

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Лотин тили ўқитишнинг замонавий методлар модули мазмуни ўқув режадаги “Коммуникатив тилунослик ва тил компетенциялари” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг Лотин тилини ўқитишнинг замонавий интерактив услублари бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Мазкур модул олий таълим тизимида лотин тили ўқитувчиларини энг сўнгги замонавий ёндашувлар ва илғор амалий усуллардан унумли фойдаланган ҳолда сифатли таълим беришларида муҳим ҳисса қўшади. Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар мобил иловалар яратишни ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

	Мавзулар	Тингловчининг ўқув юкلامаси		
		Жами соат	Назарий	Амалий
1	Замонавий методларни ўрганиб чиқиш, ўқув материалларнинг қийинчилик даражасини аниқлаш ва таҳлил қилиш.	4	2	2
2	Чет тилини ўқитишда замонавий ёндашувлар: тилни коммуникатив асосда ва компетенциявий ёндашув асосида ўқитиш	4	2	2

3	Тил билиш даражасини баҳолаш тамойиллари. Баҳолаш меъзонларини яратиш ва улардан самарали фойдаланиш.	2		2
4	Талабалар билимини баҳолашнинг альтернатив технологиялари: Портфолио билан ишлаш ва уни шакллантириш.	2		2
5	Синфни тадқиқ қилиш. Чет тили дарсларида Фидбек усулини қўллаш. Мулоқатга ўргатиш дарсини технологиялаштириш.	2		2
6	Ўқув материалларни танлашдаги стратегиялар ва ўқув материаллар яратишда асосий тамойиллар	2		2
7	Тестлар яратиш усуллари. Тест принциплари.	2		2
8	Тинглаб тушуниш, ўқиш, ёзув, гаплашиш кўникмаси бўйича тестлар таҳлил қилиш ва яратиш кўникмаси	2		2
	Жами	20	4	16

Назарий машғулотлар мазмуни

1-мавзу: Замонавий методларни ўрганиб чиқиш, ўқув материалларнинг қийинчилик даражасини аниқлаш ва таҳлил қилиш.

Лотин тилини ўқитишда турли методларни қўллаш, интерактив методларни қўллаш ва ўқув жараёнини ташкил этишдаги қийинчиликлар, машғулотларни олиб боришда методларини танлаш мезонлари. Таълимнинг ноанъанавий шакллари.

2-мавзу: Чет тилини ўқитишда замонавий ёндашувлар: тилни коммуникатив асосда ва компетенциявий ёндашув асосида ўқитиш.

Чет тилини ўқитишда замонавий ёндашувлар. Чет тилини коммуникатив ёндашув асосида ўқитиш. Чет тилини компетенциявий ёндашув асосида ўқитиш.

Амалий машғулот мазмуни

1-мавзу: Замонавий методларни ўрганиб чиқиш, ўқув материалларнинг қийинчилик даражасини аниқлаш ва таҳлил қилиш.

Лотин тилини ўқитишда турли методларни қўллаш, интерактив методларни қўллаш ва ўқув жараёнини ташкил этишдаги қийинчиликлар, машғулотларни олиб боришда методларини танлаш мезонлари. Таълимнинг ноанъанавий шакллари.

2-мавзу: Чет тилини ўқитишда замонавий ёндашувлар: тилни коммуникатив асосда ва компетенциявий ёндашув асосида ўқитиш.

Чет тилини ўқитишда замонавий ёндашувлар. Чет тилини коммуникатив ёндашув асосида ўқитиш. Чет тилини компетенциявий ёндашув асосида ўқитиш.

3 - мавзу: Тил билиш даражасини баҳолаш тамойиллари. Баҳолаш мезонларини яратиш ва улардан самарали фойдаланиш.

Билим, малака ва кўникмаларни текширишнинг аҳамияти. Текшириш объекти, турлари ва усуллари. Баҳолаш мезонлари ва тамойиллари.

4-мавзу: Талабалар билимини баҳолашнинг альтернатив технологиялари: Портфолио билан ишлаш ва уни шакллантириш.

Тил билиш даражасини аниқлашнинг зарурияти ва аҳамияти. Альтернатив баҳолаш ҳақида тушунча. Альтернатив баҳолаш шакли ва турлари. Портфолио тизими. Портфолио билан ишлаш ва уни шакллантириш.

5 - мавзу: Синфни тадқиқ қилиш. Чет тили дарсларида Фидбек усулини қўллаш. Мулоқатни ўргатиш дарсини технологиялаштириш.

Синфни тадқиқ қилишдаги усуллар ва мезонлар. Фидбек тушунчаси ва унинг турлари. Ўз ўзини баҳолаш тамойиллари. Мулоқотни ўргатиш жараёнида талаффуз кўникма ва малакаларини шакллантириш.

6-мавзу: Ўқув материалларни танлашдаги стратегиялар ва асосий тамойиллар. Электрон ўқув адабиётларини яратиш.

Чет тили ўқитишда ўқув материалларни танлаш зарурияти. Электрон ўқув адабиётларининг шакл ва турлари. Электрон ўқув адабиётларини яратиш тамойиллари.

7-мавзу: Тестлар яратиш усуллари. Тест принциплари.

Тест тузиш тамойиллари ва унинг турлари. Тест яратишда юзага келадиган қийинчиликлар. Тест тузиш принциплари.

8-мавзу: Тинглаб тушуниш, ўқиш, ёзув, гаплашиш кўникмаси бўйича тестлар таҳлил қилиш ва яратиш кўникмаси. Тинглаб тушунишга ўргатиш дарсини мустаҳкамлаш.

Лотин тилида нутқ фаолияти турларини текширишга мўлжаллаган тестлар тузиш. Тинглаб тушуниш, ўқиш, ёзув, гаплашиш кўникмаси бўйича тест яратишда юзага келадиган қийинчиликлар. Тест тузиш принциплари. Тинглаб тушунишга ўргатиш дарсининг мустаҳкамлаш.

Ўқитиш шакллари

Мазкур модулни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган: маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва интерфаол педагогик (Ақлий хужм, Венн диаграммаси, концептуал жадвал) усул ва технологиялардан фойдаланилади; ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, презентациялардан, график органайзерлардан, кейслардан фойдаланиш, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, блиц-сўровлардан ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилган.

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“SWOT-таҳлил”

методидан

фойдаланиш

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

S – (strength)	• кучли томонлари
W – (weakness)	• заиф, кучсиз томонлари
O – (opportunity)	• имкониятлари
T – (threat)	• тўсиқлар

Намуна: Анаънавий ва замонавий таълим шакллари “SWOT-таҳлил” методида таҳлил қилинг.

S	Оддий маърузада маърузачи талабалар, тингловчиларга кўп маълумот бера олади	Муаммоли маърузада камроқ маълумот берилди, бироқ улар талабалар онгига сингдириб берилди
W	Ўқитувчи асосан ўзи ва аълочи, қизиқувчи талабалар билан гаплашади, яъни дарсада оз сонли талабалар қамраб олинади	Муаммоли маърузада кўп сонли талабалар, тингловчилар қамраб олинади
O	Оддий маърузада фақат ўқитувчи режа асосида ва тайёрлаб келган маълумотлари атрофида гаплашилади	Муаммоли маърузада муҳокама жараёнида янги-янги масалалар, муаммолар юзага чиқиши, ғоялар тўхилиши мумкин.
T	Ўқитувчи учун асосий тўсиқ – дастурдан чиқиб кета олмаслик, талаба учун қизиқмаса ҳам ўқитувчини эшитиб ўтириш мажбурияти	Кенг муҳокама учун вақтнинг чегараланганлиги, талабаларни мавзудан четга буришга интилишлари

Баҳолаш методи

Шахснинг қобилиятини, ўқитиш курсининг сифати ёки муваффақиятини

ўлчаш ва баҳолаш демакдир. Шунингдек, баҳолаш тест, суҳбат ўтказиш, савол жавоб, кузатиш ва хоказолар орқали амалга ошириш мумкин.

Аутентик вазифа

Маҳаллий тилда сўзлашувчи киши кундалик ҳаётида бажарадиган доимий вазифалар бўлиб, тил ўрганувчи ана шундай вазиятлардан ҳақиқий сўзлашувда фойдаланса, самаралироқ бўлади. Дарс жараёнида тилни ўрганишда реал ҳаётда учрайдиган воқеа-ҳодисалар ифода этилган матнларни кўллаш фойдалидир. Аутентик материаллар дарсликларда берилмайди.

Ақлий хужум услуби

Бевосита жамоа бўлиб “фикрлар хужуми” ни олиб бориш демакдир. Бу услубдан мақсад, мумкин қадар катта миқдордаги ғояларни йиғиш, талабаларни айтиб бир хил фикрлашдан ҳоли қилиш, ижодий вазифаларни ечиш жараёнида дастлаб пайдо бўлган фикрларни енгитишдир.

“Кейс-стади” услуби

Бу услуб аниқ вазият, ҳодисага асосланган ўқитиш услуби ҳисобланади. Шунингдек, вазият билан танишиш, ахборотларни умумлаштириш, ахборот таҳлили ва ҳар бир ечимнинг афзал ва заиф жиҳатларини белгилаш демакдир.

Тармоқлар услуби

Фикрларнинг тармоқланиши-педагогик стратегия бўлиб, у талабаларнинг бирон-бир мавзунини чуқур ўрганишига ёрдам бериб, уларни мавзуга таалуқли тушунча ёки аниқ фикрларни эркин ва очиқ узвий боғлаган кетма-кетликда тармоқлашни ўргатади.

“ФСМУ” методидан фойдаланиш

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қийослаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;

- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна.

Фикр: “Чет тилини ўқитишда замонавий ёндашувлар: тилни коммуникатив асосда ва компетенциявий ёндашув асосида ўқитиш таълим самарадорлигининг энг муҳим омилларидан биридир”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

Баҳс-мунозара

Усулида гуруҳ аъзолари бирор муаммони ечиш мақсадида ўз ғояларини оғзаки таклиф этадилар. Усулдан самарали фойдаланиш учун иштирокчилар муҳокама предметига оид етарли билим ва тажрибага эга бўлишлари лозим. Бу усул катталар таълимида кўпроқ самара беради.

“Музёраp”методи

Қиздирувчи, фаолиятга жалб қилувчи машқ. Талабаларнинг ўзаро танишиши ва ишчи муҳит яратиш мақсадида қўлланилади. Бу метод хонадаги руҳий тарангликни енгиш, гуруҳнинг шаклланиш жараёнини тезлатиш, мулоқот ва ахборот алмашинувини йўлга қўйиш, шунингдек, самимийлик ва ҳамкорлик муҳитини яратишга ёрдам беради.

Ахборот алмашиш методи

Бу услуб шундайки, талабалар жуфт ёки икки гуруҳ бўлиб турли хил ахборотга эга бўлишади, ёхуд бири билган ахборотни иккинчи талаба билмайди. Бу эса суҳбатлашиш учун ҳақиқий мақсад пайдо қилади. Бу услуб асосан чет тилида гапириш, мулоқотга кириш учун ёрдам беради. Шунингдек, расмлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Интерфаоллик

Ўзаро ҳаракат қилмоқ маъносини беради. Ўзаро ҳаракат турлари:

Ўқитувчи-талаба; талаба-талаба; ўқитувчи-талабалар; талалар-талабалар; талабалар-ўқитувчи.

“АРРА” методи

Бу усулда асосан гуруҳ бўлиб ишланади. Ҳар бир гуруҳ аъзосининг кўлига матннинг бир бўлаги берилади, сўнгра мазмунини ўқиб билиб олгандан сўнг, барча қатнашчилар томонидан бутун матн тузилади. Бундай метод ўқитишни ўрганишда қўлланилади.

III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-Маъруза: Замонавий методларни ўрганиб чиқиш, ўқув материалларнинг қийинчилик даражасини аниқлаш ва таҳлил қилиш.

Режа:

- 1.1. Замонавий таълим методлари ва педагогик технологиялар.
- 1.2. Таълимнинг ноанъанавий шакллари.

1.1. Замонавий таълим методлари ва педагогик технологиялар

Сўнги ўн йил давомида нутқимизда “педагогик технология”, “замонавий педагогик технология”, “ўқитиш технологияси” каби тушунчалар кенг қўлланмоқда. “Таълим технологияси” тушунчаси “таълим методикаси” тушунчасига нисбатан кенгроқ тушунча бўлиб, у таълим мақсадига эришиш жараёнининг умумий мазмунини англатади. Бунда таълим жараёни аввалдан лойиҳалаштирилган яхлит тизим асосида, босқичма-босқич амалга оширилади, аниқ мақсадга эришиш йўлида муайян метод, усул ва воситалар тизимини ишлаб чиқиш, улардан самарали, унумли фойдаланиш ҳамда таълим жараёнини юқори даражада бошқариш ифодаланади.

“Технология” юнонча сўз бўлиб, “*techne*” - маҳорат, санъат ҳамда “*logos*” – тушунча, таълимот сўзларининг бирикмасидан ҳосил бўлган. “Таълим технологияси” тушунчаси эса луғавий жиҳатдан (инглизча “*an educational technology*”) таълим (ўқитиш) жараёнини юксак маҳорат, санъат даражасида ташкил этиш борасида маълумотлар берувчи фан (ёки таълимот) маъносини англатади¹¹. Педагогик технология назарияси ўтган асрнинг иккинчи яримдан бошлаб асосланиб келинаётган бўлса-да, айнан “педагогик технология” тушунчасига нисбатан турлича ёндашувлар мавжуд: “Педагогик технология” - бу “амалиётга татбиқ қилинадиган муайян педагогик тизим лойиҳаси”(В.П. Беспалько) “топшириқли ёндашув” (Т.Н.Балло) “босқичли ўқитиш” (В. Занков, Т.Я.Гальперин, В.И.Давыдов) “мазмунли умумлашма” (Г.К.Селевко) “фан ва амалиёт оралиғида муайян тамойилларни олға сурувчи методлар ишлаб чиқувчи,

уларни изчил қўллаш каби масалаларни ҳал этишга йўналтирилган мустақил фан” (Н.Ф. Талызина). Олиб борилаётган тадқиқот назарияси ва амалиётининг муайян тармоғидир” (П.Митчел).

Замонавий педагогик технологиялар мажмуавий узвий боғлиқликдаги тизим бўлиб, унда таълим мақсадлари асосида белгиланган кўникма ва малакалар ўқувчилар томонидан назарий билимларни ўзлаштиришга, уларда муайян маънавий-ахлоқий сифатларни тарбиялашга йўналтирилган педагогик фаолият элементларининг маълум тартибга солинган тўплами сифатида акс этади. Педагогик технологиянинг марказий муаммоси ўқувчи шахсини ривожлантириш орқали таълим мақсадига эришишни таъминлашдан иборат. Бунда таълим мақсадларининг белгиланиши, яъни таълим *кимга ва нима мақсадда?* берилиши, мазмунни танлаш ва ишлаб чиқиш, яъни *нимани?* бериш, таълим жараёнларини *қай тарзда?* ташкил қилиш, таълим методи ва воситаларини аниқ белгилаб олиш, яъни *қандай воситалар ёрдамида* таълим бериш, шунингдек, ўқитувчилар малакаси даражаси, яъни *ким?* таълим бериши, эришилган натижаларни *қандай йўл билан?* баҳолаш методлари¹⁴ марказий ўринни эгаллайди. Педагогик технология турларини танлаш шаклланаётган билим, кўникма ва малакалар, ташкил этилаётган дарсларнинг шакли, қўлланилаётган методлар ва методик усулларнинг хусусиятига боғлиқ. Масалан, ўқувчиларда ижодий тафаккурни ривожлантириш, ўқув материалларига танқидий ёндашиш кўникмасини шакллантириш ҳамда маҳсулдор фаолият турларини ташкил этиш билан бир қаторда, яъни анъанавий дарс шакллари билан бирга баҳс-мунозара, конференция дарслари, иш ўйинлари, ҳамкорликда ўтказиладиган турли дастурлардан фойдаланиш лозим.

Кўп турли интеллект

Анаънага кўра мактаблар мантиқий ҳамда лингвистик интелектни ривожлантиришга урғу беради. Кўп турли интелектлилик бу психологик ва тарбиявий назария бўлиб психолог Ховард Гарднер томонидан

шакллантирилган ҳамда унинг таъкидлашича инсонларда турлича интеллект намуналари мужассамлашган. Гарднер таъкидлашича ҳар бир индивидуал шахс ҳар хил даражадаги интеллект намуналарини намоиш қилади ва кишидаги ўзига хос фазиларлардан келиб чиққан ҳолда ҳар бир шахснинг ўз образи вужудга келади.

Гарднер назарияси бўйича ўқитувчилар дарс жараёнида қўллайдиган методологиялар, ёндашувлар ва турли фаолият нафақат мантиқий, лингвистик интеллект даражаси юқори бўлган талабалар учун, балки ҳамма талабаларга нисбатан қаратилган бўлса талабаларнинг билим олиш самарадорлиги юқори бўлади. Бу назария биринчи марта Гарднернинг ишларида 1983 йилда ақс этган. Гарднер бу борада этти хил интеллект намуналарига изох келтирган.

Лингвистик интеллект кишиларга тил билиш орқали ташқи дунё билан алоқа ўрнатиш имконини беради. Бундай кишилар бошқалардан фарқли ўлароқ айрим қийин концепсияларни тушуниб уларни сўзларга айнтирислантира олиш имкониятлари мавжуд. Бунга мисол қилиб шоирлар, журналистлар, ёзувчилар ҳамда нотикларни олсак бўлади.

Мантиқий-математик интеллект кишиларга мавҳум муносабатларни тушунишга ёрдам беради. Бу каби концепсиялар ҳақиқий ҳаётда мавжуд бўлмайди аммо ақл идрок ёрдамида фараз қилиши орқали вужудга келади. Бунга мисол қилиб олимлар, математиклар ва файласуфларни олсак бўлади. Бундай кишилар ўзларида бор мантиқий-математик интеллектга таянган ҳолда айрим чигал муаммоларнинг турли эчимларини фараз қилиш ёрдамида топишади.

Хотира интеллекти кишиларга хотирасидаги маълумотларни сўзлар шаклида эмас балки расм-кўринишларда ифодалаш имконини беради. Бунга мисол қилиб архитекторлар, ҳайкалтарошлар, муҳандислар, кино ижодкорлар ва дизайнерларни олсак бўлади.

Кинестетик интеллект кишиларга муаммоларни эчишда ўз тана(қўл ва оёқлари) қисмларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириш имконини

беради.

Муסיқа интеллект кишиларга товушларлардан келиб чиқадиган маъно ни илғашга, тушунишга имкон беради. Бундай кишилар рақамлар, сўзлар ва расмлардан кўра кўпроқ муסיқавий ноталарни тез тушуниб олишади.

Интер-персонал интеллект (Кишилараро муносабатлар) кишиларга бошқа кишиларнинг ҳиссиётлари ва интилишларидаги ўзгаришларни пайқаш имконини беради. Гарднернинг фикрича бу каби кишилар бошқаларнинг кайфиятларидаги, характеридаги ўзгаришларни ҳамда мотивация, истак ва интилишлари қай тарафга қаратилганликларини тўғри таҳлил қила олишади. Бунга ёрқин мисол қилиб ўқитувчилар, ота-оналар, сиёсатшунослар, психологлар, савдо-сотик ходимларини олсак бўлади.

Интра-персонал интеллект (Ўзликни англаш) кишиларга ўзларида мавжуд бўлган қобилиятларни ишга солиб келгусидаги ҳаёт йўлларини тўғри танлашда ёрдам беради. Бу каби кишилар ўзларининг тажрибаларидан (салбий ҳамда ижобий) ва ўз талантларидан самарали фойдалана олишади.

Натуралистик интеллект ўзаро муносабатларда таъсирчанлик хусусиятларини намоён қилади. Атроф муҳитга мутлақо бефарқ бўлмаган ҳамда табиат ҳодисаларига боғлиқ тушунчаларни тўғри талқин қиладиган кишилардир. Бунга мисол қилиб фермерларни, боғбонларни, ботаникларни, геологларни ҳамда археологларни олишимиз мумкин.

Эгзистенциал интеллект (ҳақиқийлик оид) орқали кишилар ҳаётдаги ҳақиқийлик ва ўлим тўғрисидаги философик саволларга урғу беришади ҳамда бу муаммоларни кўтариб чиқади.¹⁵

¹⁵ John Carr. Approaches to teaching & Learning. Dublin. P.19

Маълумки, таълим жараёни икки томонлама характерга эга бўлиб, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг тенг муносабатларидан ташкил топади. Бу жараёнга раҳбарлик қилувчи ўқитувчи таълим жараёнининг тўғри ташкил этилиши, таълим мақсадларининг тўғри амалга оширилиши ва таълим натижалари учун жавобгар шахс ҳисобланади. Аммо бу, таълим жараёни

Ўқитувчининг тўлиқ ҳукмронлиги остида амалга ошадиган жараён, деган нотўғри фикрнинг туғилишига асос бўла олмайди. Таълим жараёни ўқувчиларнинг фан асосларини ўзлаштиришларига оид механизмгина бўлиб қолмасдан, балки шахснинг умумий ижтимоий-маданий қобилиятларини таркиб топтиришга ҳам қаратилишини унутмаслик лозим. Ҳозирги давр талаби ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорлик муносабати ёрдамида ижобий натижага эришишдир.

Ҳамкорлик характериға кўра методлар:
- нофаол - ўқитувчининг авторитар фаоллиғига асосланади;
- фаол - ўқитувчи билан ўқувчи-талабалар ҳамкорлиғидан ташкил топади;
- ўқувчи-талабаларнинг ўзаро ва ўқитувчи билан ҳамкорлиғидан иборат бўлади.

Ўқитувчи билан ўқувчиларнинг ҳамкорлиғи ўқитувчининг ўқувчиларға кўрсатадиган ёрдамидан бошланди. У аста-секин фаоллашиб, ўқитувчи билан ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорлик позициясига ўсиб ўтади. Таълим жараёнида ўқитувчининг ўқувчилар билан ҳамкорлик қилиши катта аҳамиятга эга. Ўқувчиларнинг таълимға қай даражада ихлос қўйиши ўқитувчининг мана шу ҳамкорликни ярата билиш маҳоратига боғлиқ. Ўқитувчи билан ўқувчиларнинг ўқув фаолиятидаги муҳитнинг тўғри уюштирилиши ўқувчиларнинг фанға бўлган қизиқишларини оширади, уларни бутун куч ва ғайратини сарфлашға ундайди. Ижодий топшириқлар ҳамкорликда бажарилгандагина билимларни ўзлаштириш самарали бўлади. Ўқитувчининг ўрганилаётган фан бўйича қайсидир бир маълумотға аниқлик киритиш пайтида ўқувчиларға ёрдам сўраётгандай мурожаат қилиши ҳамкорлик фаолиятини янада чуқурлаштиради.

XX асрнинг 80-йилларида ривожлана бошлаган ҳамкорлик педагогикаси таълимда кўпгина инновацион жараёнларни юзага келтирди. Ушбу технологиялар негизда К.Д.Ушинский, Н.П. Пирогов, Л.Н. Толстой, Ж.Ж.Руссо, Я.Корчак, К.Роджерс, Э.Берн, С.Т.Шаший,

В.А.Сухомлинский каби таниқли педагогларнинг тажрибаси ётади. Таълим жараёнида ўқувчи билан ҳамкорлик муносабатини ўрнатишда ижодкорликнинг ўрни жуда муҳим. Ижодкорлик ва ўзаро ҳамкорлик бирбири билан мустаҳкам боғлиқ. Зеро, фақат ижодкорлик асносидагина ҳамкорлик вужудга келади ва мана шу ҳамкорликда ижодкорлик ўз ифодасини топади.

Педагогик ижодкорликни фақатгина янгиликка, тажрибалар ўтказишга интилиш деб тушунмаслик керак. Ўқитувчи ҳамкорлик жараёнида ўқувчиларнинг нутқини ўстириш билан бирга диагностик вазифани ҳам бажаради, яъни ўқувчиларнинг сўз бойлиги, қизиқиш доирасини аниқлайди, иқтидорини чамалайди. Ўқувчиларни ўрганувчи ва тарбияланувчига айлантириш ўқиш-ўқитиш жараёнини муваффақиятли олиб боришнинг асосий шарти бўлибгина қолмай, балки уларни ҳар жиҳатдан баркамол инсонлар қилиб тарбиялашнинг ҳам муҳим шартидир. Ҳамкорлик методида мулоқотга кириши қийин бўлган камгап ўқувчилар ҳам суҳбатда иштирок этишларига эришилса, ҳамкорлик тўлақонли амалга ошади. Ҳамкорликка асосланган таълимда ўқувчилар ўзаро фикр алмашадилар, муомала қилиш малакалари ошади, ҳар бир ўқувчи ўзи учун, гуруҳи учун жавоб беришга ҳаракат қилади, гуруҳ учун масъулиятни ҳис қилади; ҳар бир ўқувчи раҳбарлик ролини бажариши учун имкон берилади ҳамда ўзаро дўстона муносабат шакллана боради. Буюк аллома Абу Али ибн Сино таълим-тарбия масалаларига доир асарларида ўқитувчи-ўқувчи муносабатларига катта эътибор қаратган. Буюк олим ўқитувчини танлаш масаласига алоҳида аҳамият беради. Ибн Сино ёш авлод ва унинг тарбиячиси ўртасидаги муносабатларни тўғри йўлга қўйиш учун ўқитувчи қуйидаги бир қанча талабларга риоя қилиши лозимлигини кўрсатган эди:

- болалар билан муомала қилишда босиқ бўлиш;

-таълимнинг ўқувчилар томонидан қандай ўзлаштириб олинаётганлигига алоҳида эътибор бериш;

- таълим жараёнида турли метод ва усуллардан фойдаланиш;
- ўқувчининг хотираси ва бошқа интеллектуал қобилиятини билиш;
- ўқувчиларни турли усуллар воситасида ўқишга қизиқтириш;
- баён қилинадиган масаланинг моҳиятини чуқур тушуниши, ўз фикрларини адабий тилда қисқа ва аниқ ифодалаш;
- таълим жараёнида ўқувчиларнинг ёши ва ақлий даражасига мос сўзларни танлаш;
- ҳар бир сўз ҳаракат ва мимика билан тасдиқланиши, болаларда ҳиссиёт уйғотадиган бўлиши зарур.

Ҳамкорликда ишлашда, авваламбор, иштирокчиларнинг жойлашувига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Иштирокчиларга “*Юзма-юз ўтириш имкони*”ни бериш мақсадга мувофиқ. Жуфт бўлиб ёки гуруҳ бўлиб ишлаганда ўқувчилар юзма-юз, яъни бир-бирларига қараб ўтиришлари керак. Шу ҳолатда ўзаро фикрлашиб, баҳслашиб, қарорлар қабул қилишлари осонлашади, бир-бирини эшитиш, тинглаш малакалари шаклланади). Психолог олима В.Каримова иштирокчиларда масъулият ҳиссини уйғотиш, эркин мулоқот олиб бориш ва фикрларини эркин баён қилишга имкон берадиган ўқувчиларнинг қуйидагича жойлашувларини тавсия этади. Бу ҳолат “*Мен ўйиндаман*” деб номланади, доира шаклидаги стол атрофида жойлашган иштирокчилар муаммо юзасидан эркин фикр алмашадилар ва мунозарага киришадилар ҳамда тенг муносабат ўрнатилади. Бундай ҳолат ўйин тарзида амалга ошадиган мунозара учун ҳам жуда қулай. Бундай ҳолатда “бошловчи” ёки ўқитувчига барча ўқувчилар билан мулоқот қилишга ва барча ўқувчиларнинг фаол иштирокини таъминлашга имкон беради. “*Мен мунозарадаман*” деб аталувчи ҳолат тўртбурчак стол атрофида уюштирилади баҳс мунозара учун қулай. Унда иштирокчилар ўз фикрини эркин аташ имкониятига эга. Одатда бундай баҳслар синф хонасида ўқувчиларнинг бундай жойлашуви баҳс-мунозара ўтказишда, “*Меҳмонстикер*” методидан фойдаланишда ҳамда “*Ўқиб кўр-чи*”, “*Давом эттир*”, “*Сирли сўз*”, “*Ўйин-топишмоқ*”, “*Пантамимо*” ўйинларини

Ўтказиш жараёнида барча ўқувчиларни фаол иштирок этишга ундайди. “Мен ҳамкорликдаман” деб номланган ҳолат кўп сонли гуруҳларда қўллаш учун қулайдир. Мунозара иштирокчилари тўрт-беш кишидан бўлиб, алоҳида столлар атрофида ўтирадилар ва ҳар бир гуруҳ ўз қарорини чиқаради. Бу ҳолат ўқувчиларни кичик гуруҳларга ажратиб, алоҳида топшириқ бериладиган ўйинлар (“Сўз ўйини”, “Жонли ҳикоя”, “Кроссворд”, “Ребус” ёки “Кластер”, “Синдикат”) методларини қўллаш учун қулай ҳисобланади.

Таълим жараёнининг муваффақияти унинг шаклигагина эмас, балки қўлланилаётган методлар самарадорлигига ҳам боғлиқдир. Методлар бир канча асосий гуруҳлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз навбатида кичик гуруҳлар ва уларга қиравчи алоҳида методларга бўлинади. Ўқувбилиш фаолиятининг ташкил этилиши, ўқув ахборотларининг узатилиши, қабул қилиниши, англаб олиниши, ёдда сақланиши, ўзлаштирилган билимларнинг амалиётда қўлланилишини таъминлаш, амалий кўникма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қилишига кўра таълим методларини қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- вербал (ўқув ахборотларни сўз орқали узатиш ва эшитиш орқали қабул қилиш методлари ёки оғзаки методлар – ҳикоя, маъруза, суҳбат ва бошқалар);
- ўқув ахборотини кўргазмали узатиш ва кўриш орқали қабул қилиш методлари (кўргазмали методлар – тасвирий, намойиш қилиш ва бошқалар);
- ўқув ахборотини амалий меҳнат ҳаракатлари орқали бериш (амалий методлар – машқлар, лаборатория тажрибалари, меҳнат ҳаракатлари ва бошқалар).

Ўйинлар болаларда ҳар қандай ўқув режаси бўйича мотивация уйғотадиган асосий стратегия бўлиб қолиши мумкин. Агар ўқитувчи дарсни “биз бугун дарсада ўйин ўйнаймиз” деб бошласа бутун аудиторияни ўзига қаратиш эҳтимоли кўпроқ. Бу ерда ўйин ўқувчиларнинг диққатини тортишга ҳамда бу орқали кўпроқ билим олиш эҳтимолини

оширади.

Ўйин дарсинг умумий мақсади бўлган билим ва кўникмаларни бевосита таништириши мумкин ёки шу дарс амалиётига мансуб фазилатларни шакллантириш мумкин. Яна қўшимча қилиб айтганда ўйинлар қўшимча мотивация берувчи омил деб ҳам ҳисобланади.

Ўқитишда бирор аниқ ўйин турларини танлаб олиш мушкул. “Ўйинни осонгина изохлаш қийин, чунки ўйинлар бирор мавзуга боғлиқ бўлади ва мавзулар ҳаммавақт ҳар хил бўлади. Ўйин турлари жуда кўп, мисол учун рўлларга киришиш, тасаввурий, ижтимоий-драматик, эвристик, констрактив, фантазияга доир кабиларни айтиб ўтиш мумкин.” Муайян ўйин фаолияти юқорида келтирилган ўйин турларидан бир нечасини бир вақтда ўз ичига олиши мумкин. Ўқитувчи ўйин фаолиятини амалда қўллашда ўқувчиларнинг қай мавзудаги ўйинга қизиқишини ҳам ҳисобга олиши керак бўлади. Ўқитувчи дарс жараёнини режалаштиради, уни йўналтиради ва ўқувчини қўлаб қувватлайди аммо натижасини назорат қилмайди. Ўйин фаолияти жараёнида ўқувчи албатта мавзудан ўзига керакли билимни олади аммо бу ҳамма вақт ҳам амалга ошмаслиги мумкин. Ўйин давомида ўқувчи у ўрганиши кўзда тутилмаган нарсаларни ҳам ўрганиши мумкин ва албатта бу ҳам фойдадан ҳоли эмас. Ўқитишда қайси ўйин турларидан фойдаланиш ҳақидаги мунозаралар борасида қуйидаги ўйин турларини изохлаб чиқамиз.

- Тасаввурий ўйинлар. Тасаввурий ўйинлар ўз ичига образларга киришиш ўйинларини ҳамда ўқувчилар тасаввур қилиш орқали амалга ошириладиган ўйинларни олади. Бу амалиётда ўқувчининг тасаввур қила олиш қобилиятига урғу беради.

- Констрактив ўйинлар. Бу ойин турида табиий ҳамда инсон қўли билан ясалган ўйинчоқ ва қўғирчоқлардан фойдаланилади. Бу жисмоний ўйин бўлиб бунда боланинг қай йўсинда ҳаракатлана олиши муҳим. Мисол учун қум, сув, Лего кабилар билан ўйнашдир. Бунда бола катта дунё тўғрисидагаи тушунчаларини кичик миниятура шаклида ифодалайди. Бу ҳам албатта

тасаввурий ўйин десак адашмаймиз, чунки бола ҳам айрим нореал нарсаларни ўз дунёсида реалга алмаштириб тасаввур қилиши керак.

- Ижодий ўйинлар. Ижодий ўйин охирида бирор натижага эришилади. Яъни ўйин ёрдамида бола билан биргаликда бирор нарса ясалади ёки яратилади.
- Хотира ўйинлари Бу ўйинда боланинг хотираси тилдаги қофиядош сўзларни қай даражада тушуниши, ишлатишига нисбатан синалади.
- Ҳамкорлик/рақобатли ўйинлар. Бу тоифадаги ўйинлар ҳамкорлик ўйинларида бўладиган умумий мақсадлар бўлиши ҳамда ўйинда албатта ғолиб ва мағлублар борлиги тайин ўйинлар ўртасидаги фарқлар тўғрисида фикр юритади. Бу каби ўйинларда ижтимоий омиллар ҳам ҳисобга олинади, чунки бу ўйинлар бошқа болалар ва катта ёшлилар билан ҳам алоқага киришишни ўз ичига олади.

Эркин тарзда давом этадиган/структурали ўйинлар Бу каби ўйинларда асосий эътибор назорат борасида боради. Агар ўйин ўқитувчи томонидан назорат қилинмаса у ҳолда назорат боланинг ўзида қолади. Агар ўқитувчи ўйинни ўзи бошқарса, ўйинни муайян бир натижага йўналтирган бўлса ўйин назорати ўқитувчида бўлади. Эркин тарзда давом этадиган ўйин албатта бола учун ўрганиш имкониятини беради ва боланинг эркинлигини сақлаб қолади, структурали ўйинларда эса натижани аниқ башорат қилиш мумкин. Пиажетнинг когнитив ўйин назариясида ўқитувчининг ролини минималлаштириш фикри илгари сурилса, Виготскийнинг ривожланишнинг ижтимоий-маданий назариясида эса бунинг акси назарда тутилади.

Жисмоний ҳаракатларни ўз ичига оладиган ўйинлар. Жисмоний ҳаракатларни ўз ичига оладиган ўйинлар боланинг эрта ёшларда мускул ривожланишида ва тўғри ҳаракатланишида муҳим аҳамият касб этади. Бу бошқариладиган ўйин аммо бунда ҳеч қандай асбоб-ускунадан фойдаланилмайди. Бу ўйинда бола ўз гавдасидан фойдаланади, чирмашиб чиқиш, курашиш, эрда умбалоқ ошиш, тортиш, итариш каби машқларни

бажаради. Эркин давом этадиган ўйин давомида бола ўйин майдони узра ҳеч қандай кўрсатмасиз ҳаракатланади. Агар ўйин структуралаштирилган бўлса у ҳолда бу ўйин жисмоний тарбия қариқуласидан жой олган бўлиши тайин.

2.3. Таълимнинг ноанъанавий шакллари.

Таълимнинг ноанъанавий шакли сифатида ташкил этиладиган **бахс-мунозара, давра столи, матбуот конференцияси** муайян предметнинг муҳим мавзулари юзасидан ташкил этилиб, ўқувчиларда мустақил фикрлаш, ўз фикрини илгари суриш, уни асослаш ҳамда ҳимоя қилиш қобилиятини шакллантириш учун хизмат қилади. Бу каби дарсларнинг ташкил этилишида мақсаднинг аниқлиги, шунингдек, ўқитувчиларнинг фаол иштироки муҳим аҳамиятга эга. Ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишда ўқитувчи ва ўқувчи муносабатлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, табиат қўйнида ёки бошқа жойларда дарс ўтиш, турли жойларда жонли мулоқот ўтказиш, учрашувлар ташкил этиш ўқувчиларни олинган билим ва малакаларини амалда бевосита қўллашга ва натижасини ўз кўзи билан кўришга ёрдам берувчи муҳим воситалардан биридир. Бу ноанъанавий методлари вақти-вақти билан ўқувчилар муҳим бир билим ва малакаларга эга бўлгач фойдаланиш керак. Ноанъанавий дарс шаклларида бири эскурсия ҳисобланади.

Эскурсия бевосита кузатиш асосида муайян жараён, воқеа-ҳодиса ёки фаолият мазмунини ёритувчи билимларнинг пухта ўзлаштирилишини таъминловчи таълим шаклидир. Эскурсиялар синф-дарс тизими, шунингдек, амалий машғулотлардан тубдан фарқ қилади. Эскурсия давомида бир ўриндан иккинчи ўринга кўчиб юрилади. Шу боис ўқувчилардан интизомга қатъий риоя қилиб талаб этилади. Ўқувчилар объектни кузатиш жараёнида вақти-вақти билан саволлар берадилар, зарур маълумотларни ёзиб борадилар. Эскурсия якунида ўқитувчи бугунги кузатишларини аввал ўзлаштирилган материалларга боғлаб суҳбат ўтказади.

Эскурсия материаллари асосида баён ёки иншо ёздириш эскурсия натижаларини самарали бўлишига ёрдам беради.

Викторина ва мўъжизалар майдони шаклида ўтказилаётган дарслар беллашув хусусиятига эга бўлиб, ўқувчиларни фаолликка ундайди. Ҳозирги кунда таълим жараёнида янги педагогик технологияларнинг интерфаол методларини ўқув жараёнига татбиқ қилиш кун сайин кучайиб бормоқда. Бизга яхши маълумки, метод ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳамкорлигида ташкил этилаётган таълим жараёнида қўйилган мақсадга эришиш усули саналади.

Маъруза методи таълимнинг юқори босқичларида, айниқса олий таълим босқичида кенг қўлланадиган дарс шакллари бўлиб, унинг суҳбат маъруза, муаммоли маъруза, масофавий маъруза каби турлари мавжуд. Маъруза дарслари билимларнинг асосан ўқувчининг бевосита ўз нутқи билан талабаларга етказилиш усули бўлиб, у ўқувчида ниҳоятда кенг камровлилик, суҳандонликни талаб этади. Маърузанинг бир маромда бориши, ундан янги фикрларнинг йўқлиги ёки ўқитувчи овози, нутқининг талабга жавоб бермаслиги талабаларни дарсдан чалғишларига ва қониқмасликларига олиб келади. Шунинг учун маъруза дарслари катта тайёргарлик талаб этади. Ҳар бир маърузачи ўқитувчи мутахассис, ўз соҳаси бўйича янгиликлардан хабардор бўлиши ва ўз маърузасида экс эттириб бориши, ўзининг нотиклик маҳорати орқали талабаларни жалб қила олиши, ҳар бир талабани ўз назаридан қочирмайдиган, энг нафаол талабани ҳам дарсга қизиқтира олиш қобилиятга эга бўлиши талаб қилинади. Бунинг учун фақат яхши мутахассис, ўткир билимдон, нотик ва интеллектуал салоҳияти юқори бўлишнинг ўзи кифоя қилмайди. Ўқитувчи яхши методист ҳам ва аудитория қабул қилиш, кайфиятига қараб дарс бериш усулларини, методларини ўзгартириб туриши керак. Шу боис суҳбат маърузадан муаммоли маърузага ўтиш ёки аксинча дарсни муаммоли маъруза билан бошлаш ва суҳбат маъруза билан якунлаш ҳам мумкин.

Муаммоли маъруза фандаги янгиликлар, турлича қарашлар, ёндашувларни талабаларга етказиш уларни қиёслаш, таҳлил қилиш орқали мустақил фикрлашга ўзлари хулоса чиқаришга ўргатиш, шу тарзда астасекин

илмий тадқиқот жараёнига йўналтиришга ёрдам беради. Муаммоли маъруза яхши самара бериши учун талабаларга аввалдан топшириқ бериш, уларга муҳим бир мавзуларни, адабиётларни ўқиб, ўрганиб келиш топширилса мақсадга мувофиқ бўлади. Кейинги пайтларда ОЎЮларда маъруза матнларини ёзма ҳолда ёки электрон версияларининг кутубхоналарга тарқатилиши, китоб шаклида чоп этирилиши, уларда асосий ва қўшимча адабиётлар рўйхатларининг берилиши муаммоли маърузаларни тез-тез ўтказиб туриш учун кенг имконият яратмоқда.

Назорат саволлари

1. Замонавий таълим методлари қайсилар?
2. Технология, таълим технологиялари, педагогик технологиялар тушунчаларини изоҳланг.
3. Таълимнинг ноанъанавий шаклларини изоҳланг.
4. Ноанъанавий дарс шаклларига нималар киради?

2-Маъруза: Чет тилини ўқитишда замонавий ёндашувлар: Тилни коммуникатив асосда ва компетенциявий ёндашув асосида ўқитиш.

Режа:

- 2.1. Тил таълими тамойиллари ва Чет тилини ўқитишда замонавий ёндашувлар
- 2.2. Тил таълимида компетенциявий ёндашув ва компетенция тушунчаси .

2.1. Тил таълими тамойиллари ва Чет тилини ўқитишда замонавий ёндашувлар.

Тил нафақат инсонни, балки кишилик жамиятини ҳам барпо этган, унинг тараққиётига сабаб бўлган ва ҳозирги кунда ҳам турли мамлакатларни бир-бирига боғлаб турган буюк неъмат, қудратли кучдир. Шунинг учун тилларни ўрганиш, тил таълимининг энг самарали интенсив методларини ишлаб чиқиш масалаларига ҳамisha катта эътибор қаратиб келинган, тил ўқитиш методлари мунтазам такомиллаштириб борилган.

Ёндашув, принцип, метод тушунчалари амалиётда кўпинча метод ва усуллар тушунчалари билан алмаштириб қўлланади, яъни ўқитишнинг принципиал йўналишини белгилаш учун ҳам, дарс бериш методи маъносида ҳам ишлатилади. Тил таълимида ўқитишнинг принципиал йўналиши **тамойил ёки ёндашув**, метод эса **усул, услуб** тарзида талқин қилинади. Методист-олим Р.Йўлдошев фикрича, метод таълим мақсадига энг қисқа йўл ва қисқа вақт ичида эриштирадиган усул ёки усуллар мажмуасидан иборат бўлиб, бир усулдан ташкил топганида улар тенглашади, бироқ метод усулдан кенг тушунчалигича қолаверади.¹ Ёндашув методлар тизими билан иш кўради, демак, метод ёндашувдан кичик тушунча сналади. ушбу тушунчаларни фаркларда И.Л.Бим томонидан берилган таърифни маъқуллайди: *“Метод – тил ўқитишнинг муайян тарихий даврда таълим мақсади ва ижтимоий шарт-шароитларига мувофиқлашган бирор устувор ғоя асосида бирлашган ҳолда шу ғояни рўёбга чиқариш учун қайси йўналишдан ва қайси усуллар билан бориш кераклигини кўрсатувчи принципларни жорий этишнинг умумлашган моделидир.”*

Жаҳон тажрибасида тилларни ўрганишда қуйидаги тамойиллардан фойдаланиб келинади:

1. Аспектлар тамойили. Ушбу тамойилда тилни унинг тузилишдан келиб чиққан ҳолда 3 аспектда: фонетик, лексик ва грамматик аспектда ўрганиш тавсия этилади. Бу тамойил нутқни ўстириш учун керакли самарали натижаларни бермайди, у асосан тилни она тили сифатида ўрганиш йўналишида қўлланади.

2. Структура тамойили. Ушбу тамойил америка структурализмининг ёрқин намояндаларидан бири Ч.Фриз томонидан илгари сурилган бўлиб, унинг асосий ғояси тилларни тузилишига кўра қиёслаб ўрганиш ва ҳар икки тилда ўзаро фарқ қилувчи моделларни ишлаб чиқиш, сўнгра ушбу моделлар асосида иккинчи тилда гаплашиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборат эди. Аммо бу тилни механик моделларга айлантиришга олиб келди ва жонли нутқий кўникмалар ҳосил қилиш борасида самарали натижалар бермади.

3. Аспектли структура тамойили. Ушбу тамойилни “янгича аспект” деб ҳам атайдилар. Унинг асосчиларидан бири бўлган И. В. Рахманов тил ва нутқ бирлигидан келиб чиқиб, 4 та нутқ бирлигини ажратади (содда гаплар, кириш гапли содда гаплар, қўшма гаплар ва савол-жавоб тарзидаги гаплар) ҳамда уларнинг қўлланиши билан боғлиқ нутқий моделларни ишлаб чиққан. Бироқ нутқда юзага келиши мумкин бўлган барча гапларни ҳам моделлаштириб бўлмаслиги маълум ҳақиқат.

4. Трансформация тамойили. Америка тилшунос олимлари З.Харрис, Ф.Френч, Н.Хомскийлар ушбу тамойил орқали ҳар бир тилда мавжуд бўладиган базис қолипларни танлаб олиш ва уларни трансформациялаш асосида фикр ифодалашга ўрганишни илгари сурадилар. Хусусан, улар инглиз тилини ўрганиш бўйича Ф.Френч томонидан тавсия этилган 7та базис моделини кенгайтириш, ихчамлаштириш, бир-бирига қўшиш, яъни трансформациялаш асосида ўқувчиларни нутқий мулоқот юритишга олиб чиқиш тавсия этилади.

5. Функционал тузилиш тамойили. Ушбу тамойил асосида мазмундан унинг ифода шаклларига ўтиш ғояси ётган бўлиб, муайян вазиятдаги фикрни ифодалашнинг турли шаклларини кўрсатиш учун нутқий моделларни ўрганиш зарурлиги илгари сурилади. Ушбу тамойилнинг асосчиларидан бўлган И.Л.Бим нутқий моделларни нутқий-коммуникатив мақсадлардан келиб чиқиб умумлаштиришни ва тилнинг амалий қўлланишини намунавий тарзда кўрсатиб боришни таклиф этади.

6. Идеографик грамматика йўналиши. Рус тилшунослигида 80-йилларда юзага келган ушбу йўналишда (В.А.Белошапкина, И.Г. Милославский ва бошқалар) рус тилини иккинчи тил сифатида ўқитишда ҳам назария, ҳам амалиёт учун зарур бўлган лексика билан грамматика ўртасидаги алоқани кучайтириш учун грамматикани семантизациялаштириш ғояси берилади. Бунда тил ўрганувчининг коммуникатив мақсадлардан келиб чиққан ҳолда ўз фикрини ифодалаш учун зарурий ифода воситалари

(белгилар) ни ўзи топиши, яъни мазмундан шаклга томон бориш, буни ҳатто она тили методикасида ҳам қўллаш илгари сурилади.

7. Коммуникатив тамойил. Ушбу тамойил тарафдорлари (Е.И.Пассов, Н.И.Жинкин ва бошқалар) иккинчи тилга ўргатишда нутқни асос қилиб олиш, тилнинг грамматик тузилиши билан боғлиқ билимларни муайян нутқий вазиятга боғлаб бориш, грамматик кўникмаларни шакллантиришда ҳам шартли нутқий машқлардан фойдаланишни тавсия этадилар.² Кўриниб турибдики, жаҳон тажрибасида тил таълимида турли тамойиллардан фойдаланиб келинган, лекин улар орасидан энг самарадор тамойилни аниқлаш анчагина муаммоли. Таълимда қайси йўналишни танлаш, аввало, таълим мақсадларидан келиб чиқади. Таълим мақсадлари таълим мазмуни ва методларини ўзига хос тизимини ишлаб чиқишнинг бош омилидир. Кейинги йилларда республикамизда Чет тилини ўқитишда қуйидаги тамойиллар ёки ёндашувлардан фойдаланилмоқда:

1. Лингвистик ёки анъанавий тизимли ёндашув. Ушбу ёндашувда тил таълими аспекти тамойил йўналишида, яъни таълим мазмунини тизимли кетма-кетликда тақсимлаш йўналишида берилади ва, асосан, филологик йўналишдаги олий ўқув юртларида қўлланади. Бунда Чет тили сатҳлар изчиллигида ўқитилади ва бу тилни назарий жиҳатдан чуқур ўрганиш, Чет тилининг лексик-семантик ва грамматик имкониятлари билан тўлиқ танишиш имконини беради. Шу боис филологик йўналишдаги олий ўқув юртларида ушбу тамойилдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Албатта, тил таълимининг бошланғич босқичларида, таълим рус тилида олиб бориладиган гуруҳларда, ва олий таълимнинг нофилологик муассасаларида фонетика, лексикология, морфология, синтаксисни тизимли курс сифатида ўқитиш самарали натижа бермайди. .

2. Чет тилини матн таҳлили асосида ўқитиш. Ўтган асрнинг 80-йилларида Ғарб лингводидактикасида “*маълум мақсад учун қўлланиладиган тил*” тушунчаси пайдо бўлди. Ушбу тушунча заминида инсон фаолиятининг маълум бир соҳасида қўлланиладиган тил бирликларининг ихтисосликка оид

лексик-грамматик ва бошқа ўзига хос белгилари (у ёки бу ихтисослик доирасида нутқий мулоқот қандай тузилади, маълум турдаги ахборотни етказиш учун мулоқот қайси шаклда олиб борилади каби) ётгани учун “*мутахассислик тили*” деб ҳам юритилади. Ушбу ёндашувда турли касбхунарга оид матнлар устида ишлаш, касбий атамаларнинг нутқда қўлланишини ўргатиш воситасида ўқувчи-талабалар касбий, ихтисосий нутққа ўргатилади, касбий нутққа оид луғат бойлиги ўстириб борилади. Айти пайтда айрим грамматик қоидаларни ўзлаштириб бориш ҳам назарда тутилади. Тиббиёт, техника, иқтисод, қишлоқ хўжалиги каби турли ихтисосликлар йўналишларидаги ўрта махсус ва олий ўқув юртиларида аввалдан матн таҳлили асосида ёзилган ўқув қўлланмаларидан фойдаланиб келинмоқда.

Бугунги кунда чет тилидан ўқув қўлланмалар, дарсликлардаги машқ ва топшириқларни ҳозирги талабларга мувофиқлаштириш, миллий истиқлол ғояларини, миллий-маънавий қадриятларимизни эъзозлаш туйғуларини сингдиришга хизмат қилувчи матнлар билан бойитиш юзасидан фаол ишлар олиб борилмоқда. Бироқ ушбу тамойилда тузилган ўқув дастурларида грамматик билимлар узвийлик-узлуксизликда берилмаётгани, кўп ҳолларда кўйи таълим босқичларида ўтилган грамматик маълумотлар қайтарилаётгани кузатилмоқда.

Шунингдек, техника, қишлоқ хўжалиги, иқтисод, тиббиёт йўналишлари учун ушбу тамойилда ёзилган дарслик ва қўлланмаларнинг аксариятида грамматик маълумотлар анъанавий лингвистик тамойилда, яъни она тилидаги каби тизимли равишда берилган бўлиб, улар ихтисосий нутқни ўргатишга йўналтирилмаган. Кузатишлар шуни кўрсатадики, бутун-бутун матнларни ёд олган аксарият ўқувчиталабалар, одатда, бирор ёйиқ гапни мустақил равишда тузиш ёки матн таркибидаги гапларни ўзгартириб айта олиш малакасига эга эмаслар. Чунки ўқувчи-талабалар Чет тили машғулотларида ўз ихтисослиги бўйича матн тузишни эмас, аксинча, тайёр матнларни лингвистик жиҳатдан таҳлил қилишни ўрганмоқдалар, холос.

Методист-олим Р.Йўлдошевнинг уқтиришича, “Матн – нутқнинг ҳарфий белгилар билан қайдланган сурати. У ҳаракатсиз ҳолатда бўлади. Нутқий фаолият орқалигина матнни ҳаракатга келтириш мумкин... Кузатишлардан маълумки, бутун-бутун матнларни ёд олган аксарият ўқувчилар Чет тилида бирор гапни ўзгартириб айтиш талаб этилганда, буни уддалай олмайди... Шу нарса инкор этиб бўлмас даражада исботланганки, русийзабон ўқувчи саволларга жавоб бериш учун ё жавобни матндан ўқиб беради ёки уни эслаб қолиб айтади. Ижодий тузилган саволга ўқувчи сўроқ сўзни жавоб сўзга алмаштириш йўлини билиб олгандагина жавоб қайтара олади”.⁴ Кўринадики, Чет тилини матн таҳлили асосида ўқитишда русийзабон ўқувчи-талабаларни тайёр матнлар топшириқлари устида ишлатишнинг ўзи етарли эмас, уларда, аввало, сўзлардан сўз бирикмалари, сўз бирикмаларидан гаплар туза олиш, ўз нутқий фаолиятига ижодий ёндашган ҳолда синтактик синонимик вариациялардан фойдалана олиш кўникмаларини ҳосил қилдириш керак бўлади.

3. Функционал-коммуникатив ёндашув. Ҳозирги кунда хорижий тилларни ўқитиш жараёнида кенг қўлланаётган мазкур ёндашувда тилни амалий мақсадда ўқитиш, яъни ўқувчиларни бирон-бир мавзуда фикр алмашиш ва фикр баён қилишга ўргатиш мақсад қилиб қўйилади. Ўқувчиларда, аввало, нутқий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган ушбу тамойилни **функционал аспектда ўқитиш** деб ҳам атайдилар. Мазкур тамойил бундан 40 йил аввал Европада голландиялик Ван Эйк томонидан яратилган бўлиб,⁶ у Чет тили таълимида илк марта 1990 йилда М.Қодировнинг дорилфунунлар факультетларининг рус гуруҳлари учун тузган “Чет тилидан программа”⁷си⁷ орқали олий ўқув юртларида , 1998–1999 йиллардан бошлаб эса Р.Толипова ва бошқалар томонидан тузилган ўқув дастури орқали умумий ўрта таълим босқичининг таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларида татбиқ этила бошланди. Ушбу ўқув дастурларида кундалик мулоқот эҳтиёжи учун зарур бўлган нутқий мавзулар ва нутқий моделлар воситасида ўқувчиларда Чет тилида ўз фикрини оғзаки

ва ёзма тарзда эркин ифодалаш, мустақил сўзлашиш кўникмаларини ҳосил қилиш асосий мақсад қилиб олинган.

Бунда ўқувчи-талабаларга грамматик мавзуларни эмас, балки муайян фикрни ифодалаш учун зарур бўладиган нутқий қурилмалар асосида биронбир нутқий мавзуда сўзлашишга ўргатиш кўзда тутилади, грамматик қоидалар эса фақат нутқий эҳтиёждан келиб чиқиб берилади. Шунинг учун ҳар бир мавзу бўйича бериладиган фонетик, лексик, грамматик (морфологик ва синтактик) билимлар тил сатҳлари бўйича эмас, балки комплекс ҳолда берилиб, ўқувчиларни 4та асосий амал: тинглаб тушуниш, сўзлаш, ўқиш ва ёзиш асосида нутқий фаолият юритишга ўргатиш кўзда тутилади.

Шундан келиб чиқиб, Чет тилини коммуникатив ёндашувнинг **мавзувийлик** ёки **функционал-семантик йўналишлари** мавжуд бўлиб, биринчисида “Чет тили” дастури ва дарсликлари нутқий мавзуларга бўлинган ҳолда тузилади ва шу мавзу доирасида фаол қўлланадиган грамматик воситаларни ўргатиб бориш режалаштирилади. Нутқий мавзуларнинг етакчилик қилиши грамматик билимларни тарқоқ ҳолда берилишига, мустаҳкамланиб борилмаслигига, мавзуларнинг тақвимга мос тарзда такрорланиб келиши (яъни қишда қиш, кузда куз мавзулари, байрамларнинг ҳар йили қайтарилиши) оқибатида қайтариқлар юз беришига олиб келди.

Натижада, Чет тилининг ўқитилишда узвийлик ва узлуксизликнинг таъминланмаслигига олиб келмоқда. Ҳақиқатан ҳам, мавзувийлик лексикани бир мавзу доирасида жамлаб боришда қулайлик туғдирса-да, лекин бир мавзудан иккинчи мавзуга ўтганда, олдинги ўрганилган лексикадан кейинги мавзуларда деярли фойдаланилмаслиги фаол лексик минимумни пухта ўзлаштирмасликка олиб келмоқда. Мавзувийлик тамойили сўзларни гуруҳлаб ўрганиш учун муайян қулайлик яратса-да, сўзларнинг такрорий ишлатилиш частотасини таъминлашда мутлақо ноқулай, грамматик воситаларни изчил режалаштириш масаласида эса унинг қулайлик томони йўқ даражада.

Иккинчи тил таълимида **нутқий моделлар, нутқий қурилмалар**дан фойдаланиш қатор услубий қулайлик ва устунликларга эга. Муайян фикрни ифодалашда, яъни маълум бир грамматик мавзу бўйича энг кўп қўлланадиган нутқий қурилмаларнинг ўқувчиларнинг диққатини жалб қилиш учун ажратиб берилиши мавзунинг нисбатан тезроқ ўзлаштирилишига, мазкур нутқий моделларнинг ўқувчилар хотирасида узоқ сақланиб қолиши ва нутқда фаолроқ қўлланишига олиб келади. Нутқий моделлар, албатта, нутқий қурилмаларни қўллашни жадаллаштиришга, синтагматик гап тузиш малакасини шакллантиришга катта ёрдам беради. Аммо тил ўзлаштиришда нутқий моделлардан фойдаланишни ягона восита сифатида талқин қилиш ва бошқа турдаги методик усулларни назардан четда қолдириш самарали натижаларга олиб келмайди. Фақат нутқий қурилмаларни, уларнинг қўлланишини ажратиб кўрсатиб беришнинг ўзи тилни мустаҳкам ўзлаштириш учун етарли бўла олмайди, шу боис, тилга ўргатишда фақат нутқий қурилмаларнинг ўзи билангина чекланиб қолиш мақсадга мувофиқ эмас. Е. И. Пассов моделлаштиришни қуйидагича таърифлаган: *“Нутқ тизимини моделлаштириш – бу аслиятдан бир мунча камроқ даражада бўлса-да, нутқнинг муайян кўринишларини ифодалай оладиган ва ўрни келганда муайян вазиятларда бутун тил тизимини алмаштира оладиган ўхшаши тизимни яратишидир. Бунинг учун эса нутқий фаолиятнинг уч томони ўзаро мувофиқлашиши керак. Бироқ бунда шуни унутмаслик керакки, ушбу учликда гапириш жараёнида нутқнинг грамматик томони биринчи ўринда туради”*.

“Чет тили” дарсликларида ушбу мақсадни **грамматик қоидаларсиз**, фақат нутқий қурилмаларнинг ўзи билан амалга оширишнинг кўзда тутилиши кўп эътирозларга сабаб бўлмоқда. Ўзлаштирилган нутқий қолипларни турли вазиятларда қўллай олиш учун ўқувчи қоидаларни ҳам билиши керак бўлади. Иккинчи – функционал-семантик йўналишида (функция – вазифа, семантика – маъно) фикр баён қилишда маънога мос тил воситаларини танлаш йўлидан борилади, яъни грамматик воситаларни

семантик принцип асосида саралаб, танлаб, гуруҳлаб ишлатиш (масалан, белгини ифодалаш, қарашлилиқни ифодалаш, маконни, вақтни, мақсад, сабабни ифодалаш каби) ва муайян фикрни ифодалаш учун лексик, морфологик, семантик воситалардан комплекс тарзда фойдалана олишга ўргатиш кўзда тутилади. Чет тили таълимига мазкур йўналишни олиб кирган Р.Толипованинг фикрича, *“ушбу методика ўқувчида қизиқиш (мотивация), фаоллик, ижодийлик ва мустақилликни шакллантиришга қаратилган бўлиб, ўқувчи грамматик воситаларни тушуниб қўллайди, танлаб ишлатади”*. Яъни: ўқувчилар тайёр матнларни қисмларга бўлган ҳолда таҳлил қилиш ва такрорлаб гапиришни эмас, матндан от, сифат, сонни топишни эмас, эмас, балки *“тил тоқчаларидан ўзига зарур воситаларни топиб”*, яъни вазиятга мос фикрни турли усуллар воситасида аниқ ифодалашга ўрганиб боришлари мақсад қилинади. Н. Маҳмудов фикрича, *“тил таълим мақсади билан тавсифланар экан, унга семасиологик (шаклдан мазмунга) эмас, балки ономасиологик (мазмундан шаклга) ёндашув муҳимдир. Тил ўрганувчи берилган тилдаги шаклнинг мазмунини излагандан кўра ўзига маълум бўлган мазмуннинг мақсадга мувофиқ ифода шаклини танлаш йўлидан боргани маъқул. Шунинг учун ҳам кейинги пайтларда тилишуносликда, айниқса, амалий тилишуносликда муайян мазмуннинг энг мақбул тарздаги ифодаланиши имкониятларини тавсифловчи, яъни “мазмундан шаклга” тамойилига асосланган “функционал грамматика”, “идеографик грамматика” яратишга алоҳида эътибор қилинмоқда. Бунда тил ўқитишининг бош мақсади ўз фикрини мутлақо аниқ ва вазиятга мувофиқ тарзда ўргатишдан иборат”*.

Г.Аҳмедова ўз тадқиқот ишида *“сўзни ҳаракатда кўриш учун нутққа нисбатан функционал-семантик тамойилни татбиқ этиш маъқул, чунки ўқувчи сўз бирикмалари ва турли хил гаплар намуналари асосида ясама сўзларни функционал қирралари жиҳатидан ҳам, семантикаси жиҳатидан ҳам амалий ва фаол ўзлаштиради, яъни функционал-семантик тамойил тўлиғича намоён бўлади”* деган хулосага келиши ҳам шу фикрни

исботлайди.

Функционал-семантик ёндашувда айнан шу мақсадни амалга ошириш мақсад қилиб қўйилган бўлиб, шундан келиб чиққан ҳолда ҳатто мавзулар ҳам соф грамматик тарзда эмас, балки семантик (маъновий) нуқтаи назардан номланади (яъни мавзуларни «Сифат», «Сифатнинг маъно турлари» ёки «Сифат даражалари» деб эмас, балки «Инсоннинг ташқи қиёфасини ёки хусусиятларини тавсифлаш», «Нарса-буюмларни тасвирлаш» ёки «Ўринни, мақсадни ифодалаш» каби номлаш режалаштирилади) ва сифатларнинг ўзини эмас, муайян фикрни ифодалашдаги амалий қўлланишини ўргатиш кўзда тутилади.

Кўринадикки, мазкур ёндашувда грамматик мавзуларнинг ҳам муайян бир изчиллик асосида ўқитилиши назарда тутилади, аммо бу изчиллик Чет тилининг тизимли грамматикаси асосида эмас, балки функционал-семантик нуқтаи назардан, яъни муайян маънога боғлиқ фикрни ифодалаш йўллари, усулларидан келиб чиқиб белгиланади. Ўқувчиларга муайян фикрни ифодалаш учун зарур бўладиган барча сўз туркумларига оид лексикани ўз ичига олган нутқий бирликлар берилади. Ўқувчиларнинг сўзларни алоҳида лексик бирликлар сифатида механик равишда ёд олиш йўли билан эмас, балки муайян грамматик шаклларда, ажратиб кўрсатилган нутқий курилмалар таркибида ўзлаштириб борилиши, ушбу курилмаларни нутқий вазиятга мос равишда қўллаш кўникмаларини шакллантириш кўзда тутилади. Шу боис ҳозирги кунда коммуникатив ёндашувнинг **мазкур йўналиши** жаҳонда хорижий тилларга ўргатиш методикасининг энг сўнгги ютуқлари ва ижобий таржибасини ўзида мужассамлантирган тамойил сифатида эътироф этилмоқда. Функционал-семантик ёндашувда мазмун (семантика) асосий мақсад сифатида биринчи ўринга чиқади, шакл, яъни грамматикадан (сўз яшаш, морфология, синтаксис ва имло қоидаларидан) лингвистик восита сифатида фойдаланилади. Бироқ методист Р. Йўлдошев ҳам Г.И.Володинанинг шу принцип асосида ёзилган рус тилини хорижликларга ўқитиш бўйича қўлланмаси неча ўн йиллардан амал қилиб

келаётганини таъкидлаган ҳолда, айни вақтда мазкур тамойилда жиддий камчиликлар мавжудлигини ҳам қайд қилиб ўтади. Унинг фикрича, “... семантик принцип аффиксал тил бўлмиш Чет тилининг табиатини дастурда тўлиқ акс эттириши имконини бермайди. Чет тилида сўз морфологик жиҳатдан мураккаблашиб боради, яъни унга бир, икки, уч ва ундан ортиқ қўшимча қўшилади ва бундай ўзгариши ўқувчилар томонидан янги грамматик мавзу сифатида қабул қилинади. Биргина эгаллик қўшимчаларини қаралмиш вазифасидаги ҳаракат номида, сифатдошда бошқа грамматик воситалар билан биргалликда қўлланиши (ўрганганларимизни, гапиришингизни каби) 2-синфдан 9-синфгача оддийдан мураккабга қараб изчил ўрганиладиган, ҳар гал ўқувчиларни билим – кўникма - малака схемасида машқ қилишга ундайдиган ҳолатларни қамраб олади.”

Шунингдек, мавзуларни ифодалашда ҳаракат номи ёки сифатдош ва унинг турланган ҳолатига дуч келиниши ҳам функционал-семантик ёндашувда маъновий мавзуларни белгилашга монелик қиладиган жиддий омиллардан бири бўлди. Бу ўринда мавзуларни аташда ва уларни босқичлар бўйича тақсимлашда юзага келган хатоликлар айрим тадқиқот ишларида ҳам жиддий танқидга учраганини келтириб ўтишимиз мумкин. Бу ҳолатлар айниқса амалиётчи ўқитувчилар томонидан катта эътирозлар, норозиликлар бўлишига олиб келди ва бугунги кунда Чет тилидан ўқув дастурлари нутқий мавзуларга бўлинган ҳолда ҳар бир мавзу бўйича тақдим қилинадиган тил материаллари лингвистик аспектдаги каби берилмоқда.

Таниқли методист олим М.Джусуповнинг қуйидаги фикрлари ҳам буни тасдиқлайди: “Ўзга тилни коммуникатив асосда ўрганиши ҳозирги замон лингводидактикаси ва методикасининг асосий йўналишидир. Бироқ иккинчи тил таълимидаги барча қийинчиликларни фақат коммуникатив таълим орқалигина енгиши мумкин деб ўйласак, хато қилган бўламиз. Коммуникатив таълим мустаҳкам назарий асосларга эга бўлгандагина ва уни такомиллаштиришида бошқа методлардан ҳам ўринли фойдаланилгандагина иккинчи тил таълимида сифат самарадорлигига эришиши мумкин. Бунда,

айниқса, иккинчи тил таълимида борган сари кўпроқ ва кенгроқ тармоқ отаётган нутқни тил аспектига етарли даражада таянмай шакллантириш методидан воз кечили керак”.

2.2. Тил таълимида компетенциявий ёндашув ва компетенция тушунчаси

Ўзбекистонда яшовчи барча миллат вакиллари ўқиш ва ишлаш жараёнида маҳаллий миллат вакиллари билан тенг муносабатда бўлишлари, барча соҳаларда эркин фикр алмашишлари учун Чет тили таълими халқаро стандарт талабларига жавоб бериши, уларнинг **турли нутқий вазиятларга мос равишда эркин мулоқотга кириша олиш компетенцияларини, лаёқатларини шакллантириш** керак бўлади. Бу борада жаҳоннинг етакчи мамлакатларида амал қилиб келаётган ва самарали натижалар бераётган **компетенциявий ёндашувни** тил таълимига татбиқ этиш борасида Четистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги 1875-сонли *“Чет тилларни ўқитишни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғриси”*даги махсус қабул қилинган Қарори ва чет тилларини ўқитиш бўйича амалга оширилган ислохотлар, давлат таълим стандартлари талабларини халқаро стандартларга мувофиқлаштирилиши, чет тили ўқитувчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими ишлаб чиқилгани, таълим жараёнининг ўқув-услубий адабиётлар ва замонавий воситалар билан таъминланиши таълим соҳасида ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлди. Таъкидлаш керакки, ушбу қарор мамлакатимизда нафақат чет тилларни, балки умуман тил таълимини, шу жумладан, республикамизнинг давлат тили бўлмиш Чет тилини ўқитишни ҳам янада такомиллаштириш (Чет тили фанидан ДТС талабларини ҳам халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштириш ва таълимга компетенциявий ёндашувни жорий этиш, ўқув дастурлари мазмунини узлуксизлик ва узвийлик асосида қайта кўриб чиқиш) борасида катта ишлар амалга оширилишига сабаб бўлди.

“Компетенция”, “компетентлилик” тушунчалари тилшуносликда илк бор XX аср ўрталарида Н.Хомский томонидан қўлланган бўлиб, тилни

ишлатиш жараёнида “фаолиятга йўналтирилган билим, кўникма ва малакалар мажмуи сифатида”, таълим соҳасида эса “**компетенциявий ёндашув**” сифатида талқин этилган бўлиб, таълимда натижавийликни кўрсатувчи омиллар сифатида қайд этилган.¹⁷ Айтиш жоизки, луғатларда ушбу сўзларнинг маънолари турлича изоҳланади. Чунончи, “Чет тилининг изоҳли луғати”да компетенция сўзига қуйидагича изоҳланган:

“Компетенция – (лот. *competere* – лаёқатли, муносиб бўлмоқ). 1) Муайян ташкилот ёки мансабдор шахснинг расмий ҳужжатларда белгиланган ваколатлари доираси; ваколат. 2) Шахснинг бирор-бир соҳадан хабардорлик, шу соҳани билиш даражаси”.

Русча-ўзбекча таржима луғатларида эса бу сўз қуйидагича шарҳланади:

“Компетенция – 1. Бирор киши яхши хабардор, омилкор бўлган соҳа; 2. *юр.* ҳуқуқ (вазифа, иш) доираси.” ;

“Компетенция – 1. Бирор киши яхши хабардор бўлган соҳа ёки масала; 2. Ваколат, ҳуқуқ ихтиёр; **Компетентный, -ая, ое, -тен, -тна** – етарли маълумотга эга бўлган, пухта билимли, яхши биладиган, билимдон, хабардор, омилкор; 2) асосли, эътиборли, мўътабар; 3) компетенцияга, яъни ҳуқуққа эга бўлган; ваколатли; **Компетентлик** – чуқур билимга эгалик; чуқур билимга асосланганлик, асослилик; хабардорлик, омилкорлик.”¹⁹ Берилган изоҳлар таълим соҳасида компетенция сўзини лаёқат, компетентликни эса лаёқатлилик деб, **таълимга компетенциявий ёндашувни** эгалланган билим, кўникма ва малакаларни ўз шахсий, касбий ва ижтимоий фаолиятларида амалий қўллай олиш лаёқатларини шакллантиришга йўналтирилган таълим йўналиши, деб тушуниш мақсадга мувофиқлигини кўрсатади. Тил таълимида компетенциявий ёндашув таълим олувчиларнинг ўрганаётган тили материалларидан ва олинган ахборотлардан ўз ҳаётий фаолиятида оқилона фойдалана олиш, шу тилда ўз фикрини оғзаки ва ёзма тарзда мустақил ифодалаш ва нутқий вазиятларга мос равишда қўллай олиш кўникма-малакаларини таркиб топтириш, яъни тилни мақсадли равишда амалий қўллай олиш лаёқатини шакллантиришдан иборат.

Компетенциявий ёндашувга асосланган таълим – эгалланган билим, кўникма ва малакаларни ўз шахсий, касбий ва ижтимоий фаолиятларида амалий қўллай олиш лаёқатини шакллантиришга йўналтирилган таълим бўлиб, ўқувчиларда мустақил фикрлаш, фаол фуқаролик позициясига эга бўлиш, ташаббускорлик, ахборот-коммуникация технологияларидан ўз фаолиятида оқилона фойдалана олиш, онгли равишда касб-хунар танлаш, соғлом рақобат ҳамда умуммаданий кўникмаларни ҳосил қилади. Компетенциялар 2 асосий турга: таянч ва хусусий компетенцияларга бўлинади.

Чет тилидан таянч компетенциялари

- коммуникатив компетенция
- ахборот билан ишлаш компетенцияси
- шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш компетенцияси
- қадр-қиммат ва эътиқодлик компетенцияси
- ижтимоий фаоллик компетенцияси
- умуммаданий ва умуминсоний компетенциялар

Таянч компетенциялар инсоннинг шахсий, ижтимоий, иқтисодий ва касбий муносабатларга кириша олиш, жамиятда ўз ўрнини эгаллай олиш, дуч келадиган муаммоларнинг ечимини ҳал эта олиш, энг муҳими, ўз соҳаси, касби бўйича рақобатбардош бўла олиш кўникма-малакаларини таркиб топтиришга қаратилади.

Бундан ташқари, таълимда ҳар бир ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида ўқувчиларда, шу фаннинг ўзига хослиги, мазмунидан келиб чиққан ҳолда, соҳага тегишли **хусусий компетенциялар** ҳам шакллантирилади. Жумладан, Чет тилини ўрганишда ўқувчи-талабалар **нутқий, лингвистик,**

социокультурологик, прагматик компетенцияларни эгаллашлари талаб этилади.



Чет тили таълимида ўқувчи-талабалар **нутқий, лингвистик, социокультурологик, прагматик компетенциялардан** иборат хусусий компетенцияларни эгаллашлари талаб этилади.

1. Нутқий компетенция тил таълимининг қуйидаги 4 амали бўйича: **тинглаб тушуниш бўйича** (эшитилган ва эшиттирилган нутқни, тингланган матндаги асосий ахборотни, долзарб мавзулардаги радио ва теледастурларни тушуниш); **гапириш бўйича** (монологик, диалогик оғзаки нутқ турларида ўз шахсий қарашлари ва фикрларини билдириш, мавзу доирасида тақдирот қила олиш кўникмаларини ривожлантириш); **ўқиш бўйича**: мавзуга оид материалларни, адабий-бадий матнларни, оммабоп материалларни (газета, ҳикоя, шахсий ва электрон хатларни) ўқиш; **ёзиш бўйича** (диктант, баён, иншо ёза олиш, ижодий матнлар туза олиш, расмий иш қоғозларини юритишни билиш).

2. Лингвистик компетенция: кундалик ҳаётда фаол қўлланиладиган ижтимоий мавзуларга оид ва касб-ҳунарга йўналтирилган луғат бойлигини ошириб бориш, Чет тилининг сўз ясалиши воситаларини билиш луғат бойлигини ошириб боришдан иборат бўлиб, буларнинг барчаси Чет тилининг

фонетикаси, лексикаси ва грамматикаси бўйича назарий билимларни муайян изчилликда эгаллаш воситасида амалга оширилади.

3. Социокультурологик (ижтимоий-маданий) компетенцияда эшитилган нутқни шу халқнинг миллий хусусиятларини билган ва ўз она тили ва миллий анъаналари билан таққослаган ҳолда муайян нутқий вазиятга мос лингвистик шакл, ифода усулида тақдим эта олиш қобилиятини шакллантириш. Ушбу лаёқат ўқувчи-талабаларни ўз халқининг бой тарихи, миллий қадриятларини, урф-одатлари ва уларни ўзида акс эттирган бой адабий-бадиий мерос билан яқиндан танишиш, Чет адабиёти намуналарини, жаҳон миллий маданиятига ҳисса қўшган Чет халқи вакилларининг ижодий меросини ўқиб ўрганиш орқали шакллантирилади.

4. Прагматик компетенция кундалик ҳаётда Чет тилидан эгаллаган билим, кўникмалари асосида муайян нутқий вазиятда мустақил мулоқотга кириша олиш қобилиятини, ўзаро суҳбатлашиш, суҳбатга қўшилиш, суҳбатдошининг нутқини секинлаштиришга ундашга оид муомала одоби воситаларини, тушунмовчиликлар пайдо бўлганда қайта сўраш, узр сўраш орқали мураккаб вазиятлардан чиқиб кета олиш, тилнинг амалий имкониятларидан ўринли фойдалана олиш қобилиятини шакллантиришни назарда тутди.

Қайд этилган компетенциялар таълим олувчиларда шахсий, маънавий, ижтимоий, касбий кўникма-малакаларини таркиб топтиришга ва эгаллаган билимларини турли ҳаётий вазиятларда мустақил қўллашга қаратилган лаёқатларини шакллантиришга олиб келади ва нутқий коммуникатив малакани эгаллаш орқали таълим олувчиларда **метакомпетенциялар** таркиб топишига олиб келади.

Бироқ кўзда тутилган провард натижага эришиш учун ҳар бир таълим босқичи битирувчилари учун белгиланган компетенцияларнинг меъёрий даражаси талабларини бажарилишини таъминлаш керак бўлади.

Назорат саволлари:

1. Жаҳон тажрибасида қўлланадиган тил таълими тамойиллари ҳақида маълумот беринг.
2. Кейинги йилларда ўзбек тилини ўқитишга қандай замонавий ёндашувлар жорий қилинмоқда?
3. “Компетенция”, “компетентлик”, “компетенциявий ёндашув” атамаларининг маъноларини изоҳланг.
4. Компетенцияларнинг турлари ва меъёрий даражаси талаблари ҳақида маълумот беринг.
5. Таянч ва хусусий компетенцияларга нималар киради?
6. Ўзбек тили таълимида нутқий, лингвистик, социокультурологик, прагматик компетенцияларнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида сўзлаб беринг.
7. “Метакомпетенциялар” тушунчасини изоҳланг.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

3 - мавзу: Тил билиш даражасини баҳолаш тамойиллари. Баҳолаш меъзонларини яратиш ва улардан самарали фойдаланиш.

3.1. Тил билиш даражаси ҳақида тушунча.


3.2. Тил билиш даражасини баҳолаш тамойиллари.

3.1. Тил билиш даражаси ҳақида тушунча.

Олий таълимда чет тилини ўқитишда узлуксизликни таъминлаш масаласида ҳали жиддий камчиликлар кўп. Олий таълимда таълим сифатини яхшилаш учун, аввало, қуйи таълим босқичларида чет тилидан амал қилаётган ўқув дастурлари мазмунини ўрганиб чиқиш ва чет тилини ўқитишда таълим босқичлариаро узлуксизлик таъминлаш концепциясини ишлаб чиқиш керак. Айтиш жоизки, айрим илмий-методик тадқиқот ишларида таълим босқичларида чет тилидан берилиши кўзда тутиладиган билимлар, шакллантириладиган кўникма ва малакалар узлуксизлигини таъминлаш бўйича илмий жиҳатдан асосланган амалий тавсиялар тақдим этилган бўлса-да, афсуски, уларни ўрганиб чиқиш ва таълим жараёнига жорий этиш масалалари суст ҳал этилмоқда.

Жумладан, чет тилини ўқитишда таълим босқичлари ўртасида узлуксизликни таъминлаш бўйича тадқиқот ишида тавсия этилган концепцияда 3 асосий таълим босқичи: умумий ўрта таълим, ўрта махсус таълим ва олий таълим босқичларида чет тилини ўқитиш таълим мазмуни ва уларни ўзаро узвийлик ва узлуксизликда ўстириб боришни таъминлаш кўзда тутилган. Ушбу концепцияда умумий ўрта таълим босқичида чет тилидан БКМлар узлуксизлиги – ўрта махсус, касб-ҳунар таълим босқичида чет тилидан БКМларнинг тадрижий ўсиб бориши – олий таълимда чет тилидан берилладиган БКМларнинг тадрижий ўсиб бориши аниқ кўрсатиб қўйилиши тил материалларини беришда такрорлар, қайтариқлар бўлмаслигини, берилладиган билим, кўникма, малакаларнинг босқичдан босқичга ривожлантириб борилишига эришишни тўлиқ таъминлайди.

Намунавий дастурларни тузишда, албатта, ушбу концепциядан келиб чиқилиши керак. Қуйида ўрта махсус таълим босқичида чет тилидан бериладиган билим, кўникма, малакалар ва уларнинг олий таълим босқичида тадрижий ўсиб боришини акс эттирилган:



Олий таълим узлуксиз таълим тизимидаги энг юқори таълим босқичи бўлгани учун ушбу босқичда ўзбек тилидан бериладиган қуйи босқичларда эгалланган билимлар, шакллантирилган кўникмаларни комплекс ҳолда амалий қўллаш малакаларини таркиб топдириш керак бўлади. Шу боис олий таълим учун ўқув дастурида мавзуларни муайян фикрни ифодалашга йўналтирган ҳолда номлаш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Масалан: белги ва миқдорни ифодалаш, нутқ объектини ифодалаш, ҳаракатнинг ҳолатини ифодалаш (бунда ўрин, пайт, сабаб, мақсад, натижа, шарт ва тўсиқсизлик, даража-миқдор, ўхшатиш-қийслаш маъноларини ифодалаш ҳам кўзда тутилади), фикрни боғланишли ифодалаш (бунда талабаларнинг матн ва унинг турлари ҳақидаги билимларини кенгайтириш, монологик нутқ кўникмаларини ривожлантириш кўзда тутилади), фикрни турли услубларда ифодалаш (бунда турли нутқ услублари, хусусан, илмий ва публицистик услубда фикр ифодалаш воситаларига кенг ўрин бериш зарур бўлади) каби. Қайд этилган мавзуларда муайян фикрни ифодалашда қўлланиладиган тил воситалари комплекс тарзда ўргатилиши, айниқса синтактик синонимик воситаларга катта эътибор қаратилиши (яъни бир фикрни содда гаплар воситасида, қўшма гаплар воситасида, турли услубларда ифодалаш йўллари кўрсатиш) кўзда тутилади, Мавзуларни шу тарзда мантиқий умумлаштирилган шаклда бериш олий ўқув юртлари учун ишчи дастурларини мутахассислик йўналишларига мос ҳолда тузиш учун кенг имконият беради, яъни ишчи ўқув дастурларида олий ўқув юртлари ҳар бир мавзунини таълим йўналишидан келиб чиққан ҳолда кенгайтиришлари учун шарт-шароит яратилади.

3.2. Тил билиш даражасини баҳолаш тамойиллари.

Амалий ва семинар машғулотларида талаба (ўқувчи)лар билимини текшириш ва баҳолаш қуйидаги мақсадларда уюштирилади:

-таълим олувчиларни билим, кўникма, малакаларини аниқлаш, ўлчаш ва баҳолаш;

талабаларнинг мулоқот материалини ўзлаштириш даражасини тўғрисидаги

ҳаққоний маълумотни олиш, бу жараёнда эришилган ютуқ ва камчиликларни аниқлаш.

Қуйида назорат ва баҳолашни уюштириш усуллари ҳақида алоҳида тўхталамиз:

1.Жуфт бўлиб ишлаш орқали билимларни текшириш ва баҳолаш.

Бундай текшириш ва баҳолаш жорий назорат сифатида ўзлаштирилган мулоқот мавзуси бўйича карточкалар ёрдамида жуфт бўлиб ишлаш орқали уюштирилади. Бунда ҳар бир жуфтликка 6 тадан 10 тагача коммуникатив топшириқни бажариш топширилади. Биринчи босқичда савол берувчи ўқувчи карточка орқали, жавоб берувчи ўқувчи карточкасиз ишлайди.Иккинчи босқичда уларнинг вазифалари алмаштирилиб назорат қилинади. Назорат ўқитувчи тамонидан амалга оширилиши бироз мураккаблиги тугайли, ҳар бир жуфтликка баҳоловчи экспертлар тайинланиши мумкин. Бундай усулда 10 дақиқа ичида гуруҳдаги барча ўқувчиларнинг билимларини текшириш ва баҳолашга эришиш мумкин. Бунда эксперт вазифасидаги ўқувчига билимларни адолат билан баҳолаш муҳимлиги ўқдирилади. Бундай вазифага одил ва аълочи ўқувчилардан тайинланади. Ўқитувчи иш якунида экспертлардан баҳолаш натижаларини йиғиб олади ва уларни журналга қайд қилади.

2. Гуруҳ бўлиб ишлаш орқали ўқувчилар билимини текшириш ва баҳолаш.

Бундай назорат ҳам жорий назорат сифатидаўзлаштирилган нутқ мавзуси бўйичаташкил қилинади. Синф аввалдан белгиланган гуруҳларга ажратилади. Ҳар бир гуруҳ учун текширувчи, баҳоловчи экспертлар тайинланиши мумкин.Бунинг учун гуруҳларгаб тадан ўтнагача мавзу бўйича тузилган саволлар топширилади ва уларга оғзаки ёки ёзма жавоб тайёрлаш учун муайян вақт белгиланади. Бу вақт тугагач ҳар бир гуруҳдаги ўқитувчи танлаган ўқувчи саволларга оғзаеи жавоб беради, бошқа гуруҳ ўқувчилари берган эътироз ва саволларга жавоб айтади. Гуруҳ вакили бнрган жавоб орқали барча гуруҳ аъзолари баҳоланади. Гуруҳ булиб ишлашни мавзу

бўйича бирор лойиҳани ишлаш орқали ҳам уюштириб гуруҳ фаолиятини баҳолаш мумкин. Одатда бундай назорат ёзма шаклда уюштирилади, муҳокама қилинади ва баҳоланади.

3. Ўзлаштирилган нутқ мавзусини индивидуал текшириш ва баҳолаш.

Бундай текшириш ва баҳолаш лингофон синфида ёки компьютер синфида уюштирилади. Ҳар бир ўқувчи магнитофондан эшитилган саволларга муайян паузаларда оғзаки равишда тўлиқ жавоб бера олиши лозим. Унинг жавобини магнит лентасига ёзиб олиб, текшириш ва баҳолашни дарсдан кейин ташкил қилиш мумкин. Бундай текшириш ва баҳолашни ҳар бир ўқувчининг муайян белгиланган вақтда компьютердаги саволларга ёзма жавоб бериши орқали ҳам ташкил қилиш мумкин. Жавобларнинг тўғри ва нотўғрилигини программалаштириш орқали уюштириш мумкин.

4. Нутқ мавзуси бўйича тузилган тестлар орқали билимларни текшириш ва баҳолаш оралиқ ёки якуний назорат сифатида ташкил қилинади. Бунда асосий вазифа нотўғри жавоблар ичидан энг тўғри ва мантиқий жавобни топишга қаратилади. Тест саволларининг миқдори оралиқ ёки якуний назорат учун белгиланган нутқ материали миқдорига тенг бўлиши лозим. Тест саволлари босма шрифтда ёзилган алоҳида қоғозларда турли вариантларда тайёрланади, ёки барча ўқувчилар учун умумий тайёрланган тестларни экран орқали намойиш қилиш жараёнида бажарилади. Бунда ҳар бир тест топшириғи намойишига муайян вақт ажратилиб кейин навбатдаги тест топшириғи намойиш қилинади. Тест топшириқларини компьютерга киритиб, назоратни программалаштириш ҳам мумкин.

5. Ёзма назорат ва баҳолаш. Ёзма назорат нутқ мавзуси якунида, оралиқ ва якуний назоратларда индивидуал ташкил қилинади. Бундай назорат бир ўқув мавзусига белгиланган соатларда ўтказилади ва ўзлаштирилган фонетик, лексик, грамматик материаллар, матнни ўқиб тушуниш, фикрни ёзма баён қилиш аспектида ташкил қилинади.

4- мавзу: Талабалар билимини баҳолашнинг альтернатив технологиялари. Портфолио билан ишлаш ва уни шакллантириш.

Режа:

1. Педагогнинг портфолиоси ҳақида тушунча.
2. Портфолио тизими.
3. Портфолио билан ишлаш ва уни шакллантириш.

Таълим-тарбия жараёнларини модернизациялаштириш *ижодий фикрловчи, таълимнинг замонавий метод ва технологияларини, педагогик-психологик диагностика усулларини, аниқ амалий фаолият асосида педагогик жараённи мустақил лойиҳалаш усулларини* қўллай оладиган педагоглар таркибини шакллантиришни талаб этади.

Хозирги кунда педагогларга нисбатан ўзининг самарали фаолиятини ташкил қилишда ўқув, илмий ҳамда маданий-маърифий тадбирларни тўғри режалаштириши ва амалга ошириши, касбий педагогик маҳоратини узлуксиз ошириб боришда ўзгариб боровчи замонавий талабларга тезкор равишда мослашиб бориш каби талаблар қўйилмоқда. Чунончи, педагог кадрларнинг таълим-тарбия жараёнларидаги рақобатбардошлиги унинг илғор таълим технологияларини ўзлаштириш қобилияти, ўзгарувчан ҳамда ошиб бораётган касбий талабларга мослаша олишига боғлиқ. Бугунги кунда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини педагогик фаолият ҳамда касбий компетентликнинг ажралмас қисми сифатида шакллантириш устувор йўналиш сифатида қаралмоқда. Шу сабабдан педагогларнинг касбий маълумотлар базаси ва талабалар билан ўқув мулоқотларини электрон ресурслар асосида ташкил этиш педагогик жиҳатдан муҳим вазифалар қаторига киради. Бундай вазифалар педагог кадрларнинг электрон портфолиосини ишлаб чиқишни тақозо этади.

“Портфолио” тушунчаси XV-XVI асрларда Ғарбий Европадан кириб келган бўлиб, уйғониш даврида архитекторлар ўз буюртмачиларига қурилиш лойиҳаларини тайёр ва ҳомаки вариантларини "портфолио" деб номланган

алоҳида папкада тақдим этишган. Ушбу папкада тақдим этилган ҳужжатлар талабгорда қурилиш лойиҳасининг касбий сифатлари ҳақида таассурот ҳосил қилган.

Ҳозирги вақтда эса бизнес оламида портфолио фирманинг ютуқларини кўрсатиш, фотосуратчи ва фотомоделлар соҳасида эса – суратлар албоми сифатида ишлатилади. Портфолиони таълим соҳасида қўллаш ғояси, 80-йилларнинг ўрталарида АҚШда пайдо бўлди. АҚШ ва Канададан сўнг, портфолио ғояси Европа ва Японияда оммалашди, ХХI асрнинг бошларида эса бу ғоя Россияда кенг тарқалди ва ҳозирги кунда бу ғоя Ўзбекистонда ҳам кенг ёйилмоқда.

Портфолио (ингл. – портфел, зарур ишлар ва ҳужжатлар учун папка. франс.

– баён қилмоқ, ифода этмоқ, ташимоқ. итал. – ҳужжатлар солинган папка) – бу ҳужжатлар, иш намуналари, фотосуратлар, тақдим этилаётган имкониятларни

тасаввур эта олиш имкониятини берувчи материаллар, мутахассис хизматлари

тўпламидан иборат. Педагогнинг портфолиоси қуйидаги имкониятларга эга:

- педагогнинг маълум бир вақт оралиғида эришган касбий ютуқлари ва фаолият натижаларини қайд этиш *усули*;

- фаолияти давомида касбий соҳадаги эришилган ютуқларини намойиш этувчи *мажмуа*;

- педагогнинг дарс бераётган фани бўйича ўқув материалларини талабаларга етказиб берувчи *восита*;

- педагог ва талабалар ўртасидаги ўқув мулоқотини таъминлашга хизмат қилувчи *тизим*;

- талабалар билан тескари алоқани ўрнатишга хизмат қилувчи ҳамда билимларни ўзлаштириш жараёнини мониторинг қилиш *тизими*.



Педагогнинг портфолиоси таълим муассасалари раҳбарияти учун ўқитувчиларнинг иш фаолияти унумдорлигини мониторингини олиб бориш ва яна ҳам муҳим томони ўқитувчиларни ўз-ўзини кузатиш ва ўз устида ишлаши учун муҳим восита ҳисобланади. Турли манбалардаги маълумотларга кўра педагог портфолиоси – бу ўқитувчининг аниқ фактлар асосида ёзилган педагогик сифати ва ютуқлари ҳисобланади. Бундан ташқари портфолиода ўқитувчининг индивидуал ютуқлари, турли лойиҳаларда қатнашганликлари, талабаларининг фан олимпиадалари, танловлар, мусобақаларда ғолиб бўлганликлари қайд этиб борилади. Шу билан бирга педагог портфолиоси педагогик-психологик диагностика натижалари, талабалар учун фанлар бўйича назорат қилиш топшириқ ва тестларини қамраб олади. Портфолио жорий этилиши билан педагогик фаолиятни баҳолашнинг ва ўз-ўзига баҳо беришнинг кўп функцияли воситаси шаклланади. Бунда портфолио қатор педагогик масалаларни ечишда ёрдам беради:

- таълим беришда юқори мотивацияни ривожлантириш;
- талабаларнинг мустақил таълими ва ўз устида ишлашга интилишни

ошириш;

- узлуксиз ривожланишни рағбатлантирувчи омилни жорий этиш;
- билимларнинг самарали ўзлаштирилишига интилиш;
- педагогик фаолият натижаларини ташҳис қилиш.

Бундан ташқари портфолио ўқитувчига ўз ютуқларини янада кенгроқ ва хилма хил тақдим этиш имконини беради.

«The Teaching Portfolio» китоби муаллифи Питер Зелдин фикрига кўра ўқитувчи портфолиоси, касб маҳоратини шакллантиришдаги навбатдаги босқич ҳисобланади. Портфолио – ўқитувчининг касбий фаолиятида турли педагогик масалаларни ҳал эта олиш малакаларини кўрсатувчи, шунингдек ўқитувчининг профессионаллик даражасини баҳолашга қаратилган материалларни қамраб олади.

Портфолио қуйидаги кўринишларда бўлиши мумкин:

- портфолио сайти (сайт кўринишидаги портфолио);
 - веб саҳифа (бирор сайт таркибидаги шахсий саҳифа);
 - электрон тақдимот;
 - натижалар папкаси.

Электрон портфолио кўргазмаллиги, қулайлиги, ресурсларининг аниқ тузилишига эгалиги билан бир қаторда яна бир қанча ўзига хос хусусиятлар ва афзалликларга эга:

- замонавийлиги;
- тезкорлиги (керакли ўзгаришни тезда киритиш имконияти);
- функционаллиги (катта сондаги экспертларга, ҳамкасб мутахассисларга, қизиқувчиларга ўз тажрибасини намойиш этиш имконияти) ҳамда ўз муваффақиятларини қайд этиб бориш, бир вақтнинг ўзида доимий равишда тўлдириб бориш мумкин бўлган рақамли таълим ресурсларининг тизимлаштирилган медиатекасини яратиш имкониятининг мавжудлиги;
- эффективлиги (ўқитувчини ўз-ўзини баҳолаши, бошқарувчи ҳамда талабаларга ижобий таъсир кўрсатиш);

Портфолионинг тақдимот шакли маълумотларни кўргазмали тарзда

намойиш этишни амалга оширса, сайт-портфолио шакли эса кўпроқ маълумот олиш ва излаш имкониятини беради. Интернет изимининг ўқув жараёнига кенг жорий этиш бўйича яратилган имкониятлар портфолионинг сайт-портфолио шаклида яратиш ва унинг ресурсларини доимий янгиланиб боришини марказлашган ҳолда тизимли йўлга қўйиш орқали самара бериши мумкин. Шунинг учун портфолиони тармоқда сайтпортфолио сифатида жойлаштирилиши мақсадга мувофиқ.

Портфолионинг муҳим жиҳати – педагогнинг касбий компетентлигини баҳолаш учун амалий фаолиятдаги натижаларини (бажарган лойиҳалари, талабаларининг олимпиада ва танловларда қатнашганлиги, олиб борган илмий изланишлари кабиларни) намойиш этишдан иборат. Портфолио ўқитувчига ўз ишлари натижаларини таҳлил этиш, умумлаштириш, тизимлаштириш, ўз имкониятларини объектив баҳолаш ва қийинчиликларни бартараф этишни режалаштириш ҳамда юқори натижаларга эришиш имкониятини беради.

Портфолио ресурсларини шакллантиришда қуйидаги жиҳатларга аҳамият

бериш мақсадга мувофиқ:

- тизимлилик;
- тақдимотлилик;
- ютуқларни ҳаққоний, тўғри баҳолаш;
- тақдим этилаётган ахборотларнинг тўлиқлиги, аниқлиги ва ишончлилиги;
- маълумотларнинг объективлиги.

Шундай қилиб, портфолио педагогик фаолиятнинг турли хил кўринишларида (ўқув, тарбиявий, ижодий, методик, тадқиқот) ўқитувчи томонидан эришилган ютуқларини юзага чиқариш имконини беради. Бир қанча муаллифлар ўз мақолаларида электрон портфолиони бир нечта вариантларини таклиф этишган:

- ютуқлар портфолиоси – ушбу портфолиода аҳамият фаолиятдаги

ютуқларни тасдиқловчи ҳужжатларга қаратилади;

- тақдимот портфолиоси – ўқитувчининг энг яхши ишлари тўплами, ушбу портфолио янги ишга кираётганда, суҳбатдан ўтиш учун ёки турли танловларда қатнашиш учун керак бўлади;

- ҳисобот кўринишидаги портфолио – бирор-бир лойиҳа ишини тугатаётган вақтда бажарилган ишлар ва эришилган ютуқлар хақида маълумот беради;

- мажмуавий портфолио – юқорида кўрсатилган портфолио кўринишларини камраб олади ва ўқитувчи портфолиосини намоиш этишга хизмат қилади.

ПОРТФОЛИО ТИЗИМИ

Педагогнинг электрон портфолиоси унинг касбий кўрсаткичлари билан бир қаторда, педагогик фаолиятни ташкил этиш билан боғлиқ ресурслар, талабаларнинг фан бўйича маълумотларни олишлари, назорат топшириқлари ҳамда талабалар билимини ўзлаштириш мониторинги натижаларини қайд этиш имкониятини берувчи тизим сифатида шакллантирилди.



Расм 1. Электрон портфолионинг бош саҳифаси кўриниши

Мазкур жараёнда педагогларнинг электрон портфолио яратишдаги фаолиятини қуйидагича ташкил этиш мақсадга мувофиқ: биринчидан, педагоглар портфолиоси дастурий платформаси яратилади ва унинг

имкониятлари билан барча педагоглар таништирилади; иккинчидан, педагоглар ўзларига тегишли касбий маълумотлар ва таълим ресурсларни шакллантириб дастурий платформага жойлаштиришлари ташкиллаштирилади; учинчидан, электрон портфолионинг ахборот хавфсизлигини таъминлаган ҳолда унинг доимий, узлуксиз фаолиятини йўлга қўйиш, ресурсларини мунтазам янгиланиб боришини таъминлаш, фойдаланувчилар учун махсус киришларни ташкиллаштириш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш Бош илмий-методик маркази портали таркибида “Педагог портфолиоси” дастурий платформаси ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди (<http://portfolio.bimm.uz/>) (1-расм). Мазкур платформанинг вазифаси олий таълим муассасалари педагогларининг ягона марказлашган портфолиосини жорий этиш, улар учун касбий фаолият натижалари ва тегишли фанлари бўйича таълим ресурсларини яратиш имкониятини яратиш ва педагогик фаолиятнинг комплекс мониторингини ташкил этишдан иборат. Портфолио уч қисмдан ташкил топган:

Биринчи қисмда педагогнинг малака ошириш жараёнлари билан боғлиқ маълумотлар жой олган. Бу маълумотлар педагог томонидан киритилмайди. Олий таълим тизими педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш минтақавий ва тармоқ марказларида тингловчи сифатида рўйхатдан ўтган педагогларнинг маълумотлар базасини шакллантириш жараёнида маълумотлар тизимга автоматик тарзда йиғилиб борилади. Бу маълумотларга тингловчи анкетаси, унинг кунлик давомати, кириш ва чиқиш тести натижалари, малакани ҳимоя қилиш иши мавзуси ва бали, қолдирилган дарс соатлари, олинган диплом, сертификат ёки маълумотнома номери ва ҳоказолар киради.

Портфолионинг иккинчи қисм педагогнинг касбий фаолиятини ёритишга қаратилган бўлиб, бу қисмдаги маълумотлар берилган логин ва

пароль

асосида

унинг шахсий кабинетида тегишли бўлимларга шахсан педагог томонидан даврий тўлдирилиб борилади.

Бу маълумотлар асосий ва қўшимча маълумотларга бўлинган. Асосий маълумотлар педагогнинг касбий фаолиятида эришган ютуқларини акс эттирувчи қуйидаги бўлимлардан ташкил топган:

➤ **Ўқув ва ўқув - методик фаолияти:**

○ ўқув жараёнининг меъёрий хужжатларини ишлаб чиқишдаги иштироки; дарс берадиган фанлари рўйхати; фанларнинг намунавий дастурларини яратишдаги иштироки;

○ ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларини жорий этишдаги фаолияти;

○ нашр этилган дарслик ва ўқув қўлланмаларининг мавжудлиги.

➤ **Илмий - тадқиқот фаолияти:**

○ илмий даража ва унвонининг мавжудлиги;

монография ва илмий мақолалар чоп этилганлиги;

○ Республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференциялардаги тезислари мавжудлиги;

○ маблағ билан таъминланган илмий-тадқиқот ишларидаги иштироки; патентлар, ихтиролар ва рационализаторлик таклифларининг мавжудлиги.

➤ **Ташкилий - методик фаолияти:**

○ умумкасбий ва мутахассислик фанлари бўйича Республика ва Халқаро олимпиадаси, спорт мусобақаси ва бадий кўргазмаларда ғолиб ва совриндор бўлган талабаларининг мавжудлиги; очик маърузалар ташкил этилганлиги.

➤ **Қўшимча маълумотлар портфолиодаги саҳифанинг персоналлаштирилиши**

билан боғлиқ бўлиб, қуйидагилардан ташкил топган:

○ портфолио саҳифасидаги паролни ўзгартириш;

о портфолио саҳифасидаги расмни ўзгартириш;

о портфолио саҳифасидаги анкета маълумотларини ўзгартириш;

Портфолионинг учинчи қисмида педагоглар ўзларининг фанлари бўйича силлабус ва бошқа ўқув материалларини киритиб борадилар.

Бу материаллардан фақатгина рухсат этилган талабаларгина фойдалана оладилар. Бунинг учун талабалар ҳам албатта тизимга рўйхатдан ўтган бўлишлари талаб этилади. Шунингдек, талаба ва педагог ўртасида виртуал мулоқотни яратиш мақсадида “чат” (ёзишмалар) тизими ҳам жорий қилинган.

Портфолио билан ишлаш ва уни шакллантириш.

Профессор-ўқитувчилар ўзларининг электрон портфолиоларига (уларга берилган махсус логин) кирганида қуйидаги ишларни амалга оширадилар:

1. **“Педагог”** менюсининг **“Созловлар”** қисмига ўтадилар. **“Созловлар”** қисми олти пунктдан иборат бўлиб, унда ўқитувчилар қуйидаги амалларни бажарадилар:

а. **“Паролни ўзгартириш”** – электрон портфолио тизимидаги шахсий паролни ўзгартириш. Бунинг учун **“Жорий парол”** майдонида жорий паролни, **“Янги парол”** ва **“Паролни такрорланг”** майдонларига ўрнатилмоқчи бўлган янги паролни икки марта киритилади ҳамда тасдиқ кодини киритиб **“Паролни сақлаш”** тугмаси босилади;

б. **“Расмни ўзгартириш”** – портфолиода акс этадиган расм бланкасининг ўрнига ўзининг расмини ўрнатиш. Бунда икки усул мавжуд:

1. **“Расмни юклаш”** қисмини танланади ва ҳажми 512 Кб дан ошмайдиган **“.jpg”** форматдаги расмни маълумот ташувчи (компьютер хотираси, CD ёки DVD диск, флеш хотира) дан танлаб, **“сақлаш”** тугмасини босилади;

2. Агар компьютер ёки ноутбукда веб-камера мавжуд бўлса **“Веб камерадан расм тушириш”** қисмини танлаб, **“Capture”** сўнг

“Upload” тегмаларини босиб расм ўзлартирилади.
с. “**Шахсий маълумотларни таҳрирлаш**” – портфолиодаги анкета (анкета, касбий ва қўшимча) маълумотларини таҳрирлаш. Бунда ҳар бир майдонни диққат билан танишиб, хато ёки ўзгарган маълумотлар мавжуд бўлса уни таҳрирлаб тасдиқ коди киритилади ва “**Сақлаш**” тугмаси босилади;

“Созловлар” менюсининг кейинги уч қисми профессор-ўқитувчининг касбий фаолияти натижалари асосида тўлдирилади.

d. “**Ўқув ва ўқув-методик фаолият**” – бу бўлим тўртта таркибий қисмдан иборат бўлиб, улар:

1. “Петентлар, ихтиролар ва рационализаторлик таклифлари”;
2. “Модел ва дастурлар яратишдаги иштироки”;
3. “Янги педагогик ва ахборот технологияларини жорий этишга доир ўқув-меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқишдаги иштироки”;
4. “Нашр этилган дарслик ва ўқув қўлланмалар”.

e. “**Илмий тадқиот фаолияти**” – бу бўлим учта таркибий қисмдан иборат бўлиб, улар:

1. “Монография ва илмий мақолалар чоп этилганлиги”;
2. “Республика ва ҳолқаро миқёсдаги илмий конференциялардаги тезислар”;
3. “Маблағ билан таъминланган илмий-тадқиқот ишидаги иштирок”.

f. “**Ташкилий-методик фаолият**” – бу бўлим иикита таркибий қисмдан иборат бўлиб, улар:

1. “Умумкасбий ва мутахассислик фанлари бўйича Республика ва ҳалқаро олимпиада, спорт мусобақаси ва бадий кўргазмаларда ғолиб ва совриндор бўлган талабалар”;
2. “Очиқ маърузалар ташкил этилганлиги”.

Профессор-ўқитувчида юқоридаги фаолият натижаларидан қайсилари мавжуд бўлса ўша қисмни танлайди ва шу фаолият натижаси ҳақидаги маълумотларни киритиш формаси ҳосил бўлади. Унда фаолият туриларидан

келиб чиқиб бирбиридан биров фарқ қилувчи маълумотларни (Манба номланиши, нашр йили, ҳаммуаллифлар сони) ва тасдиқловчи ҳужжат нусхасини киритиш майдонлари мавжуд бўлади. Маълумотлар ва ҳужжат нусхасини киритиб **“Сақлаш”** тугмасини босиш орқали касбий фаолият натижаси ҳақидаги маълумотлар тўлдириб борилади.

2. **“Педагог”** менюсининг **“Фанларим”** қисмида профессор-ўқитувчилар ўзлари дарс бераётган фанлари ҳақидаги маълумотлар, фан силлабуси ва турли электрон мабаларни киритишлари мумкин. Бунинг учун дастлаб **“Фан қўшиш”** тугмасини босиш орқали янги фан ҳақидаги маълумотларни киритиш формасига ўтилади. Ушбу формада **“ОТМ”**, **“Кафедра”**, **“Йўналиш”**, **“Фан ўқитиладиган тил”**, **“Фаннинг номланиши”** ва **“Фаннинг силлабуси”** ни киритилиб **“Сақлаш”** тугмаси босилади. Фан ҳақидаги маълумотлар киритилгандан сўнг, фанлар рўхатидан янги киритилган фанни танланади. Бунда иккита **“Силлабус”** ва **“Манбаалар”** номли қисмлардан иборат ойна очилади. Бу ойнанинг **“Манбаалар”** қисмига ўтиб **“Манбаа қўшиш”** тугмаси босилади ва фанга электрон форматдаги манбаалар (фаннинг ўқув ва ишчи дастурлари, назорат саволлари, тақдимотлар, маъруза матнлари ва ҳ.) киритилади. **“Педагог”** менюсининг **“Ёзишмалар”** қисмида профессор-ўқитувчилар ўзларининг талабалари томонидан берилган саволларга жавоб беришлари ёки фикр алмашишлари мумкин.

Шундай қилиб, таклиф этилаётган электрон портфолио педагогларнинг касбий фаолиятлари мониторингини олиб боориш, илғор педагогик тажрибаларни оммалаштириш, педагоглар ва талабаларнинг виртуал мулоқотини ташкиллаштириш, таълим ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятларини яратилиши билан алоҳида аҳамият касб этади. Бундан ташқари педагогларда аҳамиятли касбий натижаларни намойиш этиш ва таҳлил қилиш имкониятлари яратилади ҳамда портфолиода тўпланган маълумотлар педагогнинг касбий гувоҳномаси сифатида шаклланади.

Назорат саволлари:

1. Портфолио сўзининг маъноси нима?
2. Портфолио атамасидан дастлаб қаерда ва қайси соҳаларда қўлланилган?
3. Портфолионинг қандай турлари мавжуд?
4. www.portfolio.bimm.uz портфолио тизими қандай қисмлардан ташкил топган?

5-мавзу: Синфни таҳлил қилиш. Чет тили дарсларида Фидбек усулини қўллаш: мулоқатга ўргатиш дарсини технологиялаштириш.

Режа:

1. Коммуникатив топшириқларни бажаришда синфни тайёрлаш.
2. Коммуникатив топшириқни кўп марталик такрор асосида тақлид қилиб мустаҳкамлаш босқичи.
3. Мулоқатга ўргатиш дарсини технологиялаштириш.

Хорижий тилда жуфт бўлиб ишлашни ташкил қилишнинг асосий мақсади ўргаиладиган нутқ материали бўйича ўзаро фикр алмашувга, мулоқотга ўргатишдир. Хорижий тилда мулоқотни ўргатиш коммуникатив топшириқлар орқали ташкил қилинади. Коммуникатив топшириқ бу муайян бир мавзу асосида тузиладиган, жуфт бўлиб ишлаб, кўп марталик такрор асосида ўзлаштиришга мўлжалланган, биринчи ўқувчининг саволига иккинчи ўқувчи томонидан талаффуз тақлидига, аудио-визуал, эксталингвистик ва эмоционал таъсир воситаларига таяниб жавоб беришга асосланган кичик микродиологдир. Бундай микродиалоглар (топшириқлар) бир нутқ мавзуси бўйича бир машғулот учун таълим босқичларига кўра 6 тадан 10 тагача тузилади ва савол берувчи ўқувчининг саволи(А) ва жавоб берувчи ўқувчининг жавоби(Б) бир хил ҳажмдаги кичик карточкаларга ёзилади. Демак, ўқитувчи битта мавзу учун 6 тадан 10 тагача А ва Б карточкаларига ёзиладиган коммуникатив топшириқлар тузиши ва уни синф ўқувчилари сонига кўра кўпайтириш чораларини кўриши лозим.Бунинг учун

Ўқитувчи бир дарс олдин ўзи тайёрлаб келган 20 дона А ва Б карточкаларини ўқувчиларга тарқатиб, улардан ҳар бирига компютер принтери орқали бир топшириқни 10 та вариантини ёзиб келишни топширади. Бундай топшириқни бажариш жараёнида ўқувчи табиийки, унда ёзилган жумлалар нимани ифодалаши билан қизиқади, уни тушунишга уринади, бунинг учун луғатларга қарайди ва бу орқали ўқувчиларда бўлажак машулот мавзусига қизиқиш, ўзига топширилган вазифани аъло даражада бажаришга интилиш каби сифатлар шакллантирилади. Бутун синф ўқувчиларини жуфт ёки гуруҳ бўлиб ишлаш орқали коммуникатив топшириқни мустаҳкамлашни ташкил қилишда ўқитувчи синфни А ва Б карточкани бажарувчи ўқувчиларга ажратади ва уларни ёнма-ён ўтиришларини таъминлайди. Бунда у уларнинг индивидуал ва психологик хусусиятларини ҳисобга олади, яъни савол берувчи ўқувчилар вазифасига нисбатан паст ўзлаштирувчи ўқувчилар тайинланади. Бундай ўқувчилар топшириқни ўз карточкаларидаги саволни кўп марталаб ўқиб ва тўғри жавоб орқали шеригини текшириш жараёнида ўзлаштирадидлар. Б карточкаси эса, одатда нисбатан яхши ўзлаштирувчи ўқувчиларларга тарқатилади. Унинг карточкасига фақат ўқитувчининг кўрсатмаси ва шеригидан эшитган савол матни бўлади ҳолос. Унинг вазифаси - саволни диққат билан эшитиш, уни тушуниб олиш ва эшитилган жумланинг оҳангига, структурасига таяниб, саволга тасдиқ, инкор, сўроқ формаларда жавоб беришдир.

Коммуникатив топшириқларни тушунтиришни, мустаҳкамлашни проектордан фойдаланиб, экран орқали намоиш қилиб ҳам ташкил қилиш мумкин. Бунда ҳар бир коммуникатив топшириқ матни экранда белгиланган вақт жараёнида намоиш қилиниб турилади ва жуфтликлар фаолияти ташкил қилинади. Қўйида А ва Б карточкалардан намуналар келтирамиз:

№1-А

Саволни ўқи ва тўғри жавобга қараб ўртоғингни текшир:

Mon père travaille á l'usine. Oú travaille-t-il ton père?(Менинг отам завода ишлайди. Сенинг отанг қаерда ишлайди?)
Тўғри жавоб: *Mon père travaille á la fabrique.* (Менинг отам фабрикада ишлайди).

№1-Б

Саволни диққат билан эшит ва «l'usine» сўзи ўрнига «la fabrique» сўзини кўйиб, тасдиқ формада жавоб бер. **Mon père travaille á l'usine. Oú travaille-t-il ton père?**

Ўқитувчи ҳар бир коммуникатив топшириқни бажаришда А ва Б ўқувчиларнинг вазифасини тушунтиради, саволни қандай оҳангда гапиришни, гапириш жараёнида қандай аудио-визуал ва экстралингвистик воситалардан фойдаланишни, қандай нутқий ҳаракатларни бажаришни кўрсатади ва жумлаларни А ва Б гуруҳ ўқувчилар билан бир неча бор такрорлаб, унинг талаффузини ўргатади. Шундан сўнг, у 3 минут вақт белгилаб, микродиалогни мустаҳкамлаш бошланганлигини айтади. Бу жараёнда ўқувчилар жуфтликлари карточкалардаги савол ва жавобни 30 мароталаб такрорлаш орқали ўзлаштиришга киришадилар. Ўқитувчи бу жараёнда жуфтликлар оралаб юриб, уларнинг талаффузида, нутқий ҳаракатлардида йўл қуйилган хато ва камчиликларни тўғрилайди, лозим топса, жуфтликлар бажараётган вазифаларни алмаштиради. Микродиалог 15-20 марта такрорлангач, жумлалар хотирага ўрнашиб қолади ва ишни карточкаларга қарамасдан давом эттириш мумкин.

Ўқитувчи ҳар бир жуфтлик томонидан белгиланган вақтда берилган коммуникатив топшириқ ўзлаштирилганлигига ишонч ҳосил қилгач, навбатдаги топшириқни бажариш йўлларини тушунтиради, кўрсатади ва бундай иш барча 10 та коммуникатив топшириқ буйича такрорланади. Дарсинг бундай босқичига одатда энг кўп вақт, яъни умумий вақтнинг 60% ажратилади. Бу 45 минутлик машғулотларда 28-30 дақиқани , 80

минутлик машғулотларда 48-50 дақиқани ташкил қилади. Коммуникатив топшириқлар орқали ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил қилиш ва бошқариш анъанавий ўқитиш методикасидан фарқли улароқ ўқув материалнинг талаффузини, янги лексикасини, грамматик материални, эшитиб ва ўқиб тушуниладиган матнларини, фикрни ёзма баён қилиш усулларини мулоқот жараёнида комплекс ўзлаштиришни кўзда тутилади. Яъни, ўқувчи коммуникатив топшириқни бажаришни машқ қилаётган жараёнидаёқ ундаги лексик бирликларнинг талаффузини, аниқланган маъносини, грамматик-синтактик тузилишини, жумла тузилишидаги ўзига хосликларни эгаллаб олади. Шундай қилиб, коммуникатив ёндашув анъанавий ўқитиш методикасида шаклланган ўқув материални тушунтириш, мустаҳкамлаш ва назорат ва баҳолаш каби бир қолипга солинган усуллардан фарқли ўлароқ, таълимни ўқувчиларни мулоқотга ўргатишдан бошлайди. Фонетик, лексик, грамматик қоидаларнинг энг охирида ўргатилиши -ўзлаштирилган нутқ материалнинг мустаҳкамловчи воситаси вазифасини бажаради. Нутқ вазиятларига асосланган коммуникатив топшириқлар орқали мулоқатга ўргатиш беш босқичда ташкил қилинади:

1. Коммуникатив топшириқни бажаришга тайёрлаш. Бу босқичда ўқитувчи томонидан мулоқот мавзуси бўйича лексик бирликлар, жумлалар, аудио-визуал воситалар тайёрланади, лексик бирликларни ўз ичига олган қизиқарли нутқ вазиятлари, уни бажарадиган ўқувчилар жуфтликлари ёки гуруҳлари белгиланади.

2. Коммуникатив топшириқни бажариш йўллари тушунтириш ва кўрсатиш босқичи. Ўқитувчи ўқувчилар топшириқни жуфтликка ёки гуруҳга мўлжалланган коммуникатив кўргазмали йўллари қуроллар, кўрсатади.

экстралингвистик воситалар ёрдамида бажариш.

Тушунтириш ва кўрсатиш бажарилаётган, эшитилаётган нутқий ҳаракатни

тақлидий ўзлаштиришга, эшитилаётган жумладаги ҳар бир лексик бирликни, умумий жумла англатган мазмунни, оҳангни ўқувчилар томонидан онгли, таржимасиз тушунишга йўналтирилади. Шу тақдирнинг ўзидаёқ ўқувчилар гап нима ҳақида кетаётганлигини, қандай нутқ материаллини ўзлаштириш лозимлигини идрок қилиб оладилар.

3.Эшитилган коммуникатив топшириқни кўп марталик такрор асосида тақлид қилиб мустаҳкамлаш босқичи.Бу босқичда ўқувчилар жуфтликларга, гуруҳларга бўлиниб нутқ материаллини аввал тасдиқ, кейин сўроқ, инкор формаларда, турли шахслар ва замонларда ишлатиб, ўз шерикларининг фикрини рад қилишга, кўшилишга, саволга - савол билан жавоб беришга ўрганадилар. Мулоқот жараёнида кўрғазмали ва экстралингвистик воситалардан, ўйинлардан, ҳазил ва юморлардан кенг фойдаланилади. Бу жараёнида ўқувчиларнинг талаффузига, ҳар хил формадаги жумлаларни гапиришдаги оҳангига, гапиришда фойдаланган экстралингвистик воситаларига эътибор қаратилади. Бу босқичда коммуникатив топшириқни гуруҳлар аро бажартиришни ҳам ташкил қилиш мумкин. Мустаҳкамлаш жараёнида мулоқат кўникмалари шакллантирувчи коммуникатив топшириқлар асосан тўрт талабга жавоб бериши лозим:

1.Нутқий вазифанинг аниқлиги;

2.Коммуникатив топшириқнинг маълум нутқ вазиятига боғлиқлиги;

3.Топшириқнинг бажарилиши фикр алмашувга ва нутқий ҳаракатни ўзлаштиришга йўналтирилганлиги;

4.Бу жараёнда турли таянч воситаларидан фойдаланишнинг зарурлиги. Мулоқат кўникмаларини шакллантирувчи бундай машқларнинг айнан мана шу талабларга жавоб бера олиши - уларнинг анъанавий ўқитиш жараёнида бажариладиган машқлардан фарқи ҳисобланади. Коммуникатив топшириқ орқали уюштириладиган бундай микродиалог Б ўқувчининг эшитилган саволга берадиган жавобига кўра қўйидаги кетмакетликда бажариладиган 4 типга ажратиш мумкин:

1.Нутқ бирлигини эшитиб, унга тақлид қилиб такрорлаш;

2.Эшитилган жумладаги сўзлар ўрнини алмаштириб такрорлаш; (трансформация усули, синонимлар, антонимлар, отлар ўрнига олмошлар ишлатиш, тасдиқ гапни сўроқ, инкор формаларга айлантириб жавоб бериш).

3.Жумлани репродукция қилиш (яъни, аввал ўрганилган лексик, грамматик материаллардан фойдаланиб жумлани кенгайтириш, торайтириш, кўчирма гапларни ўзлаштира, активдаги гапни пассивга алмаштириш, феъл замонларини алмаштириш ва х.) орқали такрорлаш.

4. Эшитилган жумладаги қолдириб кетилган сўзни ўрнини тўлдириб жавоб бериш. Бунда жавобни қолдириб кетилган сўзни карточка остига ёзилган бир неча сўзлардан бирини танлаш орқали тўлдириш орқали ҳам ташкил қилиш мумкин.

Коммуникатив топшириқ асосида бажариладиган бундай мустақамловчи машқларининг асосий вазифаси нутқий ҳаракатларга ўргатишдир.

Эшитиб тақлид қилиб жавоб беришга асосланган Б карточкадаги бундай топшириқлар ўқитувчининг кўрсатмалари асосида қўйидаги тартибда уюштирилади:

№2-А

Саволни ўқитувчи кўрсатгандек нутқ ҳаракатларини қўллаб ўқи ва берилган тўғри жавобга кўра ўртоғининг текшир:

-Aujourd'hui après les classes nous allons au cinéma. D'accord?(Бугун дарсдан кейин кинога борамиз, келишдикми?)

Тўғри жавоб:

- D'accord, aujourd'hui après les classes nous allons au cinéma (Келишдик, бугун дарсдан кейин кинога борамиз.)

№2-Б

Саволни диққат билан эшит ва унга тақлид орқали тасдиқ формада жавоб бер.

-Aujourd'hui après les classes nous allons au cinéma. D'accord?(Бугун дарсдан кейин кинога борамиз, келишдикми?)

Бундай машқни бажариш жараёнида Б ўқувчи вазифасини бажарувчи ўқувчидан суҳбатдош жумласини аниқ тушунгани ҳолда, гап тузилишини хотирада қолдириш ва уни хатосиз такрорлаш орқали ўз фикрини ифодалаш талаб қилинади.

Эшитилган жумладаги сўзларнинг ўрнини алмаштириб (трансформация) гапиришга асосланган коммуникатив топшириқ Б ўқувчидан суҳбатдош жумласидаги лексик бирликни ёки грамматик формани алмаштириб гапиришга ўргатишни кўзда тутди. Бу ўринда отлар ўрнига олмошларни ишлатиш, отларнинг родини, сонини ўзгартириб гапириш каби усуллардан фойдаланиш мумкин. Масалан

№3-А

Саволни ўқи ва берилган жавобга қараб ўртоғингни текшир:

- *Aujourd'hui après les classes nous allons au cinéma. D'accord?* (Бугун дарсдан кейин кинога борамиз, келишдикми?)

Тўғри жавоб:

- *Que tu dis! Aujourd'hui après les classes nous allons à la bibliothèque. (Нималар деяпсан! Бугун дарсдан кейин кутубхонага борамиз).*

№3-Б

Саволни диққат билан эшит ва остига чизилган сўзни «*la bibliothèque*» сўзи билан алмаштириб жавоб бер.

Aujourd'hui après les classes nous allons au cinéma. D'accord? (Бугун дарсдан кейин кинога борамиз, келишдикми?)

Репродуктив коммуникатив топшириқ Б ўқувчидан суҳбатдош саволига аввал ўрганилган лексик бирликни ёки грамматик формани мустақил равишда эслаб, гапни кенгайтириб гапиришни талаб қилади. Бу ҳолда карточка остига жавоб берувчи ўқувчи фойдаланиши мумкин бўлган таянч сўзлар ёзиб қуйилиши ҳам мумкин. Масалан:

№4-

А

Саволни ўқи ва тўғри жавобга қараб ўртоғингнинг жавобини текшир:

Le dimanche nous allons á la montagne. Veus-tu y aller ensemble? (Якшанба куни биз тоққа борамиз. Сен ҳам борасанми?)

Тўғри жавоб:

Non, je ne peux pas y aller ensemble. Le dimanche je vais á la campagne chez mes grands-parents.

№4-Б

Саволни диққат билан эшит ва унинг биринчи қисмига инкор формада, иккинчи қисмига аввал ўрганган сўзларингдан фойдаланиб, тасдиқ формада жавоб бер.

Le dimanche nous allons á la montagne. Veus-tu y aller ensemble? (Якшанба куни биз тоққа борамиз. Сен ҳам борасанми?) Таянч сўзлар: *á la campagne, les grands-parents.*

Эшитилган саволдаги қолдирилиб кетилган сўзларни ўрнини тўлдириб жавоб беришга асосланган коммуникатив топшириқда А ўқувчининг карточкасида шу сўзнинг остига чизилиб қўйилади. Б ўқувчининг карточкасида эса, тушириб қолдирилган сўзнинг ўрни кўп нуқталар билан белгиланади. Бундай ҳолда Б ўқувчининг карточкаси остига матнга мос келадиган ва жумлага мос келмайдиган бир неча сўзларни аралаш қилиб ёзиб қўйиш ҳам мумкин. Б ўқувчи улар ичидан энг мос келадиганини танлаб, жумлани тўлдириб, жавоб бериши лозим. Карточка остига бундай сўзларни ёзиб қўйилиши - ўқувчини аввал ўрганган лексик birlikларни ҳам хотирлашга ўргатади.

№5-А

Саволни ости чизилган сўзини қолдириб ўқи ва тўғри жавобга қараб ўртоғингни текшир: *Aujourd'hui Nodir n'est pas venu á l'école. Est-ce qu'il est malade?* (Бугун Нодир мактабга келмади. Нима, у касалми?)

Тўғри жавоб: *Oui, il n'est pas venu á l'école. Il est malade.* (Ҳа у мактабга келмади, у касал)

№5-Б

Саволни диққат билан эшит ва ҳар иккала гапга тасдиқ формада, қолдириб кетилган сўзни ўрнини пастда берилган сўзлардан бири билан тўлдириб жавоб бер:

Aujourd'hui Nodir n'est pas venu à l'école. Est-ce qu'il est..... ?

1) La montagne, 2) malade, 3) écrivain, 4) la vache, 5) la pomme.

Коммуникатив топшириқларни бажаришнинг дастлабки босқичида ўқувчиларга гапирилаётган жумлаларнинг мазмун-маъносини тушунишга ёрдам берадиган, суҳбатдошларнинг барча сезгиларига комплекс таъсир қилувчи лингвистик (жадваллар), кўргазмалар (расмлар, предметлар, ТТВ), эмоционал таъсир (ҳазил, кулгу, юмор, топишмоқ, латифалар, саволга ва жавобга ианиш мусиқага солиб куйлаш), паралингвистик воситалардан (мимика, жест, ҳаракат) фойдаланишни ўргатиш лозим. Машқ бажариш жараёнида нутқий ҳаракатга ўргатувчи бундай воситалардан фойдаланиш фикрни аниқ ва ҳатосиз, эмоционал тарзда ифодалашга ёрдам беради. Кўп марталик тақлидий такрорга асосланган бундай микродиалоглар мулоқат кўникмаларини самарали ва сифатли шаклланишини таъминлайди. Бир машғулот жараёнида ўқувчилар мавзу бўйича 10 тагача саволни эшитиб, уларга жавоб беришни ўрганиб оладилар. Бинобарин янги яратиладиган ўқув қўлланмаларида мулоқот машқлари айнан ана шу тартибда ташкил қилиниши лозим. Дарс жараёнида мавзу бўйича шакллантирилган бундай нутқ кўникмалари дарсдан ташқари вақтда ўқув лабораториясида компьютердан, магнитофондан эшитилган ёки ўқилган саволларга оғзаки ёки ёзма жавоб беришлари орқали яна бир бор мустаҳкамланади. Синфдан ташқарида, ўқув лабораториясида (лингафон хонасида, компьютер синфида) бажариладиган бундай мустақил ишнинг бажарилиши ўқитувчи ва лобарантлар ёрдамида назорат қилиниши лозим. Саволларга ёзма жавоб ёзиб келиш уйга вазифа сифатида берилиши уни учинчи бор мустаҳкамлайди. Ўқув жараёнини бундай ташкил қилиниши

таълим самарадорлигини ошириб, эришиладиган натижаларни кафолатлайди. Кўриб турганимиздек, коммуникатив топшириққа жавоб беришда дастлаб суҳбатдош гапини тинглаб тушуниш, лексик бирликлар ўрнини фаҳмлаш, маъносини тушуниш, суҳбатдош репликасига тақлид қилиб, грамматик формани бошқа шахсда гапириш каби ақлий ҳаракатлар рўй беради. Бу ўринда коммуникатив топшириқнинг нутқ вазиятига мос келиши, суҳбатдошнинг фикри иккинчи ўқувчида гапиришга, яъни муносабат билдиришга рағбат уйғотиши лозимлигига ҳам алоҳида эътибор берилади. Бундай рағбат ўқувчига эмоционал таъсир қилувчи барча аудио-визуал ва экстралингвистик воситалардан фойдаланиш, гапга ҳазил ва юмор элементлардан қўшиш йўли билан ҳам уйғотилади.

Мустаҳкамлаш босқичида мавзуга оид барча коммуникатив топшириқлар ана шу тарзда бажарилади. Ўқувчилар коммуникатив топшириқни кўп марталик такрор жараёнида бажаришда ундаги лексик бирликлар ифодалаган маънони, грамматик, синтактик конструкцияларни, уларни талаффуз оҳангини ўзлаштириб оладилар.

Коммуникатив топшириқни мустаҳкамлаш дарсдан ташқари вақтларда ўқув лабораториясида ташкил қилинадиган, магнитофон, компютирга киритилган паузали машқлар орқали давом эттирилади. Бунда ўқувчилар белгиланган муддатда репликани эшитишлари, қолдирилган паузаларда унга жавоб беришни, яна эшиттириладиган тўғри вариантдан ўз хатоларини тўғрилашни машқ қилишлари мумкин.

Ўқитувчи мавзу бўйича мулоқат дарсини режалаштиришда дастлаб қўйидаги тайёргарлик ишларини амалга ошириш лозим:

- 1.Мулоқат мавзуси бўйича нотаниш сўзларни аниқлаш. Бир мавзу бўйича 6-10 та нотаниш сўзлар танлаб олинади. Уларни танлашда аввал ўрганилган лексик бирликлар билан бирикиш хусусиятлари ҳисобга олинади.
- 2.Мавзу бўйича коммуникатив топшириқлар тузиш ва уларни бажариш усулларини белгилаш .Жуфт ва гуруҳ бўлиб бажарилиши лозим бўлган коммуникатив топшириқлар тузиш. Бир мулоқот мавзуси учун 6-10 тагача янги

лексикани қўллаб коммуникатив топшириқ тузилади. Коммуникатив топшириқларни тузишда улар ўқувчиларнинг сўзлашув эҳтиёжларига, коммуникатив вазиятларга мос келишлигига асосий эътибор қаратилади

Жуфт ва гуруҳ бўлиб ишловчи талабаларни аввалдан белгилаш.

3. Коммуникатив топшириқдаги нотаниш сўзларни тушунтиришнинг аудио-визуал, экстралингвистик, эмоционал таъсир воситаларини белгилаш ва уларни тайёрлаш; нотаниш сўзларни расмлар, предметлар, имоишоралар, ҳаракат, синонимлар, антонимлар, қўшимчалар, чет тилида перефраз қилиш (изоҳлаш), ўйинлар, пантомималар, ашулалар, ниҳоят юқоридаги воситаларни қўллаш имкони бўлмаса, таржима орқали тушунтириш йўллари белгилаш. Тушунтириш жараёнида сўзнинг талаффуз қоидалари ўқувчилар томонидан тақлидий ўзлаштирилиши кўзда тутилади. Бунинг учун ўқитувчи аввал нотаниш сўзни талаффуз қилади, ўқувчилар уни бир неча бор такрорлагач, сўз ифодалаган маънони юқоридаги воситалар орқали кўрсатишни режалаштирилади.

4. Топшириқдаги янги сўзларни мустаҳкамлаш учун машқлар системасини белгилаш. Мустаҳкамлашни янги сўз орқали ясаладиган иборалар топиш, улардан жумлалар тузиб, турли шахсларда, замонларда тасдиқ, инкор, сўроқ формаларда туслаш орқали ўзлаштириш усуллари режалаштирилади.

5. Коммуникатив топшириқларни бажариш уларини тушунтиришни белгилаш. Бунда жуфт бўлиб ишловчи биринчи ва иккинчи ўқувчи ўз жумласини қандай аудио-визуал, экстралингвистик ва эмоционал таъсир воситалардан фойдаланиб гапириши тушунтириш ва бундай нутқий ҳаракатларни бажариш усуллари кўрсатиш режалаштирилади.

6. Коммуникатив топшириқларни тушунтириш ва бажаришга ажратиладиган вақт меъёрлари белгиланади.

2. Амалий машғулотининг технологик харитасининг тузилиши
1 - босқич (5 дақиқагача). Ўқув машғулотига кириш.
Ўқитувчи ва ўқувчилар фаолиятининг мазмуни:
-Таълим берувчи мавзунинг номи, (маъруза) режаси билан, ўқув

машғулотининг хусусияти билан ўқув машғулоти натижаларини баҳолаш мезонлари билан таништиради. -Таълим олувчилар тинглайдилар, аниқлаштирадилар, саволлар берадилар, ёзиб оладилар.

2 - босқич (55 дақиқагача). Ўқитувчи ва ўқувчилар фаолиятининг мазмуни:

-таълим берувчи ўқув машғулотининг режасига мувофиқ тузилган таълим моделини амалга оширади, топшириқни бажаришни тушунтиради, кўзланаётган ўқув натижаларига эришиш йўллари кўрсатади. -таълим олувчилар кўзланаётган ўқув натижаларига эришиш бўйича режалаштирилган ўқув ҳаракатини бажарадилар.

3 - босқич (10 дақиқагача).

Ўқитувчи ва ўқувчилар фаолиятининг мазмуни:
-ўқитувчи машғулотга яқун ясайди, ўқувчилар диққат-эътиборини асосий масалаларга қаратади, бажарилган ишларни келгуси касбий иш фаолиятидаги аҳамиятини тушунтиради, гуруҳлар, алоҳида ўқувчилар фаолиятини баҳолайди ёки ўзаро баҳолашнинг якунини чиқаради; -ўқув машғулоти мақсадига эришиш даражасини баҳолайди; мустақил иш учун топшириқ беради.

- ўқувчилар савол берадилар, топшириқни ёзиб оладилар

6- мавзу: Ўқув материалларни танлашдаги стратегиялар ва асосий тамойиллар. Электрон ўқув адабиётларини яратиш.

Режа:

1. Чет тили ўқитишда ўқув материалларни танлаш зарурияти.
2. Электрон ўқув адабиётларининг шакл ва турлари.
3. Электрон ўқув адабиётларини яратиш тамойиллари.

Замонавий ахборот технологияларининг ўқув жараёнида қўлланилиши натижасида электрон ўқув қўлланмалар, виртуал стендлар орқали мураккаб технологияларни қисқа вақтда мукамал ўзлаштириб, масофадан туриб ўқитишга

имконият яратилади.

Электрон дарслик ва қўлланмаларни масофали ўқитишда қўллаш учун юқори фаолликка эга бўлиш лозим. Ҳар бир фанга мўлжалланган электрон ўқув қўлланма энг камида учта: таълимий, машқли ва назорат қилиш каби асосий қисмларга эга бўлиши зарур.

Бугунги кунда таълим соҳасида фан ва техниканинг сўнгги ютуқлари асосида ишлаб чиқилган аудио, видео, телекоммуникация ва информаион техника ва технологияларнинг қўлланилиши катта аҳамият касб этмоқда. Шунинг учун уларнинг дидактик имкониятлари билан танишиб чиқиш ва машғулотларда уларни қўллашни ўрганиш бўлажак ўқитувчилар учун уларнинг келажак фаолиятида катта ёрдам беради.

Педагогика курсидан бизга маълум бўлганидек, дидактика, яъни грекча «didaktos» сўзидан олинган бўлиб, «таълим бермоқ» ёки «таълим назарияси» деган маънони англатишини эсга олишнинг ўзи кифоя. Дидактик воситалар бизга таниш, ҳаётимизда учрайдиган, ҳатто биз фойдаланиб юрган воситалар бўлиши мумкин. Уларнинг ҳаммаси ҳам айнан таълим бериш учун ишлаб чиқарилган восита бўлиши шарт эмас. Масалан, телевидениени олсак, у турмушимизда дам олиш учун қўлланиладиган маиший техник воситаси бўлса, аҳоли орасида тарғибот ишларини олиб боришда оммавий ахборот воситаси ҳисобланади. Лекин ундан таълимда ҳам кенг фойдаланмоқдамиз. Масалан, масофадан туриб ўқитишда у дидактик восита сифатида қўлланилаяпти¹

Ҳар бир дарслик бир томондан маълум даражада автоном бўлиши, иккинчи томондан эса таркибий тузилмаси ва ундаги ахборот маълумотлари бичимлари (форматлари)га тааллуқли стандартларга жавоб бериши керак. Бу эса ўз навбатида зарур дарсликлар тўпламини ахборотлаштирилган таълим тизимига (бунда ахборот – қидирув тизими, имтиҳон қилиш тизими ва ҳ.к.) йўналтирилган равишда осон ва тезкор йиғиш имконини беради. Агарда электрон дарслик етарли даражада сифатли бўлиб, мазмун, ўқув жараёнини назорат қилиш ва эгалланган

¹ Ахмеджанов М.М., Тўхтаева З.Ш. Дидактик воситалар мажмуаси. Ўқув қўлланма. – Т.: «Фан ва технологиялар», 2008. –100-б.

билимларни текшириш тизимига эга бўлса, мавжуд эҳтиёжни бирмунча қаноатлантириши мумкин².

Амалда аниқ чеклашлар қўйилмаган таълим олувчига билим олиш услубини танлаш имкониятини берувчи дастурлар тўпламини ўзида акс эттирган электрон китоблардан кўпроқ фойдаланилади. Мазкур йўналишда тадқиқот олиб бораётган республикамиз олимларидан Н.А.Муслимовнинг таъкидлашича³, электрон дарсликлар қуйидаги талабларга жавоб бериши зарур:

- ўқув дастури ва ўқув-методик ишларни нашр этишда қўйилувчи талабларга жавоб бера олиши (у факультет илмий-методик кенгаши томонидан тасдиқланади). Дарслик муайян соҳа йўналиши бўйича биринчи бор тақдим этилаётган ёки аввал нашр этилган методик қўлланманинг электрон версияси сифатида тайёрланганлиги ва мазмунан умумий, махсус ёки факультатив курсга тааллуқлиги;

- маълум ўқув курси (ёки унинг бир қисми)нинг мазмунини очиб бериш ҳамда ўқув-методик мақсадларга эришишга имкон бера оладиган даражада ҳажмга эгаллиги;

- ўқув-методик мақсадларга эришишга ёрдам берувчи кўргазмали элементлар (компьютернинг мультимедиа имкониятларидан максимал даражада фойдаланиш имконияти)га эгаллиги;

- материалнинг монитор экранидан кўриш ва тармоқ бўйлаб жойлаштириш хусусиятини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилганлиги;

- матнда гипермуружаатларнинг мавжудлиги билан бирга, зарур ҳолларда WEB манбалари ва бошқа ахборот ресурсларининг кўрсатилганлиги;

- материални ўзлаштириш даражасининг таълим олувчи томонидан мустақил баҳоланишига имкон берувчи назорат саволларининг мавжудлиги;

- кўплаб тилларда ишлаш, шунингдек, имконияти чекланган талабалар учун махсус шароитларнинг яратилганлиги.

Электрон китоб қуйидаги талаблар: таълим олувчи ва таълим

² Олимов Қ.Т. Махсус фанлардан ўқув адабиётларини яратишнинг назарий ва услубий асослари. Педаг. фан. док. ... дис. – Т.: ТДПУ. 2005. –274-б.

берувчиларнинг мулоқот доирасини кенгайтириш, ўқувчининг маълум бир мавзу устида ишлаган вақти, уни ўзлаштириш учун сарфланган вақти, ўзлаштириш даражасини назорат қилиш, ўқув курсини бошлашдаги ўқувчининг билим даражаси ва курс тугагандаги билим даражасини назорат қилиш имкониятини бериши зарур. Буларнинг барчаси электрон китобга қўйиладиган бирламчи талаблардир.

Замонавий ўқув-дидактик воситалар асосида ўқитиш, ўқувчиларнинг билим олиш имкониятларини ошириш, уларнинг мустақил ишлаш қобилиятлари ва амалий кўникмаларини ўрганиш даражаларини ривожлантиришда ижобий самара беради. Таълим жараёнида энг кўп қўлланилаётган электрон дарсликлар бир нечта ташкилий компонентни ўзида жорий этиши зарур. Электрон дарсликни таълим тизимига татбиқ этиш учун у ўзининг интерфейсига эга бўлиши зарур.

Электрон дарслик ёки ўқув қўлланмаси ўзига хос кўринишдаги «ташқи кўриниш – интерфейсга» эга бўлади. Ўз навбатида интерфейсга қўйиладиган асосий талаб унинг интуитивлиги ҳисобланади. Интерфейснинг бошқарув элементлари фойдаланувчи учун қулай бўлиши, уни матн ёки зарур мазмун билан ишлашдан чалғитмаслиги, китобни саҳифалаш учун қўлланиладиган бошқарув элементлари эса унинг ҳар бир саҳифасида бўлиши зарур. Ҳақиқатда электрон китобларнинг тури кўп бўлишига қарамасдан, унинг асосини гиперматнлар ташкил этади.

Ҳозирда энг кўп қўлланиладиган электрон китоблар гиперматн кўринишидаги ресурслар ҳисобланади. Касб-хунар таълими учун махсус фанлардан электрон дарсликни яратиш жараёнида психологик-педагогик, техник-технологик, эстетик ва эргономик талаблар қўйилади. Электрон дарслик ҳам, босма дарслик ҳам ўқув ва услубий қўлланма каби анъанавий ўқув нашрларига қўйилган дидактик талабларга жавоб бериши керак.

Замонавий ўқув жараёнининг ахборот технологияларини қўллаш орқали ташкил этилиши натижасида электрон ўқув қўлланмалар, виртуал стендлар орқали мураккаб технологияларни қисқа вақтда мукамал ўзлаштириб, масофадан туриб ўқитишга имконият яратилади. Ўқув жараёнида олиб

бориладиган машғулотларда биз фақат оғзаки усул, тушунтириш билан кифояланмасдан, барча турдаги ўқув ахборотларидан фойдаланамиз. Булар сонли ва ёзма, овозли ва тасвирий, ҳажмий ва ҳаракатли, электрон ва бошқа кўринишларда бўлиши мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда, биз ҳар бир дидактик воситанинг имкониятларини билиб олсак, уларнинг ҳар биридан қайси вазифани қандай амалга оширишда фойдаланиш самаралироқ эканини билиб оламиз. Бунинг учун биз аввало дидактик воситаларнинг таснифи (классификацияси) билан танишиб чиқишимиз мақсадга мувофиқ бўлади.

Электрон ўқув қўлланмани шартли равишда электрон ўқув-услугий мажмуа (ЭЎУМ) деб аташ мумкин. Унинг таркибига мазмунан ўзаро боғланган қуйидаги блоклар киритилади:

- ташкилий-услугий блок;
- ахборот-таълим блоки;
- маълумотлар блоки;
- амалий машқ ва топшириқлар блоки;
- натижавий назорат блоки.

Ҳозирги электрон дарсликлар қуйидаги асосий элементлардан таркиб топган:

1. *Матнлар.* Электрон дарсликнинг асосий қисмини ўқув маълумотлари, топшириқлар, тестлар, изоҳлар, луғатлар, амалий машқлар, кўрсатмали материаллар ташкил этади.

2. *Тасвирий материаллар.* Электрон дарсликдаги объектлар, жараёнлар, ҳодисаларни тасвирловчи схемаларни турли рангдаги монитор экранда тасвирлаш мумкин. Маълумки, кўргазмали ахборотни матнли ахборотга нисбатан қабул қилиш юқорироқ бўлади. График объект кўринишдаги образлар инсон хотирасида яхлит қабул қилинади ва кўп вақтда сақланади.

3. *Товушли кузатиш.* Электрон ўқув нашрнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Объектлар билан жараёнлар кечиши ва ҳодисалар матнли, шовқинли-сигналли, мусиқали тарзда товушли кузатув билан тасвирланиши мумкин. Ўқувчининг бир вақтнинг ўзида ахборотни тез ўзлаштиришига ижобий таъсир этади.

4. *Анимация ва видеоларҳалар.* Объектлар, жараёнлар ва ҳодисаларнинг анимацияли ёки видеоларҳалар кўринишида берилиши ўқув материлини тез вақтда ўзлаштириш ва хотирага сақлаш имконини беради. Кейинги йилларда электрон ўқув қўлланмаларини яратиш ва электрон луғатли-маълумотли материалларни ишлаб чиқиш жадал ривожланди. Электрон ўқув нашрларни тармоқ орқали тарқатиш имконияти яратилди.

Электрон ўқув қўлланмаларининг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, ундаги ўқув материали, тасвирий материаллар эскирмайди ва емирилмайди, сақлаш учун кўп майдон ва ҳажмни талаб этмайди. Электрон ўқув қўлланмаларни яратиш ҳажми босма нашрлардан кўра сезиларли даражада ошиб бормоқда. Юқорида келтирилганларга боғлиқ ҳолда электрон дарслик оддий (қоғоз) дарсликдан

кўра «бирмунча юқори интеллектга» эга бўлиши зарур, чунки компьютер ўқитувчи фаолиятининг бир неча қирраси (зарур ҳолда ва керакли жойда маслаҳат бериш, эгалланган билимларни мустаҳкамлашга ёрдам бериш ва ҳ.к.)ни имитация қилиш имкониятига эга. Шу билан бирга ўрганилаётган фан бўйича зарур (қўшимча маълумотлар) ўқув материалларини тўлалигича қамраб олган бўлиши керак.

Замонавий дарслик қуйидаги сифатга эга бўлиши лозим, яъни:

- ўқувчиларни фаол бўлиш ва танқидий фикрлашга ундаши;
- фақат назарий маълумот бериш билан чекланмаслиги;
- амалий машғулотлар, лойиҳалар, машқлар ва топшириқлар берилиши;
- ўқувчи ўз билимини ўзи баҳолаши учун тестлар мавжудлиги;
- мустақил таълим олишга имкон яратиши;
- ўқув материали аниқ мақсад ва вазифаларга йуналтирилиши лозим.

Замонавий таълим талаблари асосида яратилган дарслик ўқитиш самарадорлигини оширади, ўқувчиларнинг билимларини тизимлаштиришни таъминлайди, ижодий қобилиятларини ривожлантиради ҳамда касбга кизиқишларини кучайтиради.

2. Электрон ўқув адабиётларининг шакл ва турлари.

Электрон ўқув адабиётлар – замонавий ахборот технологиялари асосида маълумотларни жамлаш, тасвирлаш, янгилаш, сақлаш, билимларни интерактив усулда тақдим этиш ва назорат қилиш имкониятларига эга бўлган манба.

Электрон дарслик – компьютер технологиясига асосланган ўқув услубини қўллашга, мустақил таълим олишга ҳамда фанга оид ўқув материаллар, илмий маълумотларнинг ҳар томонлама самарадор

ўзлаштирилишига мўлжалланган бўлиб:

-ўқув ва илмий материаллар фақат вербал (матн) шаклда;

-ўқув материаллар вербал (матн) ва икки ўлчамли график шаклда;

-мультимедия (multimedia – кўп ахборотли) қўлланмалар, яъни маълумот уч ўлчамли график кўринишда, овозли, видео, анимация ва қисман вербал (матн) шаклда;

-тактил (хис қилинувчи, сезиладиган) хусусиятли, ўқувчини «экран оламида» стерео нусхаси тасвирланган реал оламга кириши ва ундаги объектларга нисбатан ҳаракатланиш тасаввурини яратадиган шаклда ифодаланади.

Маълумотлар банки – ахборот технологияларнинг имконияти ва воситалари асосида яратилган, статик ва динамик режимда тузилган, товуш ва рангли тасвирлар билан таъминланган, катта ҳажмдаги ахборотларни ўз ичига қамраб олган ва уларни турли кўринишда (жадвал, диаграмма, гистограмма, матн, расм ва ҳ.к.) бера оладиган, ўқув жараёнида билим олувчилар томонидан ўз устида мустақил ишлаши ва ўз билимларини назорат қилиши учун қўлланиладиган, доимий равишда тўлдириб бориладиган, кенг доирада фойдаланишга мўлжалланган, тегишли ваколатли давлат ташкилотида қайд этилган соҳалар бўйича маълумотлар тўплами.

Электрон нашр (ЭН) – бу графикли, матнли, рақамли, нутқли, мусиқали, видеофото ва бошқа ахборот объектларидан иборат бўлган жамланмаси ҳисобланади. ЭН магнитли (магнит тасмаларда, дискларда),

оптик (CD-ROM, CD-I, CDK, CD-R, CD-RW, DVD) электрон ахборот ташувчи воситаларида ҳамда компьютер тармоғида тақдим этилиши мумкин.

Электрон ўқув нашри – таълим олувчилар томонидан билимлар, кўникмалар ва маҳоратларни ижодий фаол эгаллашларини таъминлайдиган илмий-амалий билим соҳасига мос равишдаги тизимлаштирилган ўқув материалига эга бўлган электрон нашр.

Электрон луғат – анъанавий “қоғозли” луғатга мос келувчи электрон ахборот манбаи. Компьютер версияда сўз ёки сўзлар гуруҳига махсус ажратилган кўрсатма билан исталган дастурдан чиқарилиши мумкин. Анъанавий луғатлардан фақли равишда электрон луғат матн ва графикавий тасвирлар билан бир қаторда видео ва анимацион лавҳалар, товуш мусиқа ва бошқалар билан бирга медиа-объектларнинг бутун спектрларини ўз ичига олиши мумкин.

Электрон услубий қўлланма – педагогик тажрибани умумлаштириш ва узатиш ҳамда таълим фаолиятининг янги моделларини шакллантириш ва тарқатиш шакли. Электрон услубий қўлланмада педагогик тажриба машғулотларнинг рақамлаштирилган видео-лавҳалари, электрон ёки унга ўгирилган шаклда яратилган ўқувчилар ишларини дарслар бўйича режалаштирилган шаклида кўрсатилади.

Электрон ўқув қўлланма – фаннинг ўқув ҳажмини қисман ёки тўлиқ қамраган ва ахборотнинг адаптация блокани ўз ичига олган бўлиб, масофавий ўқитиш ва мустақил ўрганиш учун мўлжалланган.

Электрон маъруза – интерактив элементлар ва гипертузатишларни қўллаб, ўқув фани маъруза материалини намоёниш қилувчи мультимедик тизим.

3. Электрон ўқув адабиётларини яратиш тамойиллари

Модуллилик тамойили: Ўқув материални ҳажми бўйича кичик, аммо таркиби бўйича бир бутун бўлган модуллардан (бўлимлардан) иборат бўлган бўлақларга бўлиб чиқиш лозим.

Тўлиқлик тамойили: Ҳар бир яратилаётган бўлим (модул) куйидаги ташкил этувчи хадлардан: назарий қисмдан, назарий билимларни текшириш бўйича тузилган назорат саволлари, тестлар, мустақил ечиш учун топшириқ ва амалий кўникмаларни ўрганишга йўналтирилган машқлардан, тажрибалар ва тарихий шарҳлардан иборат бўлиши керак.

Кўргазмалилик тамойили: Ҳар бир бўлимда (модулда) янги тушунчалар, фикрлар ҳамда услубларни тушунарли ва эслаб қолишни енгиллаштирувчи матнлар ҳажми ўлчамлари кичик бўлган кадрларнинг кетма-кетлигидан иборат бўлиши керак.

Тармоқланиш тамойили: Ҳар бир бўлимлардан (модуллар-дан) гиперматнли ҳаволалар орқали бошқа бўлимларни шундай ўзаро боғлаш керакки, унда фойдаланувчи исталган пайтда бошқа бўлимларга бемалол ўтишни танлаш имконияти бўлсин. Тармоқланиш тамойили ўрганилаётган ўқув предмети материалларини чекламасада, балки фанни босқичмабосқич ўзлаштириб боришни кўзда тутди.

Бошқарувчанлик тамойили: Таълим оловчилар экран кадрларининг алмашувини ўзлари мустақил бошқара олишлари, исталган мавзу ёки маълумотларни, тушунчалар, фикрлар, иллюстрация материаллари ва мультимедияларни экранга чиқариш имконига эга бўлишлари керак. Ўқувчиларга ўзларининг билим ва кўникмаларини назорат саволлари ва тестларга жавоб бериб ҳамда амалий машғулотларни бажарган ҳолда текшириб кўриши каби имкониятлар яратилган бўлади.

Кўникувчанлик тамойили: Электрон дарслик ўқув жараёнида аниқ фойдаланувчи эҳтиёжларига кўникиб боришини таъминлаши, ўрганилаётган материалнинг чуқурлиги ва мураккаблигини ҳамда таълим оловчининг келгуси таълим босқичига боғлиқ ҳолда амалий йўналтирилганлигини ўзгартириб боришга имконият яртиши керак. Фойдаланувчилар ўз эҳтиёжларига кўра кўшимча иллюстрация материалларини юзага келтира олишлари, ўрганилаётган тушунчаларни

графикавий ва геометрик жиҳатдан талқин қила олишлари лозим.

Компьютерли қўллаб қувватлаш тамойили: Бу тамойилда таълим олувчилар ўрганиш жараёнининг исталган пайтида ўқув материалининг моҳиятига, ўзига диққатни жалб этишга ундовчи топшириқ ва масалаларни қараб чиқиш ҳамда уларни бажаришда компьютердан фойдаланишлари керак. Компьютер нафақат мураккаб алмаштириш амалларини, турли хил ҳисоблашларни ва графикларни тузиб чиқиши, расм ва схемаларни чизиши, балки турли хил мураккаб даражадаги амалларни бажариши лозим. Олдиндан ўрганилган ҳамда олинган натижаларни нафақат жавоб бериш босқичида, балки ихтиёрий ҳолатларда ҳам текшириб кўриш лозим.

Йиғилувчанлик тамойили: Электрон дарсликни янги бўлимлар ва мавзулар, фан ва техника янгиликлари билан кенгайтириб ва тўлдириб боришга имкон бериши ҳамда махсус ва алоҳида фанлар бўйича электрон кутубхоналарни ёки таълим олувчилар (у ўқиётган мутахассислик ва курсга мос ҳолда), ўқитувчилар ёки тадқиқотчиларнинг хусусий электрон кутубхоналарини шакллантириши керак.

7-мавзу: Тестлар яратиш усуллари. Тест принциплари.

Режа:

1. Чет тиллар ўқитишда БКМларни тестлар асосида текшириш. Тест турлари.
2. Тестлар ишлаб чиқишнинг асосий босқичлари.
3. Тестнинг шакллари.

Ўқитувчилар педагогик фаолиятида вужудга келаётган мазкур қийинчиликлар ўқувчилар томонидан ўзлаштириши лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларни аниқлаш ва уларни баҳолаш учун фойдаланиладиган назорат топшириқларини хилма-хиллаштириш жараёнида вужудга келаётганлиги сабабли, шу муаммони ўқув қўлланмада ёритиш лозим деб топилди. Тестология – (инглизча сўздан олинган бўлиб, тест - синов), юнонча логос - билим) сўзлари бирикмасидан иборат. Тестология

фанлараро фан бўлиб, илмий асосланган ва сифатли диагностик ўлчов методикаси ҳақидаги фан саналади. Психологияда тестологиянинг мазмуни асосан табақалаштирилган психометриянинг мазмунига мос келади. Тестологиянинг принциплари ва методлари психологиянинг чегарасидан чиқиб, ҳозирги кунда педагогика, тиббиёт, техника, менеджмент соҳаларида ҳам муваффақиятли қўлланиб келинмоқда. Тестологияни қўллашда умумий хусусиятлар: тест топшириқларини тузиш методикаси, самарадорлик, ишончлилиқ билан бир қаторда ҳар бир фан соҳасининг ўзига хос хусусиятлари, хусусан, фаннинг таълим мазмуни, тестларнинг мантиқий тузилиши, тест синовининг ўтказилиш мақсади, касбий ва умумтаълим билимларни назорат қилиш ва баҳолаш тартиби ва ўлчови ҳам эътиборга олинishi лозим.

Ҳозирги замон тестология фани амалий фан бўлиб, тадқиқотчилар олдига назарий муаммолар, математик ёндошувлар, модель ва методларни тавсия этмоқда.

Тест топшириқларига қўйиладиган талаблар.

Тест топшириқларига қуйидаги талаблар қўйилади:

- Тест топшириғи мазмунининг тўғрилиги;
- Саволнинг мантиқий жиҳатдан тўғри танланиши;
- Тест топшириғи шаклининг тўғрилиги;
- Тест топшириғининг савол ва жавобнинг қисқалиги;
- Тест топшириғи элементларининг тўғри жойлашганлиги;
- Тест топшириғининг тўғри жавоблари бир хил баҳоланиши;
- Таҳсил олувчиларга тест топшириғининг бажариш бўйича бир хил кўрсатма берилиши;
- Кўрсатмаларнинг тест топшириғи ва мазмунига мослиги.

Бундан ташқари тест топшириқлари Давлат тест маркази томонидан белгиланган талабларга жавоб бериши лозим. Тест топшириқларини тузишда мазмун асосий ўринни эгаллайди, шу сабабли ўқув курси мазмунидаги билимларни аниқлаш ва уларга мос ўқув

мақсадларига эришиш даражасини белгилайдиган тест топшириқларини тузиш мақсадга мувофиқ.

Тест методининг кенг тарқалиши, ривожланиши ва такомиллашувига унинг қуйидаги афзалликлари:

- Тест топшириқлари тадқиқот мақсадига мувофиқ респондентларнинг билим, кўникма ва малакаларига аниқ баҳолаш имконини беради;

- Ижтимоий сўровларда иштирок этган кўпсонли респондентларнинг фикр ва мулоҳазаларини аниқлаш ва умумлаштириш имконияти мавжуд;

- Таҳсил олувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини аниқлаш ва баҳолаш жараёни объектив амалга оширилади, баҳоловчи томонидан субъективизмга йўл қўйиш олдини олади.

- Турли гуруҳ респондентларидан олинган маълумотларни қиёсийстатистик таҳлилинини ўтказиш имкон бериши кабилар замин яратган.

Тест топшириқларининг ялпи жорий этишдан аввал, танланган мақсадли гуруҳда синовдан ўтказиш, олинган натижалар ва баҳолашнинг объективлиги таҳлил қилиниши лозим. Олинган натижалар ва тестларнинг мақсадга мувофиқлиги қуйидаги **мезонлар** бўйича таҳлил қилинади:

1. Тест топшириқларининг қийинлик даражаси мезони.

Тест топшириқларининг қийинлик даражаси мезони ўрганилаётган объектнинг хусусиятларини ўзида тўлиқ акс эттириб, у таҳсил олувчилар томонидан мазкур хусусиятларни аниқлаш учун бажарадиган ақлий операцияларига кўра:

- Репродуктив даража;
- Продуктив даража;
- Қисман-изланишли даража;
- Ижодий (креатив) даражада бўлиши мумкин.

Репродуктив даражадаги тест топшириқлари таҳсил олувчиларнинг томонидан ёдда сақланган билим, кўникма ва малакаларни таниш одатий вазиятда ахборотларни қайта ишламасдан жавоб қайтаришни талаб этади. Бу

даражада тузилган тестлар таҳсил олувчилартомонидан ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларни аниқ баҳолаш имконини бермайди.

Продуктив даражада тузилган тест топшириқлари таҳсил олувчилар томонидан ўрганилган объектларни қиёслаш, ўхшашлик ва фарқларни аниқлаш, умумий хулоса чиқариш орқали жавоб беришни талаб этади.

Қисман-изланишли даражадаги тест топшириқлари таҳсил олувчилар томонидан ўрганилган объектларнинг хусусиятларини бошқа объектга кўчириш, мазкур объектларни таққослаб, кейинги объектнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида хулоса чиқариш, қисман изланиш олиб боришни талаб этади. Таҳсил олувчилар томонидан мазкур даражадаги тест топшириқларига жавоб беришдан аввал ўзлаштирилган билимлар янги вазиятларга кўчирилади.

Ижодий (креатив) даражада тузилган тест топшириқлари таҳсил олувчилар томонидан ижодий фикр юритиш кўникмаларига эга бўлиш, мазкур тест топшириқларини бажариш жараёнида таҳсил олувчилар томонидан аввал ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни янги кутилмаган вазиятларда қўллашни талаб этади. Дастлабки репродуктив ва продуктив даражадаги тест топшириқлари ўқув фан бўйича тасдиқланган ДТСнинг минимал даражасига, қисманизланишли ва ижодий (креатив) даражадаги тест топшириқлари ДТСнинг максимал даражасига мос тузилиши зарур.

Тест топшириқларининг табақалаштириш мезони. Таҳсил олувчилар томонидан қийинчилик даражаси ва мазмунан бир хил тест топшириқларни бажариш орқали олинган натижаларига мувофиқ табақалаштириш мезони уларни кучли, ўрта ва кучсиз гуруҳларга ажратиш мумкин. Мазкур табақалаштириш орқали таҳсил олувчилар томонидан ўзлаштирган билим, кўникма ва малакалардаги типик камчиликлар ва бўшлиқларни аниқлаш, уларга барҳам бериш йўлларини топиш имконини беради.

Педагогик тестлар бу қийинчилик даражаси бўйича ўсиб борувчи, ўзига хос шаклга эга, таҳсил олувчиларнинг муайян мазмун юзасидан тайёргарлик даражасини сифатли ва самарали назорат қилиш ва баҳолашга имкон берадиган топшириқлар тизими саналади.

Топшириқлар тизими дейилганда, муайян мавзу, боб, бўлим ёки курс мазмунини ўзида мужассамлаштирган ва тизим ҳосил қилувчи хусусиятга эга бўлган ўқитувчи томонидан танланган топшириқлар мажмуаси тушунилади.

Тест топшириқларининг ўзига хос шакли оддий савол-жавобдан фарқ қилиб, тест топшириғи саволлари ва жавоблари қисқа ва лўнда бўлиши билан изоҳланади.

Тест топшириқларининг муайян мазмуни дейилганда курс мавзулари ва уларнинг мазмунидаги назорат қилиниши лозим бўлган ўқув материаллари тушунилади.

Тест топшириқларининг ўсиб борувчи қийинлик даражалари тизим шаклида мужассамлаштирилган топшириқда дастлабки тестлар репродуктив, продуктив, кейингилари қисман-изланишли ва ижодий (креатив) бўлиши назарда тутилади. Тест топшириқларининг қийинлик даражаси кўрсаткичлари тизим ҳосил қилувчи, шу билан бир қаторда топшириқлар структурасини аниқловчи омил саналади.

Тест топшириқларининг мантиқий жиҳатдан асосланганлиги мезони ўзида савол ва топшириқларнинг мантиқий кетма-кетликда акс эттирилиши тушунилади. Тест топшириқлари мантиқий тузилишига кўра: индуктив ёки дедуктив бўлиши мумкин. Тест топшириқларининг жавоблари мазмунга мос, қисқа фикрли, аниқ, лўнда, тўғри ва нотўғри жумлалардан иборат бўлади. Тест топшириқларидаги тўғри ва нотўғри жавобларнинг таркибидаги сўзлар бирикмаси ва сони бир хил бўлиши талаб этилади.

Таҳсил олувчиларнинг билим даражаси тест топшириқлари орқали назорат қилинган ва олинган натижаларни таҳлил этиш орқали уларнинг мазкур курс бўйича ДТС билан меъёрланган билим, кўникма ва

малакаларни эгаллаганлик даражаси аниқланади. Шунини қайд этиш керакки, тест топшириқларида билимлар структурасининг кетма-кетлиги тўғри ва нотўғри жавобларнинг мантикий йўналишда талаб даражасида берилиши лозим.

Талаб даражасида тузилган тест топшириқларининг натижалари, яъни таҳсил олувчиларнинг тўплаган баллари ва кўрсаткичлари мазкур курс бўйича ўқув жараёнининг мақсадга мувофиқ ташкил этилганлиги, таълимнинг индивидуаллаштирилганлиги, табақалаштирилган ёндошувнинг мавжудлиги, педагогнинг педагогик маҳорати, назоратнинг ҳаққонийлигига бевосита боғлиқ бўлади.

Ўқитувчи муайян курс бўйича таҳсил олувчиларнинг шу курс бўйича ДТС билан меъёрланган билим, кўникма ва малакаларни назорат қилиш ва баҳолаш Рейтинг тизимининг жорий, оралиқ ва якуний назорат учун тест топшириқларини тузишда аввало асосий эътиборни, ДТС мазмунини қамраб олиниши, яъни мазмуни ва шаклига, тест топшириқлари ўртасида узвийлик ва изчилликка қаратиши лозим.

Стандарт тестлар. Тест топшириқларига қўйиладиган асосий талаб, ҳар бир тест муайян мазмун, таркиб, яхлитлик ва структурага эга бўлиши лозим.

Шунини назарда тутган ҳолда, у топшириқ мазмуни, бажариш тартиби, қоидаси, шу топшириқни бажариш натижасида таҳсил олувчининг эгаллаши мумкин бўлган бали ва тест натижаларини умумлаштириш бўйича кўрсатмалардан иборат бўлиши зарур. Тест топшириқларининг яхлитлиги у бир мавзу, боб, бўлим ёки курс мазмунини қамраб, уларни назорат қилиш имкониятига эга эканлигида кўзга ташланади. Ҳар бир тест топшириғи яхлит топшириқнинг бир бўлаги сифатида муайян мазмунни қамраб олади ва маълум бир вазифани бажаради, шу сабабли уларнинг бирортасини олиб ташлаш билимларни аниқлаш жараёни ва сифатига бевосита таъсир кўрсатади. Тест топшириқларининг структурасига топшириқнинг ўзаро алоқадорлигини амалга ошириш орқали эришилади.

Асосан, ҳар бир тест топшириғи бир-бири билан умумий мазмун ва эришилиши назарда тутилган натижаларнинг умумий вариацияси орқали боғлиқлигини кўриш мумкин.

Стандарт педагогик тестлар мазмуни ва моҳиятига кўра: *гомоген* ва *гетероген* тестларга ажратилади.

Гомоген тестлар бу қийинчилик даражаси бўйича ўсиб борувчи, ўзига хос шаклга эга бўлиб, таҳсил олувчиларнинг муайян мазмун юзасидан тайёргарлик даражаси, билим, кўникма ва малакаларини сифатли ва самарали назорат қилиш ва баҳолашга мўлжалланган битта ўқув курс бўйича тузилган топшириқлар тизими саналади.

Гетероген тестлар бу қийинчилик даражаси бўйича ўсиб борувчи, ўзига хос шаклга эга бўлиб, таҳсил олувчиларнинг муайян мазмун юзасидан тайёргарлик даражаси, билим, кўникма ва малакаларини сифатли ва самарали назорат қилиш ва баҳолашга мўлжалланган бир нечта ўқув курс бўйича тузилган топшириқлар тизими саналади.

Ностандарт тестлар. Стандарт тестлар мазмуни бўйича репродуктив ва продуктив даражада, таркиби жиҳатидан тест топшириғи саволи ва тўғри ҳамда нотўғри жавоблардан иборат бўлса, ностандарт тестлар ўзининг мазмуни, тузилиши ва қўлланиш мақсадига кўра муайян даражада фарқ қилади.

Ностандарт тестлар мазмуни ва моҳиятига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

1. Интегратив тестлар;
2. Адаптив тестлар;
3. Мезонли-мўлжал олиш тестлари.

Интегратив тестлар интеграл мазмун, шакл, қийинчилик даражаси бўйича ўсиб борувчи, таълим муассасасининг битирувчисининг тайёргарлик даражаси ҳақида умумлашган якуний хулоса чиқаришга имкон берадиган тест топшириқлари саналади. Адаптив тестлар автоматлаштирилган, таҳсил олувчиларга нисбатан индивидуал ёндошиш имконини берадиган, топшириқ

мазмунни, бажариш тартиби, қоидаси, шу топшириқни бажариш натижасида таҳсил олувчининг эгаллаши мумкин бўлган бали ва тест натижаларини умумлаштириш бўйича кўрсатмалардан иборат бўлади. Адаптив тестларнинг асосий гуруҳини пирамидали адаптив тестлар ташкил этиб, қўлланиш мақсадига кўра: ўртача оғирликдаги, таҳсил олувчининг танлашига кўра аралаш, топшириқлар банкдан фақат қийин даражали бўлиши мумкин. Адаптив тестлар таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг модуль кредит парадигмасида муваффақиятли қўлланиши мумкин. Бунинг учун педагог битта мавзу, боб, бўлим, курс мазмуни бўйича турли қийинчилик даражадаги бир неча вариантли тест топшириқларини тузиш ва амалда қўллаш маҳоратига эга бўлиши лозим. Мезонли-мўлжал олиш тестлари таҳсил олувчиларнинг умумий тайёргарлик даражаси, мазкур курснинг ўқитилиш сифати, педагогнинг педагогик маҳорати, таълим-тарбия жараёни самарадорлигини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Мазкур тест топшириқларини тузиш учун аввало ўқув курси мазмуни ДТС асосида таҳлил этилади, билим, кўникма ва малакалар аниқланади, уларни аниқлаш учун топшириқлар мажмуаси тузилади, мазкур топшириқлар тест топшириқларига айлантирилади ва синов ўтказилади, пировард натижада таҳсил олувчиларнинг шу курсни ўзлаштириш даражаси юзасидан хулоса тайёрланади. Мезонли-мўлжал олиш тест синовлари орқали таҳсил олувчиларнинг билимларидаги бўшлиқлар аниқланади ва уларни бартараф этиш йўллари аниқланади.

Ностандарт тест топшириқларини тайёрлашда мазмун ва шакл асосий ўринни эгаллайди. Шу сабабли, тест топшириқлари мазмунини танлаш принциплари ҳақида фикр юритиш лозим.

1-принцип. Тест топшириқлари мазмуни синов мақсадига мослиги принципи. Мазкур принцип таҳсил олувчиларнинг ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ва баҳолаш Рейтинг тизимининг назорат турларида тест топшириқларининг мазмуни мақсадга мувофиқ танланишини талаб этади. Шунини қайд этиш керакки, Рейтинг

тизимининг назорат турлари жорий, оралиқ ва якуний назорат топшириқлари бир-биридан нафақат дидактик мақсади, балки мазмуни ва мазмуннинг ёритилиш даражаси билан фарқ қилишини назарда тутиш лозим.

2-принцип. Назорат ва баҳоланаётган билимларнинг муҳимлиги принципи.

Муҳимлик принципи тест топшириғи саволларига ўқув дастуридаги энг муҳим қонун, назария, тушунча ва кўникмаларни киритишни талаб этади. Бу жараёнда иккинчи даражали маълумотлар, рақамлар ва фактик материаллар тест топшириқларига киритиш тавсия этилмайди.

3-принцип. Мазмун ва шакл бирлиги принципи. Мазкур принцип тест топшириқларининг мазмуни ва шакли бир-бирига мос, яхлитликни ташкил этишини талаб этади. Тест топшириқларининг мазмунини танлашда билимларнинг турлари ва уларнинг ўзига хослигини эътиборга олиш ва мос равишда шаклни танлаш лозим.

4-принцип. Тест топшириқларининг мазмунан тўғрилиги принципи.

Тест топшириқларига ўқув курси мазмунидаги объектив ва ҳақиқий билимлар киритилиши мақсадга мувофиқ. Мазмундаги баҳс ва мунозарага олиб келадиган масалалар тест топшириқларига киритилмаслиги лозим. Бу ҳолат таҳсил олувчиларнинг ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини ҳаққоний ва одилона назорат қилиш ва баҳолаш имконини бермайди.

5-принцип. Тест топшириқлари мазмунида ўқув курси мазмунининг қайта тақдим этилиши принципи. Мазкур принцип тест топшириқларини тайёрлашда ўқув курси мазмунини тўлиқ ва етарли даражада қамраб олинишини назарда тутати. Ўқув курси бўйича ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнида мавзулараро, боблараро, бўлимлараро ва фанлараро боғланишларга етарли даражада эътибор қаратилган, мазмунан бу жараён ўқув материалида ўз аксини тушунчалар ўртасидаги боғланишлар шаклида топган бўлса, бунда ҳамма мавзулар бўйича эмас, балки танланган асосий мавзулар ва боблар бўйича тест топшириқлари тайёрланади.

6-принцип. Тест топшириқлари мазмунининг фаннинг ҳозирги замон ҳолатига мослиги принципи. Мазкур принцип тест топшириқлари мазмунини жамиятимизда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий қарашлар, ҳуқуқий меъёрлар, фаннинг ўқув курси таълим мазмунига киритилган фан янгиликларига мослашни талаб этади. Шунини қайд этиш керакки, ўқув курси мазмуни таҳсил олувчилар томонидан шу курсга оид илмий билимларни ўзлаштириш жараёнида ўзига хос ва мос проекцияни ҳосил қилади.

Юқорида қайд этилган фикрлардан кўриниб турибдики, тест топшириқларининг мазмуни ҳам замонавий, ҳам таҳсил олувчилар томонидан илмий билимларни ўзлаштириш босқичларига мос бўлиши лозим.

7-принцип. Тест топшириқлари мазмунининг мажмуали ва мувозанатлашган бўлиши принципи. Мазкур принцип тест топшириқлари мазмунини танлашда мақсадга мувофиқликни келтириб чиқаради, яъни Рейтинг тизимининг оралик ва якуний назорат учун тузилаётган тест топшириқларининг мазмуни унинг тури ва қўлланишини эътиборга олинган ҳолда боб, бўлим ёки курс мазмунини тўлиқ қамраб олишини тақоза этади. Шунингдек, якуний назорат учун тузилаётган тест топшириқлари ўзида курснинг назарий масалалари, тушунчалар, қонунлар ва қонуниятлар, гипотезалар, фактик материаллар, масала ва машқларни мужассамлаштириши лозим.

8-принцип. Тест топшириқлари мазмунининг тизимлилиги принципи. Мазкур принципга асосан, тест топшириқларининг мазмунини танлашда, мазмун таҳсил олувчиларнинг ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини назорат қилишда тизимлилиқ талабларига жавоб бериши лозим. Ундан ташқари тест топшириқларининг тизимли мазмуни, бир - бири билан узвий боғланган билимларнинг умумий структурасини акс эттириши зарур. Демак, ҳар бир тест топшириғи умумий билимлар тизимидан унинг муайян қисмини назорат қилишига эътибор қаратиш лозим.

9-принцип. Тест топшириғи мазмунининг вариативлиги принципи.

Тест топшириғи биринчи марта амалиётга жорий этилганда, уларнинг мазмуни тахсил олувчиларга маълум бўлиб қолади ва тест жавоблари ҳақидаги ахборотнинг четга чиқиб кетиш ҳолларининг олдини олиш учун, мазкур принцип тест саволлари ва жавобларини кўп вариантли қилиш, уларни алмаштириб, янгилаб туришни тақоза этади. Бу ҳолатда тест топшириқларининг мазмуни ва уни бажариш қийинчилик даражасини сақлаш талаб этилади.

Назорат саволлари

1. Тестология тушунчаси.
2. Тест топшириқларига қўйиладиган асосий талаблар.
3. Тест тузиш босқичлари ва турлари.
4. Тест топшириқларини ечиш бўйича йўл-йўриқлар.

8-мавзу: Тинглаб тушуниш, ўқиш, ёзув, гаплашиш кўникмаси бўйича тестлар таҳлил қилиш ва яратиш кўникмаси.

1. Тил билиш даражасини баҳолаш тамойиллари.
2. Назорат қилишнинг тури ва шакллари.
3. Баҳолаш меъзонларини яратиш ва улардан самарали фойдаланиш.

Ўқув-тарбиявий жараён – бу бошқариладиган ва ростланадиган жараён бўлиб, ўқитувчи, устоз ўқувчилардаги билим, кўникма, малака ва компетенцияларни сон ва сифат жиҳатдан ҳаққоний баҳолаш ва ўқувтарбиявий жараёнда олинган натижаларганига қараб ўзгартиришлар киритиб бориш билан бирга ўзининг фаолиятига ҳам тавсиф беради. **Билим** – назарий ва амалий фаолият натижасида ўрганган, эса сақлаб қолинган, қабул қилинган ва фикрлаштирилган ҳодиса ва предметлар ҳақидаги тушунчалар тизимидир.

Билимлар ўз навбатида тизимли ва тизимсиз, назарий ва амалий, кенг ва тор, чуқур ва юзаки, мосланувчан ва шаблонли, мустаҳкам ва мустаҳкам бўлмаган турларига бўлинади. Буларнинг ичида касбий таълим

натижасида ҳосил бўладиган назарий ва амалий билимларни ошириш мумкин. Чунки, назарий билимлар нарсаларнинг (предметлар) етарли даражадаги хусусиятларини техника ва технологиялардан ҳодисасини (явлений) ва уларнинг объектив муносабатини билдиради.

Амалий билим эса техника ва технология соҳасидаги жараёнларнинг алоқасини, ҳодисасини ва бошқаларнинг тўғридан тўғри амалий фаолиятга киритилганлигини билдиради.

Малака – бу ўқувчининг автоматик равишда йўналтирилган ҳолда бирорта ишни баҳолаш қобилиятидир.

Кўникма - янги шароитда инсоннинг (мутахасиснинг) ишни сифатли, керакли ҳажмда ва ажратилган – белгиланган вақтда бажариш қобилиятидир.

Компетенция-хаётий вазиятларда олинган билим, кўникма ва малакаларни қўлланилиши.

Кўникмани шакллантириш бу касбий таълимнинг мажбурий охириги мақсади бўлиб, бу кўникма ўқиш, амалиёт жараёнида босқичма-босқич шаклланиб боради.

Касбий қобилият – касбий фаолият шароитида ишни муваффақиятли бажариш учун зарур бўлган шахснинг шахсий –психологик сифати белгисидир. Қобилият туғма бўлмасдан унинг кўзга ташланиши ёки ажралиб туриши муҳитга, ўрганишга, тарбияга боғлиқдир. Қобилиятнинг туғма кўриниши унинг қабул қила олиши, фикрлаши, хотираси, фараз қилиши ва бошқалар бўлгани учун булар ривожлантирилса, тўғри йўлга солишса қобилият юқори чўққига чиқади.

Билим, малака ва кўникма, қобилият ўзаро боғлиқ бўлиб, уларни алоҳида-алоҳида баҳолаш жуда мураккаб. Ўқувчиларнинг билим, малака ва кўникмаларини баҳолаш устознинг, ўқитувчининг муҳандис педагогнинг услубий фаолиятини таркибий қисмидир. Шунинг учун ҳам ўқитувчи ўқув шароитида ҳар бир ўқувчини диққат билан кузатиб, ўрганиб бориш ва фаолиятини баҳолаб бориши зарур.

Умумтаълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими ва олий ўқув юртлардаги фанлар бўйича билим, малака ва кўникмаларини баҳолаш усуллари ва шакли асосан бир хилдир. Уларда фақат мазмун жиҳатдан яъни амалиётни, касбий йўналтирилганлик, малака ва кўникмаларга бўлган талабнинг кўпроғи ва бошқалар билан боғлиқдир. Лотин тили ўрганишда билим, малака ва кўникмаларни баҳолашнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- Жорий – оғзаки сўраш, ёзма назорат ишлари, амалий иш, ўқитувчининг кузатиб бориши, дастурли назорат.

- Даврий – ҳар битта мавзунинг ўтгандан кейин текшириб бориш.

- Якуний – назорат ишлари, имтиҳон ва битирув ишлари. Ўқувчиларнинг билим, малака ва кўникмаларини назорат қилишда урта асосий функция (вазифа) амалига оширилади: текширувчи, ўргатувчи ва тарбияловчи.

Текшируви – назорат қилувчи – ўқувчиларнинг, гуруҳ ўқувчиларининг ўзлаштирганлик даражасини белгилаб бориш (яъни билими, малакаси ва кўникмаси).

Ўргатувчи – ҳар бир ўқувчининг билими, малакаси ва кўникмасини текшириш натижасида бошқа ўқувчилар ўзларининг билим, малака ва кўникмаларини таққослайди ва ўзига хулосалар чиқаради. Шу билан бирга ўқитувчи умумий камчиликларга ҳам тўхталиб ўтиши натижасида бошқа ўқувчиларга сабоқ бўлади.

Тарбияловчи функцияси – тизимли назорат ўқувчиларда ўзига ўзи баҳо беришни, имкониятларини тарбиялайди ва ўз вақтларини тўғри тақсимлашга ундайди. Ўқувчиларнинг билими, малакаси ва кўникмаларини назорат қилишнинг энг кўп тарқалган шакли оғзаки сўраш (шахсий, группали)дир. Бунинг кенг тарқалганлигининг сабаби уни ташкил қилишнинг осонлиги. Лекин бунинг ҳам ўзига хос қийинчилик томонлари бор. Қандай савол бериш керак? Саволнинг хажми қандай бўлиши керак? Қанча вақт керак?

Нимани сўраш керак? Қачон ўқувчилар билан нима қилиш керак? ва х.к.

Назорат қилиш қандай бўлмасин, уларга қўйиладиган умумий талаб: ўқувчиларга аниқ саволлар билан мурожат қилиш ва бу назоратга кўпроқ ўқувчиларни жалб этишдир. Ўқувчиларнинг касбий маҳорат юритувчи объектлари бўлиб қуйидаги ишлаб чиқариш билим, малака ва кўникмалари ҳисобланади.

- ўқув ишлаб чиқариш ишларини бажариш сифати;
 - ишлаб чиқариш моҳити унумдорлиги – вақт ва маҳорат;
 - ишни бажаришда ишлаб чиқариш негизларининг усулларини қўллаш олиш;
- ҳозирги замон техника ва технологиясини қўллаш олиш, иш бажариш;
- мустақил иш бажара олиш;
 - амалий ишларни бажариш назарий билимларни қўллаш олиш;
- меҳнат маданияти, иш жойи тартиби;
 - иш бажариш вақтида техника хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш.

Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига ўқитувчи беш балли система бўйича баҳо қўяди. Баҳо қўйишнинг беш балли системасини амалда тадбиқ этишда сўзлар билан ифодаланадиган «аъло», «яхши», «қоникарли», «ёмон», «жуда ёмон» деган баҳоларни «5», «4», «3», «2», «1» рақамлари билан алмаштириш мақсадга мувофиқ деб топилган. Рақамли баҳолаш кўпроқ аниқлиги, пухталиги ва фойдаланиш учун қулайлиги билан фарқ қилади. Қуйидаги баҳо мезонлари белгилаб чиқилган. Ўқув материални бутун тафсилотлари билан билиш ва тушуниш, материални изчил, мантиқан боғланган ҳолда хатосиз баён этиш, ҳисоб-китоб ва графика ишларини намунали бажариш, меҳнат топшириқларини бажариш вақтида олинган илмийтехникавий билимларни мустақил, дадил ва тўғри тадбиқ этиш, меҳнат усулларини тўғри бажариш (меҳнат ва ҳунар таълими дастурининг талаблари доирасида), техникавий талаблар доирасида сифат кўрсаткичларига риоя қилиш, ишни вақт нормаси доирасида бажариш «5» баҳо билан баҳоланади. «4» баҳо бутун ўқув материалларини билиши ва тушуниши, уни оғзаки ва ёзма равишда тўғри баён этиши, ҳисоб-китоб ва графика ишларини

тўғри ва пухта бажариши, олинган билимлардан ўқув-меҳнат топшириқларини, берилган ишни белгиланган вақт нормасига мувофиқ ўз вақтида бажарилганлиги учун қўйилади. «3» баҳо программадаги асосий материални бундан кейинги ўқув-меҳнат вазифаларини бажаришга имкон берадиган хажмда билиши ва тушуниши, ўқув материални бирмунча хато ва камчиликлар билан, ўқитувчининг озгина ёрдами орқали содда қилиб баён этиши, меҳнатни ташкил этишда бир оз камчиликлар бўлган ҳолда белгиланган вақт нормасини 75% бажаргани учун қўйилади. «2» балли баҳо программа материалнинг кўп қисмини яхши тушунмаслик, уни кўпол хатолар билан баён қилиш, ҳисоб-китоб ва графика ишларини етарли даражада бажармаслик, олинган билимларни хатоларга йўл қўйиб татбиқ этиш, меҳнат операсияларини кўп хатолар билан бажариш, меҳнатда белгиланган сифат кўрсаткичларини таъминлай олмаслик учун қўйилади. Бутун программа материални билмаслик ва тушунмаслик, ўтилган материални баён қилиб бера олмаслик, олинган билимлардан амалда фойдалана билмаслик, меҳнат усулларини қўллай олмаслик, хатога йўл қўйиш учун «1» баҳо қўйилади. Баҳолашни тарбиявий ролини ошириш масаласи диққатга сазовордир.

Шу муносабат билан ўқитувчилар қўйган баҳоларини изоҳлаб бериши муҳимдир. Бу ҳол ўқувчиларга ўз билимларидаги камчиликларини, амалий ишларидаги нуқсонларини билиб олишларига ёрдам беради. Баҳолашни мунтазам изоҳлаб бориш уларнинг таълимий ролини оширади.

Ўқувчиларнинг *Блум таксономияси бўйича* билиш ўқув мақсадига эришганлигини назорат қилишда улар томонидан муайян мавзу бўйича маълумот ва ахборотларни ўзлаштирганлик даражасини аниқлаш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун ўқувчи мавзу бўйича объектларни аниқлаши, уларга таъриф бериши, маълумотларни қайта ишлаши, ўз фикрини баён этиши, муайян жараён, объект ёки воқеанинг моҳиятини тушунтириши, мазкур жараён, объект ёки воқеанинг ўзига хос хусусиятларини ажратиб кўрсатиши керак бўлади. Ушбу фикрларни стандарт ўқув ва тест топшириғи

билан амалга ошириб бўлмайди, билиш ўқув мақсадига эришилганлик даражасини аниқлашда қуйидаги **расмли ва кўп жавобли ностандарт тестлардан** фойдаланиш тавсия этилади.

Мазкур тест топшириқлари таҳсил олувчиларнинг нафақат ўзлаштирган билимларини балки объект ва унинг қисмларини таниш, ўзига хос хусусиятларини аниқлаш кўникмаларини назорат қилиш ва баҳолаш жараёнини ҳаққоний ва одилона амалга ошириш имконини беради.

Ўқувчиларнинг Блум таксономияси бўйича билишга оид ўқув мақсадига эришилганлик даражасини назорат қилиш ва баҳолашда фойдаланиладиган ностандарт тест топшириқларини қўллаш муҳим аҳамиятли натижаларни беради. Ўқув мақсадлари таксономияси Бенжамин Блум — томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, у ўз ичига билиш, тушуниш, амалиётга қўллаш, таҳлил қилиш, синтезлаш, баҳолаш кабиларни ўз ичига олади.

Блум таксономиясини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

Ўқув мақсадлари	Таърифи	Калит сўзлар	Машғулотдаги назорат тури	Рейтинг тизимидаги тест топшириғи тури
Билиш	Ахборотни ўзлаштириш	1. Аниқлаш; 2. Таърифлаш; 3. Қайта ишлаш; 4. Айтиб бериш; 5. Моҳиятини тушунтириш; 6. Ажратиб кўрсатиш;	Тест топшириғи Оғзаки жавоб Кластер тузиш Оғзаки жавоб Оғзаки жавоб Кластер тузиш	Репродуктив Продуктив Қисман изланишли Креатив даража

Тушуниш	Аҳамиятни англаш, асосий ғояни ажратиш кўрсатиш	1. умумлаштириш; 2. Қайта ишлаш; 3. Асосий ғояни қайта ишлаш; 4. Мисоллар келтириш; 5. Ҳимоя қилиш;	Кластер тузиш Кластер тузиш Венн диаграмма Масалалар ечиш Венн диаграммаси	Продуктив Қисман изланишли Креатив даража
Амалиётга қўллаш	Ахборотни янги кутилма ган вазиятда қўллаш	1. Мослаштириш; 2. Қайта ишлаш; 3. Лойиҳалаш; 4. моделлаштириш; 5. Қайта айтиш бериш;	Оғзаки жавоб Кластер тузиш Кластер тузиш Кластер тузиш Оғзаки жавоб	Репродуктив Продуктив Қисман изланишли Креатив даража
Таҳлил	Ахборотни ёки объектни қисмларга ажратиш	1. Таққослаш 2. Қисмларга ажратиш 3. Ажратиш кўрса тиш 4. Қиёслаш	Венн диаграммаси Кластер тузиш Кластер тузиш Венн диаграммасини тузиш	Қисман изланишли Креатив даража
Синтез	Ғояларни муҳасам лаштириш	1. Гуруҳларга ажратиш 2. Умумлаштириш 3. Реконструкция	Кластер тузиш Венн диаграммасини	Қисман изланишли Креатив даража

			тузиш Кластер тузиш	
Хулосалаш	Ўрганилган мавзу юзасидан хулоса яшаш	1.Баҳолаш 2.Танқидий фикр юритиш 3. Фикрга қарши фикр билдириш 4. Қўллаб- қувватлаш 5.Инкор этиш	Оғзаки жавоб Оғзаки жавоб Оғзаки жавоб Оғзаки жавоб Оғзаки жавоб	Репродуктив Продуктив Қисман изланишли Креатив даража

Ушбу жадвалда ўқув мақсадлари, уларнинг изоҳи, яъни билимларни мақсадга айлантиришда фойдаланиладиган феъллар, семинар, амалий ва лаборатория машғулотилари давомида баҳолаш турлари, ҳамда Рейтинг тизими назорат турларида фойдаланиладиган топшириқлар ўз аксини топган.

Мазкур билимларни талабалар томонидан ўзлаштирилганлигини объектив ва ҳаққоний аниқлаш ва баҳолаш мақсадида тест топшириқларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Тест топшириқларини тузиш, педагогик амалиётда қўллаш ва олинган натижаларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш тестология фанининг объекти саналади. Ҳар бир ўқув курсининг таълим мазмунини таҳлил қилиш учун қуйидаги назарий асосга таяниш лозим.

И.Я. Лернер томонидан таълим мазмунининг таркибий қисмларига:

1. Билимлар (илмий тушунчалар, ғоялар, қонунлар, илмий назариялар);
2. Фаолият усуллари (қўникма ва малакалар);
3. Ижодий фаолият тажрибалари;
4. Қадриятлар тизими киритилган.

Назорат саволлари

1. Билим, кўникма, малака ва компетенция тушунчаси.
2. Ўқувчиларнинг ўзлаштирган билим, кўникма ва компетенцияларни баҳолаш.
3. Ўқувчининг ўқув фаолияти мониторингини олиб бориш мезонлари.

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

Кейс билан ишлашга 1 та ўқув машғулоти. 1 -вариант
Кейс билан ишлашга 1 та ўқув машғулоти ажратилган. Кейс ўлчами
унчалик катта эмас .

- 1. Кейс билан якка тартибда танишиш.**
- 2. Кейс билан жамоа бўлиб ишлаш:**
 - 2.1. Ақлий хужум: - муаммоли вазиятни ҳал этиш ғоялари генерацияси.**
 - 2.2. Жамоанинг баҳоси ва устувор ғояларнинг танланиши.**
- 3. Ўқитувчи резюмеси.**
- 4. Тингловчиларнинг ўқув ютуқларини баҳолаш**

2-вариант

Кейс билан ишлашга 1 та ўқув машғулоти ажратилган. Кейс ўлчами
унчалик катта эмас.

- 1. Кейс билан якка тартибда ишлаш.**
- 2. Жамоанинг муаммоли вазиятни таҳлил қилиш ва ҳал этиш, бундай амалий вазиятдаги фаолият бўйича тавсияларни ишлаб чиқишга қаратилган мунозараси.**
- 3. Ўқитувчи резюмеси.**
- 4. Тингловчиларнинг ўқув ютуқларини баҳолаш**

3-вариант

Кейс билан ишлашга 1 та ўқув машғулоти ажратилган. Кейс ўртача
ўлчамли.

1. Кейс билан аудиториядан ташқари вақтда якка тартибда ишлаш.
2. Аудиторияда ишлаш:
 - 2.1. Кичик гуруҳларда ишлаш: кейс билан якка тартибда ишлаш натижаларини муҳокама қилиш бўйича кичик гуруҳлардаги ишлар; жамоанинг муаммо ечими бўйича таклиф қилинган муқобил вариантларни таҳлил қилиши ва баҳолаши, устувор ғояни танлаши; муаммоли вазиятни ҳал этиш дастурининг ишлаб чиқиши.
 - 2.2. Гуруҳ иши тақдими.
 - 2.3. Муаммоли вазият ечими бўйича таклиф этилган вариантларнинг жамоадаги муҳокамаси.
3. Ўқитувчи резюмеси.
4. Тингловчиларнинг ўқув ютуқларини баҳолаш

VI. ГЛОССАРИЙ

Атама	Ўзбек тилидаги изоҳи
Давлат таълим стандарти (ДТС)	Ҳар бир фан бўйича муайян таълим босқичи битирувчилари учун белгиланган малакавий талаблар
Ўқув дастур	Муайян таълим босқичи ва йўналиши учун белгиланган ДТС га мувофиқ ҳолда муайян фан бўйича олиб бориладиган ўқув машғулотларининг асосий мазмуни
Таълимий мақсад	Ўрганилаётган тил ҳодисаси юзасидан пухта назарий билим ва маълумотлар бериш ва уларни нутқий фаолиятда қўллай олишга ўргатишдир
Тарбиявий мақсад	Тил таълими жараёнида таълим субъектларини ўз халқига, Ватанига садоқат, миллий тилга муҳаббат, уни пухта эгаллашга иштиёқ, аждодларини қадрлаш, миллий қадриятлар, анъаналар, урф-одатлар руҳида тарбиялаш
Ривожлантирувчи мақсад	Таълим субъектларида мустақил фикрлаш, ўзига ишонч ва қатъийлик, қийинчиликларни енгиш, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилишқўникма- малакаларини ҳосил қилиш
Ўқув диалог лойиҳаси	Дарсни таълим берувчи билан таълим олувчилар ўртасида ҳамкорликни таъминлашга хизмат қиладиган фаол таълим усуллари воситасида
	ташқил этишни лойиҳалаштириш

<p>Ўқув полилоги лойиҳаси</p>	<p>Дарсни таълим берувчи билан таълим олувчилар ўртасида ҳамда таълим субъектларининг ўзаро ҳамкорлигини ўрнатишга хизмат қиладиган интерфаол таълим усуллари воситасида ташкил этишни лойиҳалаштириш</p>
<p>Метод</p>	<p>Юнонча сўз бўлиб, “йўл” маъносини ифодалайди, таълим жараёнида мақсадга эришиш, масалаларни ҳал қилиш йўллари, усуллари демакдир</p>
<p>Таълим методи</p>	<p>ўқув жараёнининг мажмуавий вазифаларини ечишга йўналтирилган ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолияти усули.</p>
<p>Таълим методикаси</p>	<p>муайян ўқув предметини ўқитишнинг илмий асосланган метод, қоида ва усуллар тизимини тавсифловчи, таълим самарадорлигини таъминлашга хизмат қилувчи методларни қўллашни ўргатувчи фан</p>
<p>Таълим усули</p>	<p>ўқитувчи ва ўқувчиларнинг таълим жараёнидаги аниқ мақсадга эришишига қаратилган биргаликдаги фаолияти бўлиб, у ўқув материални назарий ва амалий жиҳатдан ўзлаштириш йўлларини англатади.</p>
<p>Методология</p>	<p>тадқиқот манбаини қандай тушуниш, уни ўрганишга қандай ёндашиш, қайси</p>

	узулларни кўллаш, тадқиқот объекти юзасидан умумий назарий, амалий, мантикий ёки тавсифий билимлар ҳосил қилиш ҳақидаги таълимот
Таълим технологияси	(инглизча “an educational technologiya”)“таълим методикаси” тушунчасига нисбатан кенгроқ тушунча бўлиб, ўқитиш жараёнини юксак маҳорат, санъат даражасида ташкил этиш юзасидан маълумот берувчи фан
узвийлик	узвий чамбарчас ҳолдаги, ўзаро боғланган, ажралмас
узлуксизлик	соддадан мураккабга қараб ривожланиб борувчи ва бир- бирини тақозо этувчи
Узлуксиз таълим тизими	узлуксиз таълим ўзаро мантикий изчиллик асосида боғланган ҳамда соддадан мураккабга қараб ривожланиб борувчи ва бир- бирини тақозо этувчи босқичлардан иборат яхлит тизими
она тили сифатида ўқитиш	тилни шу тил асосий тил ҳисобланувчи мамлакатда тил эгаларига ўқитиш
Тил таълими тамойиллари	тилларни ўқитишда амал қиладиган асосий йўналишлар
компетенция	(лот. competere – лаёқатли, муносиб бўлмоқ) шахсининг бирор-бир соҳадан хабардорлик, шу соҳани билиш даражаси
компетентлик –	чуқур билимга эгалик; чуқурбилимга

	асосланганлик, асослилик; хабардорлик, омилкорлик
компетенциявий ёндашув	эгалланган билим, кўникма ва малакаларни ўз шахсий, касбий ва ижтимоий фаолиятларида амалий қўллай олиш лаёқатини шакллантириш
Халқаро CEFR даражалари	чет тиллари бўйича эгалланган билимларни амалий қўллай олиш малакавий кўрсаткичлари- нинг халқаро миқёсда қабул қилинган компетентлилик кўрсаткичлари
Таянч компетенциялар	инсоннинг шахсий, ижтимоий, иқтисодий ва касбий муносабатларга кириша олиш, жамиятда ўз ўрнини эгаллай олиш кўникма-малакаларини таркиб топтириш
хусусий компетенциялар	ҳар бир фан бўйича эгалланган билим, кўникма, малакалар асосида шакллантирилган лаёқатлар даражалари
нутқий компетенция	тинглаб тушуниш, гапириш ва ёзиш кўникмалари воситасида таълим олувчида шакллантирилган тилматериалларини амалий қўллаш лаёқати
лингвистик ёки тил компетенцияси	муайян тил бўйича бериладиган фонетик, лексик, грамматик билимларни амалий қўллаш лаёқати
лингвокультурологик компетенция	ўрганилаётган тилда акс этган тил эгаларининг миллий-маданий хусусиятлари, қадриятлари тизимини ўрганиш ва нутқда қўллаш лаёқати
прагматик	кундалик ҳаётда эгалланган

компетенция	билим, кўникмалар асосида нутқий вазиятларга мос равишда мустақил ҳолда мулоқотга кириша олиш лаёқати
сертификатлаштириш тизими	эгалланган билимлар асосида муайян тилни амалий қўллай олиш малакавий компетентлилик кўрсаткичи бўйича гувоҳнома бериш тизими
классификатор	олий таълим тизимида тайёрланадаган мутахассисликлар ва ихтисосликлар йўналишларининг тасдиқланган рўйхати
намунавий дастур	фан бўйича таянч <u>олий</u> таълим муассасаси томонидан тавсия қилинадиган ва шу йўналишдаги ОТМлар ишчи ўқув дастурлари, дарсликлар, ўқув қўлланмалари учун асос ҳисобланувчи ўқув дастури
компетентлик даражаси	эгаллаган билим, млакаларини амалий қўллаш салоҳияти кўрсаткичи
мутахассислик йўналишлари	олий таълим тизими бакалавриат босқичи бўйича тайёрланадиган мутахассислик йўналишлари
ихтисослик соҳалари	олий таълим тизими магистратура босқичи бўйича тайёрланадиган ихтисослик соҳалари
олий малакали илмий-педагогик кадрлар	олий таълимдан кейинги босқичларда тайёрланадиган юқори малакали кадрлар

VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга кураимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. 488 б.

2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. 592 б.

3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. 507 б.

4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. 400 б.

5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. 400 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2018.

7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрь “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сонли қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь

“2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетда талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони.

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли қарори.

Ш. Махсус адабиётлар

1. Жалолов Ж.Ж. Чет тили ўқитиш методикаси.Т.2012.

2. Хошимов Ў., Ёкубов И . Инглиз тили ўқитиш методикаси Т.2003 у.
3. Ахмедова Л.Т., Нормуратова В.И. Енглиш теачинг. Прастисум. Т.2011.
4. Латинский язык и основы медицинской терминологии: учеб. пособие / Л. В. Долгушина; Новосиб. гос. ун-т. – Новосибирск: РИЦ НГУ, 2013. – 96 с.
5. Петрова Г. В., Еремичева В. И. Латинская терминология в медицине:
6. справочно-учебное пособие для медиков и фармацевтов. М.: Астрель АСТ, 2017
7. Латинский язык и основы терминологии / под ред. Ю. В Шульца. М.: Медицина, 2015.
8. Ярхо В. Н., Лобода В. И. Латинский язык. М.: Просвещение, 1983.
9. Кацман, Н.Л., Покровская, З.А. Латинский язык. – М.: ВЛАДОС, 2013. [Электронный ресурс]
10. Proverbia et dicta Latina: методическая разработка для студентов дневного и заочного отделений филологического факультета / [Сост. Т. В. Вяничева] –Томск: Изд-во ТГПУ, 2010. –66 с.
11. Хрестоматия по латинскому языку: для вузов / сост.: О. В. Бударagina, Т. Б. Путилова; под. ред. Н. М. Ботвинник. –М. [и др.]: Академия [и др.], 2013. –115 с.
12. Соболевский, С. И. Грамматика латинского языка: Теоретическая часть. Морфология и синтаксис: учебное пособие для вузов и средних специальных учебных заведений.С.И.Соболевский. -СПб.: Алетейя, 2014 – 431 с.
13. Латин тили. Л.Хўжаева, Х.Зоҳидова. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2015
14. Гальскова Н.Д.. Современная методика обучения иностранным языкам.М. 2005
15. Азизходжаева А.К.. Педагогик технология Т. 2006.
16. Фаберман С.С. Педагогическая технология. Проблемы ее использования. Т.2004

17. Соловьева Е. Н. Методика обучения иностранным языкам. М; 2005.

IV. Интернет сайтлар

1. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

2. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси

3. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази

4. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали Ziyonet

5. <http://www.gumer.info.ru> - Тил ўрганиш сайти:

6. <http://www.knigafund.ru> - Тил ўрганиш сайти